

**Б. АЛИЕВ, А. РАҲМОНОВ**

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ  
ҚУРИШНИНГ  
СИЁСИЙ-ХУҚУҚИЙ  
ЖИҲАТЛАРИ**

32с(с52)

А49


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Б.А. АЛИЕВ, А.Н. РАҲМОНОВ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ  
ҚУРИШНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
ЖИҲАТЛАРИ

Монография



Тошкент  
«IQTISOD-MOLIYA»  
2013

**УЎК: 347.471(072)**

**КБК: 66.3(5Ў)12**

**Масъул мухаррир: фалсафа фанлари доктори, профессор  
Саифназаров И.**

**Тақризчилар:** – фал.ф.н., доц. Содиков А.;  
– юр.ф.н., доц. Хаттоғев Н.

**Алиев Б. А.**

**Фуқаролик жамияти қуришнинг сиёсий-хўжумий жиҳатлари.**

Монография / Алиев Б., Раҳмонов А. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт университети. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2013. – 200 б.

Мазкур монографияда фуқаролик жамияти тушунчаси, унагни ривожланиши конунчилари, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хўжумий тизимидағи ислоҳотлар ва уларнинг кўлами тадқик этилган. Мавзуу ихчам, содда ва тушунарли баён этилган. Монография кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган.

В этой монографии исследованы понятие гражданского общества и закономерности его развития, реформы в судебно-правовой системе, проводимые в нашей стране и их объём. Монография раскрыта компактно, легко и понятно. Монография предназначена для широких кругов читателей.

The conception of civil society and law of its development, reforms in the judicial and legal system and also its volume which have been researched in this monograph. The theme was revealed densely, easily and clearly. The monograph is intended for a wide range of readers

**УЎК: 347.471(072)**

**КБК: 66.3(5Ў)12**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Илмий кенгашининг 2013 йил 21 февралдаги 2-сонли қарорига асосан нацирга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-13-468-3

© «IQTISOD-MOLIYA», 2013  
© Алиев Б.А., Раҳмонов А.Н., 2013

## МУҚАДДИМА

Юртимиз истиклоли бизнинг олдимиизда улкан имкониятлар эшигини очди ва халқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш ҳамда дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашдек юксак мақсадлар йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу муқаддас заминда яшаб ўтган қанча-қанча аждодларимизнинг асрий орзуси бўлган мустақиллик бундан деярли йигирма икки йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигида олиб борилган мардона курашлар натижасида рўёбга чиқди. Тарихан жуда қисқа, бирок мазмунан асрларга тенг бу йиллар давомида халқимиз миллий гаракқиёт йўлидан изчил ва қатъият билан бориб, барча синов ға машаққатларни енгиб ўтиб, оламшумул ютуқ ва мэрраларга эришди. Ҳаётнинг ўзи биз таизаган йўл тўғри эканини кўрсатди. Буни бугун жаҳон аҳли ҳам эътироф этмөқда. Бу йўл тараққиётнинг ўзбек модели сифатида кенг ўрганилмоқда. Бу, ўз навбатида, халқимизнинг иродаси, кучкудрати ва бунедкорона меҳнати самарасига, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган сиёсатга берилган муносиб баҳодир.

Мана, карийб йигирма икки йилдирки, халқимиз буюк тараққиёт йўлидан оғишмай илдамлаб бормоқда. Мехнаткаш ва меҳмондўст, саховатли ва бағрикенг, маънавияти юксак ва олижаноб халқимиз ўз олдига, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасида белгиланганидек, демократик хукуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадини қўйган. Бу улуғ мақсад йўлида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалига оширилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш ва унинг институтлари фаолиятини янада ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлиб хизмат киладиган давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш борасида

изчил равишда самарали ишлар олиб борилмоқда. Давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи саналадиган судлар мустақиллигини таъминлаш, суд-хукуқ соҳасида демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш йўлида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда.

# I боб. ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТҮҒРИСИДАГИ ТАССАВВУР ВА ТУШУНЧАЛАР

---

Мамлакатимиз йилдан-йилга ривожланиб, ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг турли жабхаларида улкан аҳамиятга молик ютуқ ва натижаларга эришиб, жаҳон ҳамжамиятида тобора юксак мавқега эга бўлиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан давлат ва жамият курилиши борасида белгилаб берилган стратегик мақсадлар ва уларга босқичма-босқич эришиш бўйича аниқ ишлаб чиқилган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши муваффакиятлар асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

## 1.1. Ғарб ва Шарқда фуқаролик жамияти түғрисидаги тасаввурлар

*Ғарбда фуқаролик жамияти түғрисидаги тасаввурлар.* Шу ўринда фуқаролик жамияти түғрисидаги тасаввурлар ривожига қисқа назар солайлик. «Фуқаролик жамияти» тушунчаси илк бор Қадимги Греция ва Римда вужудга келган. Фуқаролик жамияти ҳақидаги дастлабки фикрлар Аристотель (эр. ав. 384–322 йй.; Шарқда уни Арасту деб атайдилар) томонидан, унинг «Сиёсат» асарида ёритилди. Унинг фикрига кўра, инсоннинг эркин яشاши учун жамиятда қонунлар устувор бўлиши лозим. Шу билан бирга, ана шундай устувор қонунлар адолатли бўлиши ҳам керак.

Бу ғоялар XVII асрга келиб, янада ривожланди. Жумладан, инглиз файласуфи Томас Гоббс асарларида ривожлантирилди.

XVIII асрда рўй берган Буюк француз инқилоби<sup>1</sup> боис «Инсон ва фуқаро хукуклари Декларацияси»нинг эълон қилиниши орқали фуқаролик жамияти тушунчаси кенг тарқала бошлади. И. Кант, Ж.Ж. Руссо, В. Гегель сингари таниқли мутафаккирларнинг илгари сурган фикрлари фуқаролик жамиятининг кенг моҳиятини ва янги қирраларини очиб берди.

*Шарқда фуқаролик жамияти тўғрисидаги масавурлар.* Шарқда фуқаролик жамияти тушунчасига нисбатан ўзига хос талқинлар мавжуд. Бу одоб-ахлоқ, маданият ва хукукнинг уйғунлашган шакли билан боғлик. Жумладан, қадимий ёдгорлик бўлмиш Авестода кишиларнинг биргалашиб яшаши, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ахлоқ нормаларига таяниши, ватанпарварлик, аҳиллик каби ғоялар олдинга сурилган. «Авесто»нинг иккинчи дафтари бўлмиш Яснанинг 62-ҳот, 5-қўшиғида шундай дейилади:

*«Менга баркамол ва диногоҳ, ватансевар ва анжуманоро, аҳил, эзгу андешали, зулматдан, тангликдан қутқарувчи фарзандлар багиша. Токи улар манзил, шаҳар, ўлка ва унинг ном ҳамда овозасини кўтарсинлар».<sup>2</sup>*

Абу Наср Форобийнинг асарларида, хусусан, унинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида давлатни бошқаришда адолатли қонунларга таяниш лозимлиги уқтирилади. Форобийнинг ёзишича, фозиллар шаҳрининг бошлиғи табиатан ўн иккита хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши, хусусан, «у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур»<sup>3</sup>. Бу каби ғоялар Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Мухаммад Хоразмий, Соҳибқирон Амир Темур ва бошқалар томонидан ҳам илгари сурилган.

Фуқаролик жамияти тушунчасини бугунги замонавий тушуниш узоқ тарихий тараққиёт маҳсулидир. Ўзбекистонда

<sup>1</sup> Буюк француз инқилоби – Франция тарихида мустабид тузумга барҳам берган ва янги ижтимоний тараққиётти йўл очган инқилоб (1789–1799). Қирол Людовик XVI 1789 йилининг 5 майидаги парламент (Бош штатлар) мажлисини чакирди. 3-томфа депутатлари 17 июнда ўзларини Миллий мажлис, 9 июнда esa Тальсиң мажлиси деб эълон эттилар. Мажлисни тарқатиб юбориши масксидида килинган уринчишлар ҳалқ кўзғолонинга сабаб бўлди. 14 июнда Бастия турмасига хужум бошланди. Бу инқилобининг бошланиши эди.

<sup>2</sup> Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001, 90-б.

<sup>3</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нацириёти, 1993, 160-б.

фуқаролик жамиятини қуриш тарихий анъана бўлса-да, у тўлалигича миллий анъаналар ва жаҳондаги илғор давлатлар тажрибасининг синтези сифатида, яъни эркинлик ва ахлоқ, озодлик ва тарбия, қонунга итоаткорлик ва сиёсий-хукуқий фаолликнинг уйгунилиги сифатида дунёга келмоқда<sup>1</sup>. Фуқаролик жамияти узоқ муддатни оладиган жараёндир. Фуқаролик жамиятини шакллантириш кўпгина ривожланган давлатларда муайян даражада амалга оширилган. Лекин ана ўша давлатларда ҳам фуқаролик жамияти мукаммал барпо этилган эмас ва уни ривожлантириш жараёни давом этмоқда.<sup>2</sup>

## 1.2. Демократик давлат тушунчаси

«Демократик давлат» тушунчасининг ўзагида «демократия» турганини инобатга олиб, гапни аввало, «демократия» сўзининг лугавий маъносини англаб олишдан бошламоқ зарур. «Демократия» сўзи юонча «демос» – «халқ» ва «кратос» – «ҳокимият» сўzlаридан келиб чиқсан бўлиб, «халқ ҳокимияти» деган маънони билдиради<sup>3</sup>. Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилик тизимида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси энг юқорида – норматив-хукуқий ҳужжатлар иерархиясининг тепасида туради. Шунинг учун уни баъзан «Асосий қонун»<sup>4</sup> деб ҳам атайдилар. Қолаверса, Конституция олий юридик кучга эга ҳужжатdir (Конституциянинг III боби мазмунида). *«Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-хукуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас»* (16-мода, 2-қисм). Конституциянинг II боби «Халқ ҳокимиятчилиги» деб аталади. Бу айни юонча «демократия» сўзининг ўзбекчасидир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси. 9-жыл. Тўйчи Ҳофиз – Шаршара. – Т.: «Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси» Давлат илмий нацириёти, 2005, 350-б.

<sup>2</sup> Каримов Б.Р. Фуқаролик жамиятини қуриш ва Ўзбекистон мустақилиги. – ЎзР ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва хукуқ институти ташкил этган «Инсон манфаатларининг ҳимояланиши – фуқаролик жамияти шакллананишининг мухим омили» мавзусидаги республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Т.: Фалсафа ва хукуқ институти, 2007, 6-б.

<sup>3</sup> Ҳукуқунонстика оид ўзламина терминлар. Тузувчилар: Бектемиров Х., Холмедов Х., Содиков С. – Т.: Адолат, 1999. 25-б.; Мустақилик: изоюл илмий-оммабон лугат // Муаллифлар: М. Абдуллаев, М. Абдуллаева, Ф. Абдуллаева, Г. Абдураззокова ва бошқ.; Р. Рўзиев ва Қ. Ҳоназаров умумий таҳтирида. Тўлдирилган учбичи нацири / - Т.: Шарқ, 2006, 87-б.

<sup>4</sup> Асосий қонун деганда Конституция назарда тутилмоқда. Бироқ бу ибора норматив-хукуқий ҳужжатларда учрамайди. Шундай бўлса-да, хукуқий-назарий адабиётларда Конституция тушунчасининг синоними сифатида кенг қўлланади.

Конституциянинг ана шу боби демократик тамойилларга бағишилган.

Демократик давлат фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришдаги ҳукуқларини амалда таъминлайди, ана шундай иштирок этишга шароит яратади, шахснинг ҳукуқ ва эркинликлари тўла рўёбга чиқарилишини кафолатлади<sup>1</sup>. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонун билан тақиқланмаган фаолиятни амалга оширишга ружсат этилади. Демократик давлат – давлатнинг тамомила янги тарихий шаклидир. У ижтимоий адолат тамойилларига, ҳукукка, қонунга, қонунийликка асосланадиган давлатдир. Демократик давлат ҳалқ учун хизмат қиласидиган, унинг манфаатлари ва ҳукукларини таъминлайдиган давлатдир<sup>2</sup>. Демократик жамият куриш жарайёни кучли фуқаролик жамиятияни яратилишини тақозо қиласиди.

Ҳалқимиз демократик давлат қуришни кўзлаган. Демократик давлат – ҳалқ ҳокимииятчилигига асосланган давлатдир. Демократик давлатда ҳалқ ҳокимиияти ўрнатилади. Зоро, ҳалқ – давлат ҳокимииятининг бирдан бир манбаидир.

Бу Ўзбекистон Конституциясида ўз ифодасини топган (7-модда, 1-қисм). Буни давлат ҳокимиияти марказий органларининг ҳалқимиз ҳоҳиш-иродаси асосида ташкил этилаётгани мисолида кўришимиз мумкин. Хусусан, Президент сайловлари, Олий Мажлисга бўлиб ўтган сайловлар бунинг ёрқин далилидир.

Ҳалқимиз ҳукуқий давлат қуриш борасида улкан ишларни амалга оширмоқда. Ҳукуқий давлат – Конституцияга, қонунларга, ҳукукка асосланган давлат бўлиб, унда барча масалалар қонунлар негизида ва қонунларга асосланиб ҳал этилади.

Бу қонунлар устуворлиги таъминланишининг ифодаси сифатида намоён бўлади. Ҳукуқий давлат қуриш фуқароларнинг ҳукуқий саводхон бўлишлари орқали кечадиган жараён-

<sup>1</sup> Инсоннинг асосий ҳукуклари олий қадрият эканни масаласида қаранг: Раҳмонов А.Н. Инсоннинг асосий ҳукуклари – олий қадрият сифатида. Ўзбекистон Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳукуқ институти ташкил этган «Инсон манбаатларининг ҳимояланishi – фуқаролик жамияти шаклланганинни мумкин омили» мавзусидаги республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Т.: Фалсафа ва ҳукуқ институти, 2007, 93–95-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. А.А. Азизхўжаев, Ф. Абдумажидов, М.А. Аҳмадшова ва бошқ.; Маъсул муҳаррир А.А. Азизхўжаев; Ўзбекистон Республикаси Админал вазирлости, Тошкент давлат юридик институти. – Т.: Ўзбекистон, 2008, 22-б.

дир. Шундай экан, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз хуқук ва эркинликларини тўғри англаб олиши, конституцияйи бурчини тушуниши лозим.

Бунда Конституция бирламчи манба бўлиб хизмат қиласди, чунки давлат органлари томонидан чикариладиган барча турдаги норматив-хуқуқий хужжатлар унга зид бўлмаслиги, аксинча унинг нормаларини рўёбга чиқариш юзасидан қабул қилиниши лозим.

Шуни англабгина хуқук ва эркинликлар ҳамда бурчларни билиш қандай асосга таянишини ва шу орқали Конституциянинг аҳамиятини тушуниш мумкин.

### **1.3. Фуқаролик жамияти тушунчаси**

Жамият ва унинг аъзолари давлатга нисбатан устунликка эга бўлиши фуқаролик жамиятининг шаклланиши билан бевосита боғлиқ жараёндир. Агар «жамият» тушунчасини макону замонда мавжуд, турмуш тарзи ва манфаатлари муштарақ бўлган инсонларнинг ўзаро алоқадорлигини ифодаловчи бирлик деб тушунсак, фуқаролик жамияти эса ана шундай жамиятнинг ривожланишида маълум шароитларда карор топадиган унинг юқори босқичидир. Агар «жамият» тушунчаси таркибиغا, масалан, давлатнинг ҳам киришини унутмасак ва айни вактда «фуқаролик жамияти» тушунчаси таркибида давлатнинг мавжуд эмаслигини англасак, «жамият» ва «фуқаролик жамияти» тушунчаларининг айнан бир нарса эмаслигини, уларнинг турлича маъно касб этишини кўришимиз мумкин.

«Жамият инсоният тарихий тараққиётининг маълум босқичида шаклланадиган ижтимоий муносабатлар мажмуудир»<sup>1</sup>. Фуқаролик жамияти – бу юксак фазилатларга эга бўлган инсонлар жамиядидир. Фуқаролик жамияти – бу шундай ижтимоий тузумки, унда конунлар устуворлиги таъминланади, инсон хуқук ва эркинликлари карор топади, сиёсий партиялар<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Пироҳимов А. Ёргулуг. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий напрэти, 2006, 217-б.

<sup>2</sup> «Партия» сўзи латинча *partio* сўзидан олинган бўлиб, «бўламан, ажратаман» дегани, яъни гоявий жиҳатдан маслаҳдоли манфаатлари мунитарақ, шунингдек, муайян ишни бажариш учун мўлжалланган кашшилар гурухини англатади.

ва институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги таъминланади, инсонга унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти шаклларини эркин танлаш кафолатланади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи юксак бўлади.

Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси фуқаролик институтлари фаолиятида кенг иштирок этади ва улар орқали сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳукуқий жиҳатдан ўз эҳтиёжларини қондиради. Фуқаролик жамиятида давлат ва унинг органлари фаолияти устидан фуқароларнинг *жамоатчилик назорати* ўрнатилади. Давлатнинг бир қатор ваколатлари жамоат ташкилотлари зиммасига юкланди. Айтиш мумкинки, фуқаролик жамиятини қуриш кучли давлатдан кучли жамият сари босқичма-босқич ўтиш орқали рўй беради. Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» дастури асосида давлатнинг айрим ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўtkазиш жараёни кечмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «биз бунда кучли марказий давлат ҳокимияти ўзининг куч-гайратларини асосий, умуммиллий вазифаларга, чунончи, мудофаа, давлат хавфсизлиги ва фуқаролар хавфсизлиги, ташки сиёсат, валюта-молия ҳамда солиқ тизимларини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва таракқиётнинг бошқа стратегик вазифаларига қаратадиган давлат ижтимоий қурилиш тизимини барпо этишимиз лозим. Бошқа масалаларни ҳал қилиш эса аста-секин марказдан жойларга, давлат ҳокимияти органларидан жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширилмоғи керак»<sup>1</sup>.

«Фуқаролик жамияти» тушунчаси кенг ва тор маъноларда кўлланади. Фуқаролик жамияти *кенг маънода* жамиятнинг шундай қисмини билдирадики, бу қисмда давлат ва унинг тузилмалари бевосита қамраб олинмаган бўлади. Фуқаролик жамияти *тор маънода*, яъни ўз маъносига ҳукуқий давлат билан бевосита боғлик. Шу маънода, фуқаролик жамияти

<sup>1</sup> Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор таракқиёт йўлида: Асарлар, 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 142-б.

хукуқий давлатсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас ва, аксинча, хукуқий давлатни фукаролик жамиятисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Фукаролик жамияти институтларининг таснифи

Иқтисодий соҳада

- 1) Хусусий мулк асосида фаолият юритадиган нодавлат ташкилотлари;
- 2) Ширкат хўжаликлари ва уларнинг уюшмалари;
- 3) Ижара асосида ишловчи жамоалар;
- 4) Ҳиссадорлик жамоалари;
- 5) Молиявий жамғармалар ва уюшмалар;
- 6) Ишлаб чиқариш корпорациялари, концернлари ва бирлашмалари;
- 7) Тадбиркорлар уюшмалари (палатаси) ва бошқалар.

Ижтимоий соҳада

- 1) Оила ва унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи маҳсус ташкилотлар;
- 2) Таълим-тарбия муассасалари (мактаб, ўрта маҳсус ва олий таълим муассасалари);
- 3) Жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар;
- 4) Фукароларни ўзини ўзи бошқариш органлари;
- 5) Мустақил оммавий ахборот воситалари;
- 6) Диний ташкилотлар;
- 7) Миллий-маданий марказлар;
- 8) Ихтиёрий кўнгилли жамиятлар;
- 9) Жамоатчилик фикрини ўрганиш институтлари;
- 10) Турли ижтимоий ихтилофларни ҳал этувчи тузилмалар ва бошқалар.

Сиёсий соҳада

- 1) Сиёсий партиялар;
- 2) Ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар;
- 3) Инсон ҳукукларини ҳимояловчи институтлар ва бошқалар.

I-расм. Фукаролик жамияти институтларининг таснифи

Фукаролик жамиятида, давлат органларида бўлгани сингари бири иккинчисига бўйсунадиган, яъни верикал (тик)

муносабатлар эмас, балки горизонтал (ётиқ) муносабатлар етакчилик қиласы. Бошқача айтганда, фуқаролик жамиятида әркін ва тенг хукуқлы ҳамкорлик мавжуд бўлади.

Фуқаролик жамиятининг ички тузилмасида мазкур жамият элементларининг хилма-хиллиги кўзга ташланади. Ҳозирги замон фуқаролик жамиятининг таркибий элементлари қўйидагилардан иборат (*1-расмга қаранг*):

- 1) фуқаролик жамиятининг иқтисодий ташкилоти;
- 2) фуқаролик жамиятининг ижтимоий ташкилоти;
- 3) фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий ташкилоти.

Фуқаролик жамияти институтлари жамият хаётида муҳим ўрин тутади, хусусан, улар турлича ижтимоий гурухлар манфаатларини ифодалайди, фуқароларнинг фаоллигини оширади, мамлакатда рўй берәётган турли демократик ўзгаришлар кўламини кенг ёйишда муҳим омил саналади, жамоатчилик назоратини юзага келтиради, хукуқий онг ва маданиятни шакллантиради, хукуқий давлатни барпо этиш ишига катта хисса кўшади.

# **П боб. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ**

---

## **2.1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасида оширилаётган ислоҳотлар**

Конституция<sup>1</sup> – фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий тамоилиларини белгилаб берган бирламчи ҳужжат. Алоҳида эътиборга олиш лозимки, «Конституция» атамаси узок тарихга эга. «Конституция» атамаси даставвал антик дунё мутафаккирлари томонидан кўлланилган. Қадимги вактда у сиёсий тузумни англатган. XVII асрда Францияда «рента»<sup>2</sup>, «рента шартномаси» шу сўз билан аталган. Кейинчалик бу сўз яна ўз асл маъносида, яъни давлат тузилиши маъносида кўлланила бошлади. Буюк француз инқилоби арафасида давлат тузилиши «Конституция» ибораси орқали ифодаланди.

Ўзбекистон тарихида конституциялар кўп бўлган. Лекин улар инсон хуқуqlари ва манфаатларига, халқнинг эзгу мақсадларига эришиш йўлида эмас, балки мавжуд тузумнинг манфаатларига хизмат қилган. Ўзбекистон мустақилликка Эришганидан сўнг мамлакатимиз конституциявий тарихида туб бурилиш юз берди. Бу давр талабидан келиб чиқсан объектив зарурат эди. Ана шу зарурат 1992 йилнинг охирида воқеликка айланди. Ўша йилнинг 8 декабрида ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сес-

<sup>1</sup> «Конституция» сўзи латинча (*constitutio*) сўзидан олинган бўлиб, «тузилиш», «тузук», «курилиш» деган дувавий маънога эга.

<sup>2</sup> Немисча *Rente*, латинча *reddita* сўзларидан олинган бўлиб, «қайтариб берилган» деган маънени билдиради. Рента кенг ва тор маъноларда кўлланилади. Кенг маънода рента – бу мулк эгаларининг тадбиркорлик фаолигига билан шугулланмасдан ер, мол-мулк, капиталдан мунтазам оладиган даромади. Тор маънода рента – бу қатъни даромади пул капитали ва қимматли когозорлар эгаларни фойз шаклида оладиган даромад. Аксарият ҳолларда рента тушунчаси ерии южарага бериш натижасида олинадиган даромадга ишбатан кўлланилади.

сиясида<sup>1</sup> мамлакатимиз тараққиётининг асосий пойдевори бўлиб хизмат қилаётган мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

Конституциянинг бош мақсади заминида инсон манфаатларига хизмат қилиш тамойили ётади. Шунинг учун ҳам унинг «Асосий тамойиллар»дан кейинги бўлими бевосита инсон хукуклари ва эркинликларига ҳамда бурчларига бағишиланган. Шундан кейинги ўринларга жамият ва шахс ҳамда давлат ҳокимиятининг қурилиш тамойиллари жойлаштирилган.

Хукукий демократик давлатда инсон шаъни ва қадркиммати, обрўси ва хурмат-эхтироми, хукуқ ва эркинликлари Конституция ва бошқа тегишли қонунлар билан ҳимоя қилинади. Конституциянинг муқаддимаси орқали инсон хукуклари ғояларига содиқлик тантанали равишда эълон қилинди, бир қатор мақсадлар, хусусан инсонпарвар демократик хукукий давлат барпо этиш халқимизнинг Конституцияни қабул қилишдан кўзланган мақсади эканлиги белгиланди:

*«Ўзбекистон халқи: инсон хукукларига ва давлат суверенитети гояларига содиқлигини тантанали равишида эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро хукуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносаб ҳаёт кечиришиларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик хукукий давлат барпо этишини кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида, ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қиласди»<sup>2</sup>.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасидан англашилмоқдаки, мамлакатимизда хукукий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш халқимизнинг ўз олдига

<sup>1</sup> «Сессия» сўзи латинча *session* сўзидан олинган бўлдиб, «сессия», яъни ваколатли органлар, суд, илмий муассаса, жамоат ташкилларининг йўнисиши ўтказётган даври тушунилади. Карамон: Хукуқшунослика оид ўзлашима терминлар. Тузувчилар: Бекгемиров X., Холмедов X., Содиков С. – Т.: «Адолат», 1999, 57-6.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2009, 3-б.

кўйган энг юксак мақсадидир. Шундай экан, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократик асосда ислоҳ этиш, ҳуқукий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида килаётган барча ишлар ва хатти-ҳаракатларимизнинг асосида Ўзбекистон Конституцияси бирламчи манба сифатида муҳим ўрин тутади.

### **2.1.1. Ҳуқукий мустақилликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар: суд-хуқуқ тизимига тамал тошининг қўйилиши**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгила-нишларнинг асосий мақсади Ўзбекистонда демократик ҳуқукий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат. Мазкур бош мақсадни рўёбга чиқаришда белгиланган барча соҳаларда, хусусан, суд-хуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар катта роль ўйнайди. Ўзбекистонда бугунги кунда суд-хуқуқ тизимида изчил амалга оширилиб борилаётган туб ислоҳотлар, аслида, Ўзбекистон ҳали давлат мустақиллигига эришмасдан олдин Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигига бошланган ишларнинг давомидир.

Мантиқ фанида ҳукм тушунчаларга таянади, дейилади<sup>1</sup>. Ўзбекистоннинг суд-хуқуқ тизими мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, янги асосда барпо этила борди, деб ҳукм чиқаришимиздан аввал ўзак тушунча («суд-хуқуқ тизими»)нинг мазмунини англашимиз, унинг моҳиятини тушуниб олишимиз лозим. Шундай экан, сўзни аввало «суд-хуқуқ тизими» тушун-часининг маъно-мазмунини ёритиб беришдан бошлаймиз. «Суд-хуқуқ тизими» тушунчаси «суд тизими» ва «хуқуқ тизими» тушунчаларининг бирикмасидан яратилган умумий ҳосила тушунчадир. Демак, «суд тизими» ва «хуқуқ тизими» тушунчаларининг мазмунини ёритиш орқали «суд-хуқуқ тизими» тушунчасининг мазмунини аниқлай оламиз.

*Суд тизими* – бу ўз ваколатлари ва олдиларига қўйилган вазифалар ҳамда мақсадларга мувофиқ тузилган судлар

<sup>1</sup> Масалан, қаранг: Хайдуллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 103-б.; Раҳимов И. Логикадан амалий машғулотлар ва методик тасвиялар (университетларининг гуманитар факультетлари талабадарин учун ўкув кўлланма). – Т.: Ўқитувчи, 1988, 53-б.

мажмуидир<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 107-моддасининг 1-қисмига кўра, «Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпогистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпогистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат»<sup>2</sup>.


Бу моддада Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг моҳияти, тизимнинг унсурлари (элементлари), ваколат муддатлари каби масалалар очиб берилган.

Куйида келтирилган конституциявий норма (ва унинг асосида тайёрланган 2-расмда) бугунги кунда амалда бўлган Ўзбекистон суд тизимининг тузилиши тўғрисида яққол маълумот беради (2-расмга қаранг). Бирок бу маълумот 1989–1991 йилларда Ўзбекистонда мавжуд бўлган суд тизимини акс эттирмайди. Биз бу ўринда суд тизими тўғрисида китобхонда дастлабки ва умумий тасаввурларни ҳосил қилиш фикридан келиб чиқиб шундай йўл тутдик. Кўрсатиб ўтилган уч йилликдаги мавжуд суд тизимини ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳбарлигига мамлакатимизда бошланган туб ислоҳотларнинг ўша давр суд тизимидағи амалий ифодаси қандай кечганлигини куйироқда ёритишни ваъда берайлик-да, энди эътиборимизни «хуқуқ тизими» тушунчаси остида нима тушунилишини аниқлаштириб олишга каратайлик.

<sup>1</sup> Костецкий В.А. Конституция Республики Узбекистан. Словарь-справочник для учащихся общеобразовательных школ, колледжей и лицеев. – Т.: Билим, 2003, стр. 107.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккичи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми нацижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг конунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар кирилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган конуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккичи қисмига тузатишлар кирилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабряда қабул қилинган конуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартиш кирилган). – Т.: Ўзбекистон, 2009, 29-6.

## Ўзбекистон Республикасининг СУДТИЗИМИ



**2-расм.** Ўзбекистон Республикасининг суд тизими

*Хукуқ тизими* – миллий хукуқ тузилиши бўлиб, жамиятдаги мавжуд хукуқ нормаларининг маълум қисмларга бўлинишидир<sup>1</sup>. Хукуқ тизими турли хукуқ соҳаларидан иборат. Уларнинг ҳар бири ўзининг предметига ва ана шу предмет мазмунини ташкил қилувчи муносабатларни тартибга солиш услубига эга. Хукуқ соҳалари тузилишида нормалар, институтлар, ёрдамчи институтлар (субинститутлар), соҳасти хукуклар ажralиб, ўз навбатида, соҳанинг умумий ва маҳсус қисмларини ташкил қиласди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Юридик энциклопедия. / Юридик фанлари доктори, проф. У. Таджикхоновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2001, 651-6.


<sup>2</sup> Раҳмонкулов Ҳ. Хукуқ тизими ва унинг соҳалари / Масъул мухаррир Р.Ж. Рўзиев, Ўзбекистон Республикаси ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва хукуқ институти. – Т.: Фалсафа ва хукуқ институти, 2005, 5-6.

Куйида келтирилган схема ҳуқук тизими тўғрисида ёрқин тасаввур ҳосил қилишга хизмат қиласди. Лекин таъкидлашни жоизки, схемада кўрсатилган баъзи ҳуқук соҳалари кўрсатилган йилларда фан соҳаси сифатида умуман мавжуд бўлмаган ёки ана шу холатда шаклланиб ултурмаган эди. Масалан, тадбиркорлик ҳуқуқи хусусий мулкка йўл очилиши, унинг бошқа мулк шакллари қаторида бирдек кафолатланишининг конституциявий нормалар асосида мустаҳкамланиб қўйилиши ва мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши аносида янгича тараққий этди.

Ҳуқук тизими асосан икки гурухга – оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлинади. *Оммавий* ҳуқук таркиби жамият ва унинг аъзолари, давлат, давлат органлари ва ташкилотларининг манфаатларини амалга оширишга қаратилган ва бир тарафнинг иккинчи тарафга бўйсунишига асосланган ҳуқук нормаларидан ташкил топган ҳуқук соҳалари (конституциявий ҳуқук, маъмурий ҳуқук, молия ҳуқуқи, солик ҳуқуқи ва бошқалар) киради. Хусусий ҳуқук таркиби тарафлари тенг ҳуқуққа эга бўлган муносабатларни тартибга солувчи нормалардан ташкил топган ҳуқук соҳалари (фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи ва бошқалар) киради. Шунинг билан бир қаторда, оммавий ҳуқук ва хусусий ҳуқуққа хос нормалардан ташкил топган комплекс (мажмуавий) ҳуқук соҳалари (экология ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, банк ҳуқуқи ва бошқалар) ҳам мавжуд (*3-расмга қаранг*).

Демак, суд-ҳуқук тизими тушунчалини мазмунининг йиғиндиси тушунилмоқда. Давлат бошқаруви ва суд-ҳуқук тизимини янги асосда барпо этиш ва ислоҳ қилиш мамлакатимизда мустакилликка эришиш остонасидаёқ амалга оширилиши бошланган янгилашишларнинг таркибий қисми саналади. Энди эса бевосита 1989–1991 йилларда Ўзбекистонда Ислом Каримов раҳбарлигига давлат бошқаруви ва суд-ҳуқук тизимини янги асосларда барпо этиш борасида олиб борилган ислоҳотларнинг кўламини ёритиш ва таҳлил этишга ўтайлик.

## ХУҚУҚТИЗИМИ



3-расм. Хуқуқ тизими

### 2.1.2. «Давлат тили хақида»ги қонун – давлат бошқаруви ва суд-хуқуқ тизимидаги янгиланишларнинг дебочаси

Ўзбекистон Республикасининг мустакилликка эришиш арафасида мамлакат раҳбари Ислом Каримовнинг жасоратли ва катъий, кескин ва аниқ бир мақсад – халқимиз мустакиллиги ва эркини таъминлаш, инсон хуқуқ ва эркинликларига риоя этилишига эришиш, давлат бошқаруви ва суд-хуқуқ тизимини мутлақо янги асосларда яратиш борасида олиб борган сайди

ҳаракатларини тушуниш ва тўғри баҳолай олиш учун, албатта, ўша даврда СССР ва Ўзбекистонда юз берган воқеаларга холисона баҳо бермоқ даркор.

Ўтган аср 80-йилларининг ўрталарига келиб, СССРда кучайган танглик ҳолати мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олди. КПССнинг кутилаётган натижаларни бермаётган иктисадий сиёсати бутун ижтимоий-сиёсий тизимнинг оқсашини олдиндан белгилаб берди<sup>1</sup>. Халқ хўжалигидаги танглик ҳолатларининг кескин суратда ва шитоб билан кучайиб бориши социалистик тизимнинг таянч негизларига таҳдид соловучи хатарли сиёсий тангликка ўсиб ўтиш хавфини туғдирди. Бутун жамиятда кескин, туб ўзгаришлар қилиш зарурати пайдо бўлди. Кириб қолинган боши берк кўчадан чиқиб кетиш йўллари изланди.

Нихоят, 1985 йилнинг баҳорида КПСС Марказий Кўмитасининг апрель пленуми Совет жамиятини қайта куриш, унинг барча соҳаларида туб янгиланишлар ва ўзгаришлар ясаш йўлини эълон қилди. Қайта куриш Совет жамиятини ривожлантиришнинг объектив эҳтиёжи сифатида баҳоланди. Қайта куриш социалистик жамият ривожининг чукур жараёнларидан ўсиб чиқкан зарурат сифатида таърифланди<sup>2</sup>. Қайта куришнинг таркибий қисми сифатида жамият ҳаётини демократлаштириш эканлиги белгиланди. Қайта куришнинг асосий ғалабаси – демократия ва ошкоралик эканлиги<sup>3</sup>, жамиятнинг бутун ҳаётини кенг демократлаштириш лозимлиги<sup>4</sup> КПСС Марказий Кўмитасининг Бош котиби М.С. Горбачев томонидан бот-бот такрорланди.

Бироқ қайта куриш «концепцияси» аввалбошданоқ илмий асосга эга эмас эди. Шунинг учун унинг мағлубиятга юз тутиши муқаррар эди. Бу «концепция» СССР таркибига кирган

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида // Тузувчилар: Жўраев, Р. Нуруллин, С. Камолов ва бопк.; Таҳрир ҳайъати: А. Азизхўжаев (райс) ва бошк./ – Т.: Шарқ, 2000. – 624-б.

<sup>2</sup> Горбачев М.С. Қайта куриш ва янгича фикрлаш мамлакатимиз ва бутун дунё учун. – Т.: Ўзбекистон, 1988, 13-б.

<sup>3</sup> Қаранг: Горбачев М.С. СССР халқ депутатларининг нафбатдан ташқари учинчи съездидা СССР Президенти М.С. Горбачев нутқи, 1990 йил 15 марта. – Т.: Ўзбекистон, 1990, 3-б.

<sup>4</sup> Горбачев М.С. Қайта куриш ва янгича фикрлаш мамлакатимиз ва бутун дунё учун. – Т.: Ўзбекистон, 1988, 31-б.

республикаларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини чуқур илмий таҳлил қилишга ва тушунишга асосланмаган эди. Шуни алохида таъкидлаш лозимки, қайта қуриш ишлари тегишли дастурсиз амалга оширилди. Демак, бундай жараёнларнинг бориши илмий жиҳатдан аниқ ишлаб чиқилмаган, сиёсий жиҳатдан эса етарлича асослаб берилмаган<sup>1</sup>.

«Қайта қуриш»нинг энг биринчи натижаси «ошкоралик» бўлди. Ошкоралик туфайли Совет жамиятининг аҳволини таҳлил қилишга жазм этилди. Лекин айни вақтда, «ошкоралик» Ўзбекистон учун ўзининг бир қатор салбий томонлари билан ҳам намоён бўлди. Ўзбекистонда пахтани териш ва қайта ишлашдаги «ўғирлик», «қўшиб ёзиш»ни тергов қилиш билан марказий прокуратура ва ички ишлар органлари маҳсус шуғулланди. «Пахта иши» энг шов-шувли иш сифатида бутун Иттифоқка намойиш қилинди<sup>2</sup>. Бир қатор Россия газеталари-нинг зўр бериши туфайли «пахта иши» «ўзбеклар иши»га айлантирилди<sup>3</sup>. Ўзбекистонга ва ўзбек халқига нисбатан қилинган бу адолатсизлик халқ оммасининг Советлар режимига нисбатан нафратини оширди, муносабатини ўзгартирди<sup>4</sup>.

Иттифоқ таркибига кирган республикаларда ўзликни англаш, тил, маданият, тарих ва келажакка теран назар солиш, инсон хукуқ ва эркинликларини ҳар нарсадан устун қўйишга бўлган интилиш кучайиб борди. Хусусан, Ўзбекистонда кенг мунозараларга сабаб бўлган муаммолардан бири ўзбек тилига давлат тили мақомини берни масаласи бўлди. Бу муаммо юзасидан демократик кучлар томонидан бошланган ҳаракат қурдатли тус олди, унда зиёлилар, талабалар ва ёшлар фаол

<sup>1</sup> Каранс: Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида // Тузувчилар: М. Жўрасев, Р. Нуруллин, С. Камолов ва бошқ.; Таҳрир ҳайъати: А. Азизхўжаев (ранс) ва бошқ./. – Т.: Шарқ, 2000, 629-б.

<sup>2</sup> «Аввало республикамиз раҳбарлигига И.А.Каримов келиб, у киши томонидан суд ва судьяларнинг қўллаб-кувватланилиги натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди «Пахта ишларни»га хукуқидан баҳо берди. Минглаб ҳамортларимиз онлалари багрига қайтиди»: Минсбоеев У. Суд – фуқаролар ҳимоячиси. – Т.: ДИТАФ, 2001, 20-б.

<sup>3</sup> «Пахта иши», «ўзбеклар иши» сингари ишлар асосида ноҳақ қамалиб, озодликдан маҳрум этилган шахслар кейинчалик шахсан Президент И.А. Каримов ташаббуси билан суд қарорлари асосида оқтандилар. «Агар Президентимизнинг ташаббуслари бўлмаганда, ўша пайтларда на Олий суд, на прокуратура бу ишларни «Пахта иши», «ўзбеклар иши» сингари ишларни – тоъъқид Аликул Раҳмоновники» қайта кўришга журъят кила олмас эдитар». Минсбоеев У. Суд – фуқаролар ҳимоячиси. – Т.: ДИТАФ, 2001, 80–81-бетлар.

<sup>4</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида // Тузувчилар: М. Жўрасев, Р. Нуруллин, С. Камолов ва бошқ.; Таҳрир ҳайъати: А. Азизхўжаев (ранс) ва бошқ./. – Т.: Шарқ, 2000, 660-б.

иштирок этдилар. Рус тилининг мақоми тўғрисидаги масала теварагида кизғин тортишувлар бўлди – бу тил иккинчи давлат тили бўлиши керакми ёки миллатлараро алоқа тили бўлиб қолиши керакми, деган масала ҳаммани ўзига жалб қилган эди.

Демократик кучлар қўйган масалани Ислом Каримов бошчилигидаги янги раҳбарият ўз вақтида англаб етди ва уни ҳал қилишга киришди. Натижада ўн биринчи чакириқ ЎзССР Олий Советининг ўн биринчи сессиясида 1989 йил 21 октябрда «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинди<sup>1</sup>. Қонуннинг 1-моддасининг 1-қисмiga кўра, «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир»<sup>2</sup>. Шундай қилиб, ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди.

«Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 4-моддасининг 1-қисмини келтирамиз: «Ўзбекистон ССРда ишловчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари ўз хизмат вазифаларини бажарии учун республика давлат тилини етарли даражада билишилари шарт»<sup>3</sup>. Қонуннинг 5-моддаси (1-қисм)да куйидаги хуқуқий норма мустаҳкамлаб қўйилди: «Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида съезд, пленум, қурултой, сессия, конференция, мажлис ва кенгашлар республиканинг давлат тилида олиб борилади ва айнан таржимаси таъминланади»<sup>4</sup>.

Қонундан келтирилган ана шу моддалар (уларнинг қисмлари)да Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органлари ўз фаолиятини давлат тилида юритишлари лозимлиги кўрсатилган. Мана шу ўринда давлат ҳокимияти ва унинг бўлиниши тамойили тўғрисида кисқача маълумот беришни кўзлаб, кичик бир чекиниш киламиз. Кези келганда таъкидламоқ лозимки,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунига ўзгартишлар ва қўшишчалар киритиш тўғрисидаги 1995 йилнинг 21 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонуни асосида «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг янги таҳрири тасдиқланди.

<sup>2</sup> Қонуннинг матни бўйича қаран: *Она тили – Давлат тили: (Ўқув қўлланма-мажмуа)* Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунига оид хужжатлар / Тузувчilar: Н. Жумахўжа, Р. Жомонов. – Т.: «Адолат», 2004. – 80 б. – (Давлат ва миллияг рамзлари).


<sup>3</sup> *Она тили – Давлат тили: (Ўқув қўлланма-мажмуа)* Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунига оид хужжатлар / Тузувчilar: Н. Жумахўжа, Р. Жомонов. – Т.: Адолат, 2004, 6-б.

<sup>4</sup> *Она тили – Давлат тили: (Ўқув қўлланма-мажмуа)* Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунига оид хужжатлар / Тузувчilar: Н. Жумахўжа, Р. Жомонов. – Т.: Адолат, 2004, 7-б.

давлатда ҳокимиятнинг мавжуд бўлиши давлатнинг асосий белгиларидан бири саналади. Давлатдаги мавжуд ҳокимият (давлат ҳокимияти) эса маълум тамойил асосида тақсимланади, бўлинади.

Бу «*давлат ҳокимиятининг бўлиниш тамойили*» деб аталади. Мазкур тамойилга кўра, давлат ҳокимияти бир-бiri билан чамбарчас боғланган ва, айни вақтда маълум мустақилликка эга бўлган қўйидаги уч шохобчага бўлинади: қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимияти<sup>1</sup>. Ана шу уч ҳокимият биргаликда давлат ҳокимиятини ташкил этади (*4-расмга қаранг*).

Давлат ҳокимиятининг бўлиниш тамойилининг жамиятда амалда рўёбга чиқарилиши, яъни ҳокимиятлар бўлинишининг амалга оширилиши ҳар қандай давлатнинг демократик хусусиятини белгилайдиган омиллардан биридир.



*4-расм.* Давлат ҳокимиятининг бўлиниш тамойили

Давлат ҳокимиятида ваколатларнинг бўлиниши ғояси инсониятнинг буюк даҳолари томонидан илгари сурилган

<sup>1</sup> Базан оммавий ахборот воситалариниң «тўртнчи ҳокимият» сифатида тилга олишади. Бироқ бу мезон юридик жиҳатдан мустахкамлаб қўйилган эмас ва мустахкамлаб қўйилиши мумкин ҳам эмас. Чунки давлат ҳокимияти факат номлари юкорида тилга олинган учта ҳокимиятга бўлиниши тақозо этади. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги юқсан ўринин алоҳида таъқидлаш массадада мазкур тушунча кенг қўлланади. Оммавий ахборот воситаларига, яъни «тўртнчи ҳокимият»га газеталар, журналлар, радио, телевидение ва оммавий ахборот тартибшининг бошقا воситалари киради. «Тўртнчи ҳокимият» маҳбурлов организарига эга эмас. Шу мэнода, бу тушунча кўчума маънодаги ҳокимиятни ифодалайди. Шундай бўлсада, оммавий ахборот воситаларининг жамият хаётидаги ўрни ва мавкеи юқсанадир. Фуқаролик жамиятни тўғрисидаги ўлмас гояларнинг амалга ошишини таъминлаш ва фуқароларнинг ана шу ишга кўшаётган юқсан хиссаси боис оммавий ахборот воситаларининг хизматлари алоҳида таъқидланishi ўрнисидир.

илғор тарихий ғоялардан биридир. Масалан, қадимги юнон файласуфи Аристотель бу ғояни дастлаб илгари сурғанлардан бири бўлган<sup>1</sup>.

XVIII асрнинг биринчи ярмига келиб, мазкур ғоя илмий-назарий жиҳатдан асосланди. Бунда машхур француз мутафаккири, хукуқшунос ва файласуф Шарль Луи Монтескье (1689–1755)нинг хизматлари каттадир. Унинг «Қонунлар руҳи ҳақида» номли асарида ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили асослаб берилган. Давлат ҳокимиятининг бўлиниш тамойили давлат ҳокимияти органларининг мувозанати ва тенглигини таъминлайди. Мазкур тамойилнинг оқилона рӯёбга чиқарилиши орқали давлатда бирор орган ёки шахс томонидан диктатура<sup>2</sup> ўрнатилишининг олди олинади, давлат бошқаруви амалга оширилишининг идеал мувозанати таъминланади, давлат органларининг самарали фаолият юритиши учун замин тайёрланади.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниш тамойили давлат ҳокимияти органларининг келишиб, бир-бирини назорат қилиб ва ўзаро уйғунликда ишлашига имкон яратади. Шунинг учун ҳокимиятнинг бўлиниш тамойилининг қарор топиши демократик давлатга хос жиҳатдир. Ривожланган ва демократия қарор топган давлатларда бўлгани сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат ҳокимияти учга бўлинган. Бу ҳақда Ўзбекистон Конституциясида куйидаги хукуқий норма белгилаб қўйилган: «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилига асосланади» (11-модда).

Ўзбекистоннинг йигирма йилдан ортиқ мустақил тараққиёт даври мобайнida «мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлайтириши соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар

<sup>1</sup> Кирғизбоеев М. Фуқаролик жамиятини назария ва хорижий тажриба. (Монография) – Т.: Янги аср авлоди, 2006, 21–24-бетлар.

<sup>2</sup> «Диктатура» сўзи латинча *dictatura* сўзидан олинган бўлиб, «чекланмаган ҳокимият» маъносини билдиради. Қаранг: Хукуқшуносликка оид ўзларима терминлар. Тузувчишар: Бектемиров X., Холмедов X., Содиков С. – Т.: Адолат, 1999, 27-б.

*бўлинниши конституциявий тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этиши, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриши ва ман-фаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириши, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокими-миятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириши, суд тизимини либераллаштириши ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича гоят долзарб чора-тадбирларни кўришига қаратилган эди»<sup>1</sup>.*

Тўққизинч чакириқ ЎзССР Олий Советининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида 1978 йил 19 апрелда ЎзССРнинг Конституцияси (Асосий Қонуни) қабул қилинган<sup>2</sup>. Гарчи Ўзбекистон СССР таркибидаги Марказга қарам республика-лардан бири бўлган ва мустақил давлат бўлмаган бўлса-да, гарчи ЎзССРнинг Конституциясида давлат ҳокимиятининг бўлиниш тамойилига мувофиқ давлат ҳокимияти қонун чиқа-рувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимиятидан иборат эканлиги очик-ойдин норматив асосда белгиланиб қў-йилмаган бўлса-да, ЎзССРда қонунлар чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари мавжуд бўлган.

«Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳакида»ги қонуннинг тегишли моддаларига мувофиқ, давлат ҳокимияти органлари ўз фаолиятини эндиликда (қонун кучга кирган кундан эътиборан) Давлат тилида, яъни ўзбек тилида олиб борадиган бўлишди. Қонуннинг 6-моддасига асосан, ЎзССР олий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қонун, қарор ва бошқа хужжатла-ри, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг хужжатла-ри республика давлат тилида тайёрланадиган, қабул қилинади-ган ва эълон этиладиган бўлди.

«Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳакида»ги қонуннинг 10-моддаси Ўзбекистонда мустақилликка эришиш остонасида суд тизимининг янгича асосларда барпо этила бошланганлигини кўрсатувчи далиллардан бири, бу тизимда

<sup>1</sup> Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлантириши ва фуқаролик жамиятини рivojzhanitirishi konsepciyasi: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшима мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 8-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР Конституциясининг матни бўйича қаранг: Конституция (Основной Закон) Узбекской Советской Социалистической Республики. – Т.: Ўзбекистон, 1984.

бошланган туб амалий янгиланишларнинг дебочаси бўлганлиги шубҳасиз. Келинг, қонуннинг 10-моддаси билан яқиндан танишайлик:

«Ўзбекистон ССРда судлов ўзбек, қорақалпоқ тилирида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилади. Суд ишилари олиб борилаётган тилни судда қатнашуви кишилар билмаган тақдирда бу кишилар учун таржимон орқали ишга оид материаллар билан тўла танишиши ва суд ишиларида иштирок этиши ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлами ҳуқуқи таъминланади.

Ўзбекистон ССРда давлат ҳакамилиги маҳкамаларида корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасидаги хўжалик низоларини кўриб чиқиши, ҳал қилишида ўзбек тили қўлланади. Зарурат бўлганда хўжалик низолари миллатлараро муомала тилида ҳам қараб чиқилиши мумкин. Ўзбекистон ССР ва бошқа республикалар корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари ўртасидаги хўжалик низоларини кўриб чиқиши, ҳал қилишида ҳам миллатлараро муомала тили қўлланади».

«Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилинишини барча бирдек хурсандчилик ва мамнунлик билан кутиб олди. Маълумки, бу қонун қабул қилинган вақтда ҳали СССР мавжуд ва мустабид тузум ўз умрини ўтаб бўлмаган эди. Мустабид тузум жон талвасасида сўнгги нафасларини оларди. Халқимизнинг ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш борасидаги жўшқин ҳаракатини мустакиллик йўлидаги муҳим қадамлардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

«Тил ҳақидағи қонун учун ҳаракат дастлаб Ўзкомпартия Марказий қўмитаси деб атальши идора томонидан қаршиликларга учради. Не баҳтки, бу раҳбарият ўзгариб, республикализмнинг бугунги Президенти Ислом Каримов раҳбар бўлгач, бу ҳаракатга муносабат ўзгарди ва ушибу қонун қабул қилинди. Шу ўринда давлат раҳбарларининг том маънодаги жасоратларини ҳам таъкидлаш керак. Бу ҳам тарихий воқеалар силсиласига киради»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Тоҳир Малик. Ўзбекни давон. // «Ҳуқуқ – Право – Law» илмий-назарий юридик журналы, № 4 (8), 1999, 38–39-бетлар.

«Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши ўзбек халқининг ўзлигини англашининг ўсиши ва республикада миллатлараро ҳамжиҳатликнинг сақланиб қолиши учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди, «давлат мустақиллиги йўлидаги биринчи муваффақиятимиз, биринчи галабамиз бўлди»<sup>1</sup>. «Республика Олий Советининг сессиясида Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши республика ҳаётида муҳим тарихий воқеадир»<sup>2</sup>.

### 2.1.3. Давлат бошқарув тизими

Бу тизимни ижро ҳокимиятини амалга оширувчи идоралар, яъни ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятини амалга оширувчи органлар ташкил этади. Давлат бошқарув тизимини юзага келтиришда мустақил Ўзбекистон дунёning илғор давлатларининг тажрибасини ҳар томонлама ўрганиб ва Ўзбекистоннинг муайян шароитларини инобатга олиб, халқнинг анъаналари ва менталитети билан ҳисоблашиб, бу тизими юзага келтирди. Шундай бўлса-да, бу тизим доимо ҳаёт талабларига мувофиқлаштирилиб, демократик тамойил асосларига кўра такомиллаштирилиб борилиши ҳаётий заруратдир. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизимида давлат бошлиғи сифатида Президент, республика ҳукумати сифатида Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, марказий давлат бошқаруви идоралари ва уларнинг жойлардаги маҳаллий органлари, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари ва ҳокимиятлар ҳамда уларнинг бўлимлари ва бошқармалари киради.

Ўтган йилларда бошқарув соҳасидаги вазифаларнинг бир кисми республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказилди, маҳалла тизимини шакллантириш масаласига катта эътибор берилди. Бир сўз билан айтганда, бошқарув

<sup>1</sup> Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар... Миллӣ давлатчилинимиз асослари ҳақида мулоҳазалар. /Сўзбоши: И.Ғафуров. – Т.: Шарқ, 2001, 213-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Илм-фан имкониятларидан тўларок фойдаланайлик. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлбіл ўтган учрашувда сўзланган нутқдан, 1989 йил 28 ноябрь. //Ўзбекистон мустақилликка эришинг остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011, 91-б.

соҳасини марказлаштиришни чеклаш ишлари амалга оширилди ва бу борадаги ислоҳотлар давом эттирилмоқда.

#### **2.1.4. Ўзбекистонда Президент лавозимининг жорий этилиши**

«Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул килингандан сўнг миллий ўзликни англаш, миллий давлатчиликни тиклаш йўлида республикада яна бир тарихий аҳамиятга эга муҳим сиёсий қадам қўйилди. Ўн иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Советининг биринчи сессияси муҳим сиёсий-хукуқий хужжатни – Ўзбекистонда президентлик бошқарувини таъсис этиш тўғрисидаги карорни қабул қилди.

Шундай килиб, Ўзбекистонда Президент лавозими 1990 йил 24 марта Олий Кенгашнинг биринчи сессиясида таъсис этилди. Ўша куни ЎзССР Олий Советининг депутатлари республика Компартияси Марказий Кўмитасининг Биринчи котиби Ислом Абдуғаниевич Каримовни ЎзССРнинг биринчи Президенти этиб сайладилар.

СССР республикалари ичida биринчи бўлиб Ўзбекистонда президентлик бошқаруви жорий этилди. Бу вактда СССР худудида фақат СССР Президенти лавозими мавжуд эди.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва мартplenумларининг якунлари ҳамда КПСС XXVIII съездига ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездига тайёргарлик кўриш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида қилган маърузасида таъкидлаганидек, «энг муҳими шундан иборатки, Президент институтининг жорий этилиши – республикамиз учун суворенитет ва давлатчиликда тамоӣил жиҳатдан янги босқичга ўтилишини билдиради»<sup>2</sup>.

Ислом Каримов ўн иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Советининг 1990 йил 24 марта бўлиб ўтган биринчи

<sup>1</sup> 1990 йилнинг 14 марта СССР халк депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съездидан СССР Президенти лавозимини таъсис этиши тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Бу лавозимга Михаил Сергеевич Горбачев сайланди.

<sup>2</sup> «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1990 йил 24 март.

сессиясида сўзланган нутқда ҳам Президент бошқарувининг жорий этилиши ҳаёт тақозоси эканлигини уқтириб, бундай деган эди: «Президент бошқарувини ҳаётнинг ўзи, қайта қуришининг мантиқи, моҳияти, унинг мураккаб ва зиддиятли жараёнлари тақозо этаяти»<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда Президент лавозими 1990 йил 24 марта Олий Кенгашнинг I сессиясида таъсис этилди. 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилди. Ўзбекистондаги президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлашда 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги конун<sup>3</sup> ва унинг асосида ўтказилган умумхалқ сайлови катта аҳамият касб этди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, мамлакатда давлатни идора этишнинг замонавий ва самарали шакли – президентлик тизими қарор топа бошлади.

Дунё давлатчилиги тараққиётида давлат бошқарувининг асосан икки шакли – монархия ва республика шакллари мавжуд. Республика, ўз навбатида, парламентар республика ва президентлик республикаси кўринишларига эга.

Президентлик республикаси ҳозирги кунда энг кўп тарқалган давлат бошқаруви шаклидир. БМТга аъзо 192 давлатдан 142 тасида Президент<sup>4</sup> лавозими мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти президентлик республикасидир<sup>5</sup>.

Ўзбекистон халкининг манфаатларини қўзлаб И.А.Каримов ташаббуси билан амалга оширилган дастлабки тадбирларнинг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ҳалқ иродаси билан танилган йўл. // Ўзбекистон мустақилликка эришши остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011, 149-б.

<sup>2</sup> «Референдум» сўзи лотинча *referendum* сўзидан олинган бўлиб, «бидиргилиши керак бўлган» деган маънони билдиради. Референдумда давлат ҳастидати бирон муҳим масала умумхалқ овозига кўйилади. Каранг: Хукукшуносликка оид ўзлашма терминлар. Тузувчилар: Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиков С. – Т.: Адолат, 1999, 55-б.

<sup>3</sup> Бу конунга 1997 йил 26 декабрда, 1999 йил 19 августда, 2003 йил 24 апрелда ва 2007 йил 11 апрелда ўзgartirish va kўshimchalar kiritingdi.

<sup>4</sup> «Президент» сўзи лотинча *praesidens (praesidentis)* сўзидан олинган бўлиб, «олдинда ўтирувчи» маъносини билдиради.

<sup>5</sup> Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабон лугат. // Муаллифлар: М. Абдуллаев, М. Абдуллаева, Ф. Абдуллаева, Г. Абдураззокова ва бопик.; Р. Рўзиев ва К. Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри. - Т.: Шарқ, 2006. 75-б.

ўзиёқ президентлик бошқарувининг ўз вақтида таъсис этилганлигидан далолат беради. 1990 йил 20 июнда республика Олий Совети томонидан қабул қилинганд «Мустақиллик Декларацияси» ана шундай тадбирлардан эди.

Ўн иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинганд ва жиддий аҳамиятига молик бўлган мазкур хужжат депутатлар томонидан моддама-модда, бандмабанд муҳокама қилинди.

«Мустақиллик Декларацияси»нинг кириш кисмида Ўзбекистоннинг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган анъаналари, ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланди.

«Мустақиллик Декларацияси» Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишида қўйилган навбатдаги муҳим одимлардан бири бўлди.

### **2.1.5. Давлат бошқаруви ва суд-хуқуқ тизимини янгича тартибда барпо этиш асослари**

1990 йил 20 июнда «Ўзбекистон Республикасида Конституцион назорат тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни<sup>1</sup> қабул қилинди.

Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари хужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпогистон Республикасида эса – Қорақалпогистон Республикаси Конституциясига мос бўлишини таъминлаш, шахснинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларини, Ўзбекистон Республикаси халқларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида конституцион назорат таъсис этилди.

<sup>1</sup> Қонунинг матни бўйича қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 й., 16-18-сон, 289-модда; 1991 й., 11-сон, 273-модда; 1993 й., 5-сон, 205-модда. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзарттишар кириғиши тўғрисида»ти қонунига мувофиқ мазкур қонунинг номидаги «Ўзбекистон ССР» деган сўзлар тегиши келишидаги «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар билан алмаштирилган. Шунингдек, «Қорақалпогистон АССР» деган сўзлар тегиши келишидаги «Қорақалпогистон Республикаси» деган сўзлар билан алмаштирилган. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1993 йил 6 майдаги 821-XII-сон карорига мувофиқ ўз кучини йўқотган.

Ўзбекистон Республикасида конституцион назоратни Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети, Қорақалпоғистон Республикасида эса Қорақалпоғистон Республикаси Конституцион назорат комитети амалга ошириди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети сиёсат ва хукуқ соҳаси мутахассисларидан комитет раиси, раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакилини қўшиб хисоблаганда комитетнинг 9 аъзосидан иборат қилиб сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети Ўзбекистон Республикаси Олий Совети мухокамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Совети томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа ҳужжатларни, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини кўриб чиқсан.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Олий Совет Раисининг қарорлари ва фармойишлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикасининг ратификация қилиш ёки тасдиқлаш учун тақдим этилган халқаро шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг раҳбарий тушунтиришлари, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ҳакамининг норматив тусдаги ҳужжатлари, шунингдек, бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ прокурор томонидан назорат қилинмайдиган норматив хукукий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини назорат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетининг назорат қилиш вазифалари судларнинг ҳукми ва бошқа қарорларига, тергов, прокуратура давлат ҳакамлиги орган-

ларининг гражданлик, жиноий, маъмурий ишларига доир қарорларига тааллукли эмас, деб белгиланди.

1990 йил 1 октябрда «Ўзбекистон ССЖ Президенти Кенгашининг таркиби тўғрисида» Ўзбекистон ССЖ Президентининг Фармони<sup>1</sup> эълон қилинди. Фармон асосида Ўзбекистон ССЖ Президенти Кенгашининг (14 кишидан иборат) аъзолари тайинланди.

1990 йил 31 октября «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳукукий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг<sup>2</sup> қонуни<sup>3</sup> қабул қилинди. Республиканинг етилган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтиришни, жиноягчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш юзасидан кечиктирмай чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тақозо этди.

Бундай шароитда милиция ходимлари хавфсизлигини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ғоят мухим аҳамият касб этди. Милиция ходимларини ўлдириш, куролини олиб қўйиш мақсадида уларга ҳужум қилиш, уларнинг хизмат фаолиятига аралашиш ҳоллари оз эмас эди. Бу эса меҳнаткашларнинг адолатли норозилигини келтириб чиқарди. Шулар боис милиция ходимларининг ҳукукий ва ижтимоий ҳимояланганлигини кучайтириш мақсадида мазкур қонун қабул қилинди. Унга кўра, милиция ходимлари давлат ҳокимиятининг вакили эканлиги, давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўлиши белгилаб қўйилди.

Милиция ходимининг қонуний талабларини барча фуқаролар ва мансабдор шахслар бажаришга мажбур эканлиги таъкидланди. Милиция ходими қонуний талабини бажармаслик, шунингдек, уни ҳақоратлаш, унга каршилик кўрсатиш,

<sup>1</sup> Фармонининг матни бўйича қаранг: Ўзбекистон Совет Социалистик Жумхуриятини Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 й., 28-30-сон, 335-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 30 сентябрдағи 364-ХШ-сон «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуниятга ўзgartарилаш киритиш тўғрисида») қонунига мувоффик мазкур қонуннинг номидаги ҳамда матнидаги «Ўзбекистон ССР» деган сўзлар тегисли келипшилдаги «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар билан алмаштирилган.

<sup>3</sup> Қонуннинг матни бўйича қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаплининг Ахборотномаси, 1990 й., 31-33-сон, 335-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 121-модда.

дўй-пўписа қилиш, зўрлик ишлатиш ва унинг ҳаётига тажовуз қилиш, шунингдек, милиция ходимининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришига тўсқинлик қилувчи бошқа хатти-ҳаракатларни қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган жавобгарликка олиб келиши айтилди.


Милиция ходимининг кўрсатмалари фуқароларнинг, у хуқуқбузар, жабрланувчи ёки гувоҳ бўлишидан қатъи назар, кўрсатмалари билан тенг равишда далилий аҳамиятга эгалиги белгиланди. Зарур мудофаа, ўта зарурат бўлган ҳолатда ёки касбига кўра ўринли таваккалчилик қилиш ҳолатда милиция ходими томонидан содир этилган хатти-ҳаракатлар гарчанд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида кўзда тутилган жиноий ҳаракатлар кўринишида бўлса ҳам, жиноят деб ҳисобланмаслиги қайд этилди.

Милиция ходими турар-жой майдони тақсимлашда, уйга телефон ўрнатишида, мактабгача болалар тарбия муассасаларидан ўрин беришда имтиёзлардан, транспортнинг барча турларига навбатсиз билет сотиб олиш, меҳмонхонага жойлашиш хуқуқидан фойдаланадиган, шунингдек, ижтимоий-маиший таъминотнинг бошқа масалаларини ҳал этишда ҳалқ депутатлари маҳаллий Советларининг қарорларида кўзда тутилган тартибда имтиёзлардан фойдаланадиган бўлди. Милиция ходимининг ҳаёти тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан давлат ижтимоий суғуртасидан, албатта, ўтказилиши керак, деб белгиланди.

Милиция ходими ўз хизмат вазифасини ёки ижтимоий бурчини бажараётганлиги муносабати билан унинг мулкига етказилган заар тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан тўла хажмда тўланиши, сўнгра суд орқали бу заар айбордан ундириб олиниши белгиланди. Милиция ходими тартибни саклаш ва фуқароларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганида касдан ўлдирилганда унинг оиласига тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан унинг эллик ойлик даромади миқдорида бир йўла нафака берилиб, сўнгра бу пул айборлардан ундириб олиниши белгилаб қўйилди. Ўз бокувчисини йўқотганлиги муносабати билан

ҳалок бўлганинг оиласига қонунда кўрсатилганига мувофиқ пенсия белгиланди.

Милиция ходимига у ўзининг профессионал фаолияти билан шуғуллана олмайдиган даражада оғир тан жароҳатлари етказилганда тегишли бюджет маблағларидан 25 ойлик даромади микдорида пул тўланиб, сўнгра бу пул айборлардан ундириб олиниши, шунингдек, унинг мансаб оклади билан пенсияси ўртасидаги фарқ тўланиши белгилаб қўйилди. Енгилроқ тан жароҳатлари етказилганда тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан 5 ойлик даромади микдорида пул тўланиб, сўнгра бу пул айборлардан ундириб олиниши белгиланди.



*5-расм. ЎзССРнинг прокуратура органлари*

1990 йилнинг 1 ноябрида «Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув хокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий конуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Совет Социалистик Жумхуриятининг конуни<sup>1</sup> қабул қилинди. Давлат бошқарувининг уйғун тизимини яратиш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд хокимиятини бир-биридан қатъий фарқлаб қўйиш, давлат органлари фаолиятида параллелчиллик ва бир-бирининг ишини тақорглашга, бир органни бошқа органлар вазифасини бажаришига барҳам бериш мақсадида ҳамда бозор муносабатларига ўтиш шароитида ижроия ҳокимиятни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишнинг ҳамма жабҳаларида интизом ва тартиб ўрнатиш, айниқса, муҳим эканлигини ҳисобга олиб, юқорида номи тилга олинган қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун асосида ЎзССРнинг Конституцияси (Асосий конуни)га бир қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Ана шундай ўзгартиш ва қўшимчалар Конституциянинг «Прокуратура» деб номланган 21-бобида амалга оширилди. Кири-тилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, ЎзССР ҳудудида барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, ҳалқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия ва бошқарув органлари, колхозлар, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар томонидан қонунларнинг аниқ, бир хилда бажарилишини олий даражада назорат килиш ЎзССР Прокурори ҳамда унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади.

ЎзССР Прокурори ва унинг ўринбосарлари ЎзССР Президентининг СССР Бош прокурори билан келишилган тақдимига кўра ЎзССР Олий Совети томонидан тайинланадилар, улар Олий Совет олдида масъулdir ва унга ҳисоб берадилар. Қорақалпоғистон АССР Прокурори республика Прокурорининг ЎзССР Президенти билан келишилган

<sup>1</sup> Конунинг матни бўйича қаранс: Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Ведомостлари. 1990 й., 31–33-сон, 375-модда.

такдимиға кўра Қорақалпоғистон АССР Олий Совети томонидан тайинланади. Область, район ва шаҳар прокурорлари ЎзССР Прокурори томонидан тайинланадилар. ЎзССР Прокурори, Қорақалпоғистон АССР прокурори, область, район ва шаҳар прокурорларининг ваколат муддати – 5 йил. ЎзССР Прокуратурасининг органлари ўз ваколатларини амалга оширишда бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, мансабдор шахслардан эркин бўлиб, фақат ЎзССР Прокурорига бўйсунадилар (*5-расмга қаранг*).

1990 йилнинг 1 ноябрида қабул қилинган «Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎзССРнинг қонуни асосида яна қуйидаги ислоҳотлар амалга оширилди:

1) Президентлик ҳокимияти билан Министрлар Советининг ижроия-бошқарув ҳокимияти қўшиб юборилди. ЎзССР Министрлар Совети ЎзССР Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди<sup>1</sup>, ЎзССР Президенти айни бир вактда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлди. ЎзССР Президентининг ва ЎзССР Министрлар Советининг аппарати ЎзССР Президенти хузуридаги битта аппаратга бирлаштирилди.

2) ЎзССР Вице-президенти лавозими таъсис этилди. Вице-президентни ЎзССР Президенти тайинлади ва шундан сўнг ЎзССР Олий Совети тасдиклайди. ЎзССР Вице-президенти ЎзССР Президентининг топшириғига кўра Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қиласи ва унинг ишини ташкил этади.

3) ЎзССР Министрлар Советининг Президиуми, Министрлар Советининг Раиси, Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринbosарлари ва ўринbosарлари лавозими тугатилди.

<sup>1</sup> Орадан 15 кун ўтиб, янын 1990 йил 15 ноибрда Ўзбекистон ССР Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг таркиби тўғрисида Ўзбекистон ССР Президентининг Фармони (Ведомости Верховного Совета Узбекской Советской Социалистической Республики, 1991 г., № 1-2, ст. 15) эълон қилинди. Фармонга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг таркиби кўйичагичча этиб белгиланди: Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг Бирингчи ўринbosари, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринbosарлари (7 та).

4) Вазирлар Маҳкамаси Раисининг давлат-хўжалик ва ижтимоий-маданий курилишнинг асосий белгиловчи йўналишлари бўйича биринчи ўринбосарлари, ўринбосарлари лавозимлари таъсис этилиб, улар зиммасига ўзлари раҳбарлик қилаётган тармоклар бўйича фаолиятни уйғунлаштириш ва пиравард натижаларини таъминлаш вазифаси юклатилди. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарларини, вазирларни ва қўмиталарнинг раисларини Президент тайинлайди, сўнгра улар республика Олий Совети томонидан тасдикланади.


5) Республика хукумати таркибига Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари, вазирлари, давлат қўмиталарининг раислари, иирик концернларнинг ва бирлашмаларнинг раҳбарлари кирди. Хукумат аъзоларини тайинлаш ва озод килиш ЎзССР Конституциясида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилди (*б-расмга қаранг*).

6) ЎзССРнинг Конституцияси (Асосий қонуни) 89-моддасининг сўнгги қисмидаги «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети» деган сўзлар «Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилди.

7) ЎзССРнинг Конституцияси (Асосий қонуни) 102-моддасининг 8 ва 9-бандлари «8) ЎзССР Президентининг тақдимиға биноан ЎзССР Вице-президентининг, ЎзССР Вазирлар Маҳкамаси Раиси биринчи ўринбосарлари, ўринбосарларининг тайинланишини, ЎзССР Вазирлар Маҳкамаси таркибини ҳамда унга киритиладиган ўзгартишларни тасдиклайди; ЎзССР Президентининг ЎзССР Министрликлари ва давлат комитетларини тузиш ҳамда тугатиш ҳақидаги карорларини тасдиклайди; ЎзССР Президентининг ЎзССР Министрликлари ва давлат комитетларини тузиш ҳамда тугатиш ҳақидаги карорларини тасдиклайди; ЎзССР Президентининг СССР Бош прокурори билан келишилган тақдимиға мувофиқ ЎзССР Прокурорини ва унинг ўринбосарларини тайинлайди; 9) ЎзССР Халқ назорати комитетининг раисини, ЎзССР Олий судини, шунингдек, вилоятлар ва Тошкент шахар судларининг судьяларини сайлайди, ЎзССР Бош давлат ҳакамини, ЎзССР

Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раисини тайинлайди» таҳририда баён этилди.

8) ЎзССРнинг Конституцияси (Асосий конуни) 107-моддасининг биринчи қисми «Ўзбекистон ССР Олий Советида конун лойиҳаларини таклиф этиш хукуқига Ўзбекистон ССР ҳалқ депутатлари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг комитетлари ва комиссиялари, Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон ССР Конституциявий назорат комитети, Қорақалпоғистон АССР номидан унинг давлат ҳокимиятининг олий органи, Ўзбекистон ССР Ҳалқ назорати комитети, Ўзбекистон ССР Олий суди, Ўзбекистон ССР Прокурори, Ўзбекистон ССРнинг Бош давлат ҳаками, Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси эга» таҳририда баён этилди (*7-расмга қаране*)<sup>1</sup>.



*6-расм. ЎзССР Хўкумати таркиби*

<sup>1</sup> 1991 йил 20 ноябрда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий конуни)нинг 107-моддасига ўзgartirish kirritishi tўg‘risida» Ўзбекистон Республикасининг конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Конгенияни Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 47-мода) кабул қилини. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Конуни)нинг 107-моддаси иккичи қисми кўйидаги таҳририда баён этилди: «Конун лойиҳаларга тақсим этиш хукуқига Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федоративининг Конгслия ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳам эга». Бирор мазкур конун Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амалга киритishi тартиби тўг‘рисида»ги конуни кабул қилинishi munosabati билан ўз аҳамиятини йўқотган.

9) ЎзССРнинг Конституцияси (Асосий қонуни) 109-моддаси қуйидаги мазмунда бўлган тўртинчи қисм билан тўлдирилди: «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Олий суди, Қорақалпогистон АССР Олий суди, областлар, Тошкент шаҳар судлари судъяларига малака класслари беради. Бу масалалар юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми қарорлар қабул қиласди».

10) ЎзССР Конституцияси (Асосий қонуни)нинг 12-1 ва 13-боблар 13-бобга бирлаштирилиб, у «Ўзбекистон ССР Президенти ва хукумати» деб аталди.

11) ЎзССР Конституцияси (Асосий қонуни)нинг 118-1-моддаси қуйидаги мазмунда бўлган иккинчи қисм билан тўлдирилди: «Ўзбекистон ССР Президенти Ўзбекистон ССРда олий ижроия ва бошқарув ҳокимиятини амалга оширади, айни вактда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлади».

12) ЎзССР Конституцияси (Асосий қонуни) 118-4-моддасининг 4, 6, 7, 8-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилди: «4) ЎзССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг баҳамжиҳат ишларини таъминлайди; ЎзССР министрликларини ҳамда ЎзССР давлат комитетларини тузади ва тугатади, сўнгра ЎзССР Олий Советининг тасдигига киритади»; «6) ЎзССР Вице-президентини, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринbosарларини, ўринbosарларини тайинлаб, сўнгра ЎзССР Олий Советининг тасдигига тақдим этади. ЎзССР Олий Советига ЎзССР Халқ назорати комитетининг раиси, ЎзССР Олий судининг раиси, ЎзССР Бош давлат ҳаками, ЎзССР Прокурори, прокурор ўринbosарлари, ЎзССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади; мазкур мансабдор шахсларни вазифасидан озод этиш тўғрисида ЎзССР Олий Советига тақдимномалар билан киради.

13) ЎзССР Олий судининг раиси бундан мустаснодир; халқ депутатлари облассы Советлари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси лавозимига тайинлаш учун Советларнинг Раислари билан келишилган ҳолда номзодлар тавсия этади»; «7) ЎзССР Ҳукумати аъзоларини лавозимидан озод қиласди ва

тайинлайди, сўнгра ЎзССР Олий Советининг тасдиғига тақдим этади; 8) ЎзССР конунларини имзолайди; конунга оид эътиrozларини кўпи билан икки ҳафта муддат ичидаги билдириб, тақорий муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун ЎзССР Олий Советига қайтаришга ҳақлидир.

### Ўзбекистон ССР

### ПРЕЗИДЕНТИ

ЎзССР конунларини имзолайди

Конунга оид эътиrozларини кўпи билан икки ҳафта муддат ичидаги билдириб, тақорий муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун ЎзССР Олий Советига қайтаришга ҳақлидир. Агар ЎзССР Олий Совети овоздарнинг учдан икки кисмидан иборат кўпчилиги билан илгари ўзи кабул килган карорни тасдиқласа, ЎзССР Президенти конунни имзолайди

4

### ОЛИЙ СОВЕТ

3

Конунчилик ташаббуси ҳукуки қонун лойиҳасини ЎзССР Олий Советига киритши орқали амалга оширилади

2

1

### Конунчилик ташаббуси ҳукуки субъектлари:

- Ўзбекистон ССР халқ депутатлари.
- Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси.
- Ўзбекистон ССР Олий Советининг комитетлари.
- Ўзбекистон ССР Олий Советининг комиссиялари.
- Ўзбекистон ССР Президенти.
- Ўзбекистон ССР Конституциявий назорат комитети.
- Коракалпогистон АССР номидан унинг давлат ҳокимиятининг олий органи.
- Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитети.
- Ўзбекистон ССР Олий суди.
- Ўзбекистон ССР Прокурори.
- Ўзбекистон ССРнинг Бош давлат ҳаками.
- Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси.
- Ўзбекистон Касаба уюнимлари Федерациясининг Кенгайси.
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси.

**7-расм.** ЎзССРда қонунчилик ташаббуси ҳукуки субъектлари

Агар ЎзССР Олий Совети овозларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги билан илгари ўзи қабул қилган қарорни тасдиқласа, ЎзССР Президенти қонунни имзолайди; ЎзССР Конституциясига, ЎзССР қонунларига, ЎзССР Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига мувофиқ келмаган тақдирда ЎзССР министрлеклари, давлат комитетлари ва идоралари, халқ депутатлари махаллий Советлари ижроия комитетлари хужжатларининг амал қилишини тўхтатади ва уларни бекор қиласди».

14) ЎзССР Конституцияси (Асосий қонуни) 118-4-моддасининг 9-банди чиқариб ташланиб, унинг ўрнига куйидаги мазмунда бўлган янги 9-банд киритилди: «9) Гражданларнинг хавфсизлигини таъминлаш манфаатларини кўзлаб, Ўзбекистон ССРнинг бутун территориясида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этиб, қабул қилган қарорини зудлик билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг тасдигига киритади».

15) ЎзССР Конституциясининг 118-5-моддаси куйидаги таҳрирда баён этилди: «118-5-модда. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурида Ўзбекистон ССР Президентлик Кенгаши фаолият кўрсатади. Президентлик Кенгашининг вазифалари Президентлик Кенгаши тўғрисидаги Низом билан белгиланади. Ўзбекистон ССР Президентлик Кенгашининг аъзолари Ўзбекистон ССР Президенти томонидан тайинланади. Ўзбекистон ССР Вице-президенти лавозимига кўра Ўзбекистон ССР Президентлик Кенгаши таркибига киради. Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Раиси Ўзбекистон ССР Президентлик Кенгашининг мажлисларида қатнашишга ҳақлидирлар».

16) ЎзССР Конституциясининг 118-6-моддаси куйидаги таҳрирда баён этилди: «118-6-модда. Ўзбекистон ССР Президенти Ўзбекистон ССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун территориясида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради» (*8-расмга қаранг*).



**8-расм.** ЎзССР Президенти чиқариши мумкин бўлгани норматив-хукукий хужжатлар

17) ЎзССР Конституциясининг 118-9-моддаси қуйидаги таҳтирида баён этилди: «118-9-модда. Агар Ўзбекистон ССР Президенти у ёки бу сабабларга кўра ўз вазифаларини бажаришни давом эттира олмаса, Ўзбекистон ССР янги Президенти сайлови уч ойлик муддат ичida ўтказилиши керак. Бу даврда Президентнинг вазифалари Вице-президент зиммасига, бунинг имкони бўлмаган тақдирда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси зиммасига юкланади» (*9-расмга қаранг*).

18) ЎзССР Конституциясининг 120-моддаси қуйидаги таҳтирида баён этилди: «120-модда. ЎзССР хукумати ЎзССР Президенти, Вице-президенти, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринbosарлари ва ўринbosарлари, ЎзССР вазирлари, ЎзССР давлат комитетларининг раислари, йирик концернларнинг ва бирлашмаларнинг раҳбарларидан иборат бўлади. Қорақалпогистон АССР Министрлар Советининг раиси лавозимига кўра ЎзССР хукумати таркибига киради. ЎзССР Президентининг топшириғига биноан ЎзССР Вице-президенти Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қиласи ва унинг ишини ўюширади. ЎзССР хукуматининг ваколати ва вазифалари

ЎзССР хукумати тўғрисидаги низом билан белгиланади» ва бошқа бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар.



**9-расм.** ЎзССР Президенти ўз вазифаларини бажаришни давом эттира олмаган ҳолларда тутилиши мумкин бўлган йўл

## 2.1.6. Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилиниши

1990 йилнинг нояброда эълон қилинган Иттифоқ шартномаси лойиҳасида устуворлик яна Иттифоқ Марказига берилди, республикаларнинг ҳуқуқлари эса чекланганлигича колаверди. ОАВда лойиҳадаги мақбул бўлмаган шартнома қоидлари асосли равишда танқид қилинди: республикалар хорижий давлатлар билан алоқа қилишда овоз ва ҳуқуқдан яна аввалгидек маҳрум эдилар, Иттифоқ қонунчилигининг республика қонунчилигидан устун туриши тўғрисидаги тезис баён қилинган, республикаларнинг ерга, ер ости бойликларига ва бошқа табиий ресурсларга бўлган мулкчилик муносабатларини тартибга солиши СССР ваколатларининг амалга оширилишига халақит бермаслиги лозим эди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Валиев А. Не ущемлять права республик // «Правда Востока» газетаси, 1990 йил 8 декабрь.

Иттифоқ раҳбарларининг барча ҳаракатлариға қарамасдан, СССРнинг парчаланиш жараёни бошланди: унинг таркибидан дастлаб Болтиқбўйи республикалари (Литва, Латвия ва Эстония), улардан сўнг Грузия чиқди.

1991 йил 15 февралда ЎзССР Олий Совети «Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида» маҳсус қарор қабул қилди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

*«Мустақилик тўғрисидағи Декларацияга амал қилиб, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қарор қиласди»*

1) Ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгаш II сессиясида тузилган ЎзССР Конституцияси (Асосий қонуни)нинг янги лойиҳасини тайёрловчи комиссиясига ЎзССРнинг янги Давлат байроғи, Герби ва Мадҳиясига доир таклифлар ҳамда улар тўғрисида Низомлар тайёрлаши топширилсин. Комиссия республика жамоатчилиги ва депутатларининг фикрларига таяниб иш кўрсисин.

2) Бу борадаги таклифлар матбуотда эълон қилиниб умумхалқ муҳокамаси уюштирилсин».

Ўзбекистон Олий Совети қабул қилган қонунлар, Ўзбекистон Президентининг Фармонлари, Ҳукумат қарорлари катта аҳамиятга эга бўлиб, улар республиканинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил ривожланиш йўлига бевосита қаратила бошлади.

Ўзбекистонда янги раҳбарият томонидан ижтимоий-иқтисодий соҳаларни давлат йўли билан бошқариш органлари мустаҳкамланди, солик назорати ва жойларда ҳоким лавозими жорий этилди. 1991 йил марта республикалар вакиллари томонидан Иттифоқ шартномасининг бошқа лойиҳаси тайёрланди. Мазкур лойиҳа «Суверен Республикалар Иттифоқи тўғрисида» деб номланди. Бу лойиҳанинг асосий гояси – кўп миллатли Иттифоқ давлатини федерация сифатида сақлаб колиш ва шу билан бирга республикалар суверенитетини рўёбга чиқариш туфайли Марказнинг янги вазифасини ҳам белгилаш эди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> «Правда», 9 марта 1991 года.

Гарчи лойиха республикаларнинг суверенитет тўғрисидаги декларациясини ҳисобга олган бўлса-да, бу суверен «давлатлар» эмас, балки «республикалар» Иттифоқи тўғрисидаги шартнома эди. СССР Президенти ва тўққизта иттифоқдош республика раҳбарлари иштирокида Ново-Огаревода бўлиб ўтган йиғилишда тамойилиал низоли масалалар юзасидан томонларни қаноатлантирадиган битимга келинди – «Суверен Давлатлар Иттифоқи тўғрисида»ги шартномани тузишга келишиб олинди. Ўзбекистон делегацияси музокараларнинг бориши жараёнида янгиланган Иттифоқка киришнинг ўзи учун жуда муҳим бўлган шартини – барча республикалар аҳолиси учун ягона бўлган пенсия билан таъминлаш, даромадларни индексация қилиш ва кун кечириш учун зарур бўлган кафолатланган энг кам миқдор тартиби амал килишини қаттиқ туриб ҳимоя қилди<sup>1</sup>.

Республикада жамиятни демократлаштириш, Ўзбекистоннинг ҳақиқий суверенитетини ўрнатиш, мамлакатда яшаётган кўп сонли миллатларнинг тотувлиги ва тенглигини таъминлашга эришиш Ислом Каримов бошлиқ сиёсий раҳбариятнинг асосий вазифаларидан бирига айланди. Ўзбекистон халқи республика раҳбариятининг юзага келган вазиятни барқарорлаштириш, иқтисодий ва сиёсий мустақилликни таъминлаш йўлидаги саъй-харакатини қўллаб-кувватлади. Чунки Ўзбекистон раҳбарияти халқнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олиб, унинг манфаатларини кўзлаб иш юритган эди.

1991 йил 22 июлида ЎзССР Олий Совети «Ўзбекистон худудида жойлашган Иттифоқка бўйсунувчи давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини ЎзССРнинг хуқуқий тобелигига ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

СССРнинг юкори раҳбарларидан бир гуруҳи<sup>2</sup> 1991 йилнинг 18 августида ўзларини ГКЧП деб атаб, давлат тўнгариши килишга уриниб кўрди. ГКЧПнинг асосий мақсади – тоталитар

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиси даврида. //Тузувчилар: М. Жӯраев, Р. Нуруллин, С. Камолов ва бошк. Таҳрир хайъати: А. Азизхўжаев (ранс) ва бошк. – Т.: Шарқ, 2000, 647-б.

<sup>2</sup> Булар СССР вице-президенти Г. Янаев, Министрлар Советининг ранси В. Павлов, КГБ ранси В. Крючков, Мудофаа вазири Д. Язов. Йўқи ишлар вазири Б. Путо ва бошк юксак лавозимдаги масъул партия ва давлат арабблари эди.

Совет тузумини қандай қилиб бўлса-да, асло ўзгартирмасдан сақлаб қолишдан иборат эди. Лекин бу уриниш барбод бўлди. Бу СССР деб аталмиш давлатнинг умри тугаганлигини ва айни вақтда «қайта куриш» ҳам барбод бўлганлигини билдиради. Бир гурӯҳ сиёсий авантюристларнинг давлат тўнтишини содир этишга уриниши муносабати билан И.А.Каримов раҳбарлигига Ўзбекистон ўз қатъий позициясида тургани мамлакатимиз ва халқимизнинг мустақилликка эришишида ҳал қилувчи ўрин тутди.

1991 йил 21 августда Ўзбекистон Президентининг Фармони билан ГҚЧПнинг Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига зид келадиган қарорлари ноконуний деб эълон қилинди. 1991 йил 25 августда Президент Фармони билан республика ИИВ ва ДХҚ қонуний равишда Ўзбекистон тасарруфига олинди. 1991 йил 26 августда ЎзССР Олий Совети Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрлаш ва 31 августда ЎзССР Олий Советининг сессиясини чақиришга қарор қилди. 1991 йил 28 августда ЎзССР КП МҚ Марказий назорат қўмитаси билан биргаликда кўшма пленум чақириб, унда Ўзкомпартия КПСС МҚ билан ҳар қандай алоқани тўхтатишга, КПССнинг барча ташкилотларидан чиқишига, унинг марказий органларидан ўз вакилларини чақириб олишига қарор қилди.

Вужудга келган ўта оғир шароит, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий қийинчиликларга, турли тўсиқларга қарамасдан, халқимиз Ислом Каримов бошчилигига ўзининг асрий орзуси – Ўзбекистоннинг давлат суверенитети ва мустақиллиги сари дадил ва қатъият билан ҳаракат қилишда давом этди. Ниҳоят, 1991 йилнинг 31 августида, ўн иккинчи сессиясида Ислом Каримов тантанали равишида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилди. У ўзининг том маънодаги тарихий нуткида қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади:

*«Мамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганини кўриб турибмиз. Халқ ўзининг эртаниги кунига ишончини кундан-кунга йўқотяпти. Одамлар ўзларининг, оиласининг, бола-чақасининг тинчлигига кафолат истайди.*

*Тўқис, хотиржам ҳаёт талаб қиляпти. Бу истаклар, бу талаблар сафсатабоззик ва вадабоззик остида кўмилиб кетяпти.*

Бизнинг халқимиз сабр-бардош, яхшилик, осойишталик, бошқа халқарга нисбатан хайриҳоҳлик руҳида тарбияланган. Бу халқ бугун биздан ҳимоя талаб қиляпти, тинч-тотув ҳаёт, оғир меҳнатига яраша турмуши шароитларини талаб қиляпти. Бу – ҳаққоний талабдир.

[...] Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қачон, қандай Иттифоқ бўлмасин, ким билан Иттифоқ бўлмасин, қандай шароит бўлмасин, иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам қўймайди»<sup>1</sup>.

Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган ўша унутилмас кунларга назар ташлайдиган бўлсақ, айни ўша пайтда ёш, мустақил Ўзбекистон давлати раҳбари томонидан мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган кўплаб ўта муҳим хужжатлар қабул қилинганини кўрамиз. Мисол учун, 31 август куни қабул қилинган ЎзССР Олий Советининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида»ги Қарори ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Баёноти ҳамда «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги конун ва бошқа қонун хужжатлари шулар жумласидандир.

Халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг остонасидаёқ ҳукуқка, қонунларга асосланадиган ҳукукий демократик давлат куришни мўлжаллади. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилган барча ишларнинг асосида қонунларга итоаткорлик ётганлигига алоҳида эътиборни қаратишни истардик. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, «ҳукукий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир. Минг афсуски, бизда қонунларни менсимасликка, уларни бузишга ўрганиб қолинган. Қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки қонун – халқнинг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланади.  
// Ўзбекистон мустақилликка эришини остонасида. – Т.: Ўзбекистон. 2011, 401–402-бетлар.

*хоҳии-иродаси! Уни бузган, менсимаган одам халқнинг юзига оёқ қўйган кишидир. Биз қонунни ҳурмат қилиш, унга бўйсуниш, риоя қилиш ийлидан борсак, истиқболимиз порлоқ бўлади. Ана шунга эришиши учун Президент қонунларнинг энг асосий пособони, ҳимоячиси бўлиши керак, деб ҳисоблайман»<sup>1</sup>.*

Давлат бошқаруви ва суд-хуқук тизимини янги асосларда барпо этиш борасида мустақиллик остонасида ва унинг дастлабки йилларида амалга оширилган фаолиятнинг заминида демократияга ҳурмат билан қараш ётганилигини, бироқ «демократик жамиятни, энг аввало қонунга қулоқ солиш деб билиши»<sup>2</sup> лозимлигини алоҳида тилга олмоқ керак. Шундан келиб чиқиб айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон хукуклари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини, корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг хукуклари ҳамда қонун билан кўриклиданадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга каратилгандир. Ўзбекистон Республикасида одил судлов факат суд томонидан амалга оширилади.

1991 йил 31 августда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни<sup>3</sup> қабул қилинди. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикасининг «Мустақиллик Декларацияси»га ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотига асосланиб қабул қилинди. Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси, ўз таркибидаги Коракалпогистон Республикаси билан бирга мустақил,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон дунё ҳаритасида ўзига муносиб жой олди. // Ўзбекистон мустақилликса эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011, 435-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Демократия – қонунга ва шахсга ҳурмат демақдир. // Ўзбекистон мустақилликса эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011, 346-б.

<sup>3</sup> Қонуннинг матни бўйича қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгапливнинг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 246-модда.

демократик давлатдир. Қонунда Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳиби эканлиги белгилаб қўйилди. Хусусан, унда «Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендор ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир, у ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади» (2-модда) дейилди.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниш тамойили қонунда ўз ифодасини топди: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. Ўзбекистон Республикаси давлат идораларнинг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади» (5-модда). Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонунга конституциявий маком берилган<sup>1</sup>.

1 сентябрь – «Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги куни» – умумхалк байрами деб эълон қилинди.

1991 йил 29 декабря Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилди. Ўзбекистондаги президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлашда 1991 йил 18 ноябряда қабул килинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун<sup>3</sup> ва унинг асосида ўтказилган умумхалк сайлови катта аҳамият касб этди. Мустақиллик йилларида президентлик институти тўла шаклланди.

1991 йил 29 декабря Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги борасида ўтказилган референдумда овоз беришда катнашганларнинг 98,2 фоизи республика давлат

<sup>1</sup> 1991 йилнинг 30 сентябрьда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига конституциявий маком бериш ва Конституция комиссияси тайёрланётган Республика Конституциясанни лойиҳасини ишлаб чиқари чоргида «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунинг қонидаларига амал килиш лозимлити ҳақида Ўзбекистон Республикасининг қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 268-модда) қабул килинди.

<sup>2</sup> «Референдум» сўзи латинча *referendum* сўзидан олинган бўлди, «биддиришни керак бўлган» деган маънони билдиради. Референдумда давлат ҳаётидаги бирон мухим масала умумхалк овозига қўйилади. Каран: Ҳуқуқисунослика оид ўзлашимга терминлар. Тузувчилар: Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиков С. – Т.: Адолат, 1999, 55-б.

<sup>3</sup> Бу қонунга 1997 йил 26 декабря, 1999 йил 19 августанда, 2003 йил 24 апрелда ва 2007 йил 11 апрелда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши.

мустақиллигини қўллаб-куватлаб овоз берди ва Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги умумхалқ томонидан маъқулланди, деб топди<sup>1</sup>.

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти сайланди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган тўғридан-тўғри, умумий ва муқобил асосдаги сайловда президентликка номзод Ислом Абдуғаниевич Каримов учун 8 миллион 514 минг 136 киши ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи овоз берди. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 35-моддасига асосан Ислом Абдуғаниевич Каримовни 1991 йил 29 декабрдан Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига сайланган, деб хисоблашга қарор қилди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба жорий этилган Президент лавозими мустақил Ўзбекистон давлат ҳокимияти органлари тизимида марказий ўринни эгаллайди. Мамлакатимиз сиёсий тизимида президентлик институтининг узилкесил мустаҳкамланишида 1992 йил 8 декабря қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX боби «Ўзбекистон Республикасининг Президенти» деб номланган.

Мазкур боб ўз ичига 9 та модда (89–97-моддалар)ни қамраб олган бўлиб, уларда президентликка номзод олдига қўйиладиган талаблар, Президентни сайлаш тартиби, Президент қасамёдининг матни, Президентнинг ваколатлари, Президент чиқарадиган норматив-хукуқий хужжатлар, Президентнинг парламентни тарқатиб юбориш ваколати ва шу кабилар борасида хукуқий нормалар белгиланган.

Давлат бошқаруви ва суд-хукуқ тизимини янги асосда барпо этишнинг дастлабки йиллариданоқ инсон хукуқларини ҳимоя қилишнинг кафолати сифатида *адвокатура* институти ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлини /Қ.А. Аҳмедовнинг умумий таҳрири остида/. – Т.: Ўзбекистон, 1992. 50-б.

<sup>2</sup> Ўша асар. 52-б.

адвокатлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

«Суд-хукуқ ислоҳотлари асосий масалалардан биридир, бинобарин, адолат ва инсон ҳуқуқларига ҳурматни таъминловчи ҳукукий ва суд тизимисиз ҳеч қандай тараққиёт бўлмайди»<sup>1</sup>. Шундай қилиб, мустақилликка эришиш арафасида ва мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигига жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилашга, давлат бошқаруви ва суд-хукуқ тизимини ислоҳ қилишга киришилди.

1995 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ваколат муддатини 1996 йил декабрдан 2000 йилгача узайтиришга бағишланган умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. 2000 йил 9 январда эса мамлакатимизда Ўзбекистон Президенти сайлови бўлиб ўтди. Бу сайлов ҳам халқнинг сиёсий онги, маданияти ва фаоллиги ошганлигини кўрсатди. Сайловда рўйхатга олинган 12 миллион 746 минг 903 сайловчидан 12 миллион 123 минг 199 та сайловчи иштирок этди. Бу рўйхатга олинган сайловчилар умумий микдорининг 95,1 фоизини ташкил этди<sup>2</sup>. Сайловда И.А. Каримов ғалаба қозонди (91,9 %).

2001 йил 6 декабря II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VII сессиясида референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 2002 йил 27 январда Ўзбекистонда умумхалқ референдуми ўтказилди. Референдумга қуйидаги саволлар киритилди:

*1) Сиз келгуси чакириқ Ўзбекистон Республикаси парламентини икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?*

*2) Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришига розимисиз?*

<sup>1</sup> Ситара Сайёд. Суд-хукуқ ислоҳотларини амалга оширища БМТ Таракқиёт Дастурининг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлиги. // Суд-хукуқ тизими ислоҳоти: амалдёт ва самародорлик (халқaro конференция материяллари; Тошкент, 2009 йил 30 сентябрь). – Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2010, 12-б.

<sup>2</sup> Ҳамидова М.А., Асадов Ш.Ф. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: фуқаролар ҳукуқ ва эркинликларининг кафолатлари. /Масъуль муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х. Саидов/. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005, 18-б.


Умумхалқ референдуми натижаларига биноан Олий Мажлиснинг VIII сессиясида, 2003 йил 24 апрелда «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий тамойиллари тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилинди. Мазкур конституциявий қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бешинчи бўлими XVIII, XIX, XX ва XXIII бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Президент ваколатларининг бир қисми, биринчи навбатда, давлат, суд тизими ва маҳсус хизматларнинг раҳбарларини, чет эллар ва ҳалқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларни тайинлаш ва тасдиқлаш масалалари, амнистия эълон қилиш ваколати Олий Мажлиснинг Сенатига ўтказилди. 89-модданинг қуйидаги 2-хатбошиси олиб ташланди: «Ўзбекистон Республикасининг Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади».

2002 йил 27 январда ўтказилган референдум якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати 5 йилдан 7 йил қилиб ўзгартирилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий тамойиллари тўғрисида»ги Конституциявий қонуни Ўзбекистон Президентининг ваколат муддатини етти йиллик қилиб белгилаш, демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти пойдеворини шакллантириш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишdir» мавзусидаги маъruzасида давлат курилиши ва бошқарув соҳасидаги энг муҳим вазифа бўлган мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришиш йўлларини белгилаб берди.

Шунга кўра, 2006 йили «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддаси 1-қисмининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Лойиҳа юзасидан кенг жамоатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ўрганиб чиқилди ва бунинг натижаси ўлароқ 2007 йил 29 марта Олий Мажлиснинг Конунчилик палатаси томонидан қонун қабул қилинди.



**10-расм.** Парламентдаги кўпчиликни ҳосил килиш асослари

Давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларни амалга оширишдаги роли ва масъулиятини кучайтириш, мамлакат Президенти вазифаларини аниқ-равshan белгилаш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш мақсадида 2007 йил 11 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддаси 1-қисмининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул

қилинди. Шу ўринда Ўзбекистон Конституциясига киритилган куйидаги муҳим ўзгартиш ва қўшимчаларга эътиборни қаратиш лозим.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **89-моддаси** янги таҳрирда баён этилди:

*«Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлигидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди».*

Шу билан бирга амалдаги қонунчиликка парламент фаолиятига оид «парламентдаги кўпчилик» тушунчаси киритилди. Бундан ташқари амалдаги қонунчиликка парламент фаолиятига оид «муҳолифат» каби тушунча ҳам киритилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси **93-модда 1-қисмининг 15-банди** куйидагича таҳрир қилинди:

*«Ўзбекистон Республикаси Президенти:*

*15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонуларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доз туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли».*

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **102-модда иккинчи қисми** куйидаги таҳрирда битилди:

*«Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади».*

Ушбу қонун 2008 йил 1 январидан кучга киритилди.

Давлат бошлиғи сифатида Президент давлат ҳокимияти органлари тизимида етакчи ва мувофиқлаштирувчи роль ўйнайди. Президент у ёки бу ҳокимиият тармоғига кирмайди, балки бутун давлат ҳокимииятининг бирлигини намоён этади.


Президент Ислом Каримов 2007 йил 11 апрелда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг

ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунга имзо чекди.



11-расм. Мухолифат ва унинг ҳукуқлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг илгари эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозимининг тугатилиши давлат ҳокимияти ва бошқарувини либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида навбатдаги қадам бўлди.



**12-расм.** Вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби

2010 йил 27 январдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги Президент маърузасида ҳам айнан давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси мамлакатимизнинг демократик тараққиёт йўлидан оғишмай янада илдамлаб боришида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу маърузада ўта долзарб аҳамиятга молик бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз судхукуқ тизимини ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Маърузада таъкидлаб ўтилганидек, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар жуда муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий тамойилини хаётга татбиқ этишга, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантиришга, қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтиришга, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди<sup>1</sup>.

Президент И.А. Каримов Ўзбекистон парламенти палаталарининг қўшма мажлисида қилган маърузасида б та йирик устувор йўналишни илгари сурди. Йўналишлар ва улар бўйича қилинган таклифларнинг кисқа мазмуни қуйидагicha:

## I. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш:

<sup>1</sup> Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъзуза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2010, 8-б.

**1) Конституциянинг 98-моддасига ўзгартиш киритиш:**

❖ Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик тамойилларини ифодалай-диган янги тартиб ўрнатиш;

❖ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш хукуқини бериш;

❖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул килиш хукуқини Ўзбекистон Президентининг ваколатлари доирасидан чиқариш.

**2) Конституциянинг 96-моддасига ўзгартиш киритиш:**

❖ Мамлакат Президенти турли сабабларга кўра ўз вазифасини бажара олмайдиган вазият юзага келган тақдирда тутиладиган йўлнинг янги тартиби: Президент ваколатларини Олий Мажлис палаталарининг кўшма фавқулодда йифилишида депутатлар, сенаторлар орасидан вақтингча сайланган шахс эмас, Олий Мажлис Сенатининг Раиси вақтингча бажаради.

**3) Конституциянинг 78-моддаси 1-кисмининг 15-бандини тўлдириш:**

❖ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари доирасига Бош вазир ҳисоботларининг тингланишини киритиш.

**4) Конституциянинг 93-моддаси 15-бандини тўлдириш:**

❖ Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокимининг Ўзбекистон Президенти томонидан лавозимга тайинланиши ва лавозимдан озод этилиши.

**5) Конституциянинг 93-моддаси 8-бандини ўзгартиш:**

❖ Ўзбекистон Президенти ваколатлари доирасидан Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси девонини тузиш ва унга раҳбарлик қилиш ваколатининг чиқарилиши.

**6) Конституциянинг 93-моддаси 16-бандини тўлдириш:**

❖ Ўзбекистон Президентининг Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли эканлиги.

**7) Конституциянинг 93-моддаси 12-бандини ўзгартиш:**

❖ Ўзбекистон Президентининг ваколатлари доирасидан Бош прокурорнинг ўринбосарларини тайинлаш ваколатининг чиқарилиши ва унинг ўрнига Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ваколатининг киритилиши.

## **II. Суд-хуқуқ тизимини ислоҳ этиш:**

1) «Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида»ги конуннинг янги таҳририни қабул қилиш.

2) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

3) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш: биринчи инстанция судида иш бўйича айлов хulosасини фақат прокурор ўқиб эшиттириши лозим.

4) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқариш.

5) «Тезкор-кидирув фаолияти тўғрисида» конун қабул қилиш.

6) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳририни қабул қилиш.

7) Конун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги хуқукий механизmlарни ўрнатадиган хужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

8) Жамиятда хуқукий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чоратадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.

## **III. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш:**

1) Куйидаги конунларни қабул қилиш:

❖ «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»;

❖ «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»;

❖ «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»;

❖ «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-куvvatлаш кафолатлари тўғрисида».

2) Куйидаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш:

- ❖ «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»;
- ❖ «Ахборот эркинлиги тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида»;
- ❖ «Телекоммуникациялар тўғрисида» ва бошқалар.

#### **IV. Ўзбекистонда сайлов хуқуки эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш:**

1) «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш:

- ❖ 6-моддага;
- ❖ 27-моддага;
- ❖ 41-моддага.

2) «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш:

- ❖ 25-моддага;
- ❖ 38-моддага.

#### **V. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш:**

1) Куйидаги қонунларни қабул қилиш:

- ❖ «Ижтимоий шериклик тўғрисида»;
- ❖ «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»;

❖ «Экологик назорат тўғрисида».

2) Куйидаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш:

- ❖ «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»;

❖ «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»;

❖ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси.

#### **VI. Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни лебераллаштиришни янада чуқурлаштириш:**

1) Куйидаги қонунларни қабул қилиш:

- ❖ «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»;

❖ «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»;

❖ «Рақобат тўғрисида»;

- ❖ «Кредит бюролари фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида»;
- ❖ «Гаров реестри тўғрисида»;
- ❖ «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»;
- ❖ «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»;
- ❖ «Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида» ва бошқалар.

2) Куйидаги қонунларнинг янги таҳририни ишлаб чиқиш:

- ❖ «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»;
- ❖ «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»;
- ❖ «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида».

2011 йилнинг 18 апрелида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айrim моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонуни<sup>1</sup> қабул қилинди. У 2011 йил 4 марта Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди, 2011 йил 25 марта эса Сенат томонидан маъқулланди.

2011 йил 18 апрелда Ўзбекистон Президенти томонидан имзоланган (№ ЎРҚ – 284) қонун, унинг охирги – 2-моддасига биноан расмий эълон қилинган кундан (19 апрелдан) эътиборан кучга кирди. Ўзбекистон Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмуни куйидагича (*Изоҳ: янги киритилган гаплар курсивда берилди, чиқариб ташланганлари эса ўртасидан чизик тортилган ҳолда кўрсатилди*):


<b>78-мода, 1-кисм:</b>	«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргалиқдаги ваколатлари куйидагилардан иборат:
<b>15-банд</b>	Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшигитиш ва муҳокама қилиши»

<sup>1</sup> //Халқ сўзи, 2011 йил 19 апрель, № 76 (5243), 1-б.


<b>80-модда:</b>	<b>«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатларига»:</b>	
<b>6-банд</b>	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини <i>Хисоб палатаси раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиши тўғрисидаги фармонларини тасдиқлари</i>	
<b>93-модда, 1-кисм:</b>	<b>«Ўзбекистон Республикасининг Президенти:</b>	
<b>8-банд</b>	ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; Республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжихат ишланини таъминлайди; вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошقا органларини тузади ва тутатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдигига кирилади	
<b>12-банд</b>	Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини <i>Хисоб палатаси раисини тайинлайди</i> ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдигига киригади	
<b>15-банд</b>	Ўзбекистон Республикаси <i>Бош вазирининг тақдимига биноан</i> вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва кадр-қимматига дод туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз карори билан лавозимидан озод этишга ҳақли	
<b>16-банд</b>	Республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек, ҳокимларнинг кабул қилган ҳужжатларини тўхтатади, бекор қилади, Ўзбекистон Республикаси <i>Вазирлар Маъкамаси мажлисларида раислик қилишига ҳақли</i>	
	<b>2011 йилнинг 19 апрелигача</b>	<b>2011 йилнинг 19 апрелидан эътиборан</b>
<b>96-модда</b>	«Ўзбекистон Республикасининг Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўшма қарорига кўра тузилган давлат тиббий комиссияси хulosаси билан тасдиқланган тақдирда ўн кун муддат ичida палаталарнинг кўшма фавқулодда йигилишида депутатлар, сенаторлар орасидан уч ойгача бўлган муддатта Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини вактинча бажарувчи сайланади. Бу ҳолда уч ой муддат	«Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вактинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклитилади, бунда уч ой муддат ичida «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайлови

		<p>и чида Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт»</p>	
--	--	--	--

Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиш киритилгунга қадар Президент бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмайдиган ҳолатлар бўйича белгиланган тартиб қуидагича эди:



**13-расм.** Президент вазифасини вақтинча бажарувчи сайлаш тартиби (2011 йилнинг 19 апрелига қадар ўрнатилган конституция тартиби)



**14-расм.** Бош вазирга нисбатан ишончсизлик билдириш

## XX боб. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

98-модда<sup>1</sup>

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринbosарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпогистон Республикаси Хукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси иктисадиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларира раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан сокит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўрнларини олган сиёсий партия ёки тенг

<sup>1</sup> Изоҳ: Моддадан чиқаруб ташланган қисмлар кўрсатилмади. Моддага янги киритилган қисмларни алоҳида кўрсатиш масадидга улар шартларни равишда курсивда берилди.

миқдордаги энг күп депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан тақлиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимиға номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичидан уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқшии ва тасдиқлаши учун тақлиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишилича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўти томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Конунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камидан учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган тақлиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўйша мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириши ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишилича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камидан учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиши тўғрисида қарор қабул қиласди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун тарқиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишили маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқшии ва тасдиқлашга тақдим қилиши учун тақлиф этилади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимиға номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини таинилайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади».

Президент Ислом Каримов давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, президентлик институтини янада либераллаштириш, дунёдаги ривожланган давлатлар бошқаруви тизимиға мос тизимга ўтиш бўйича бир қатор таклифлари илгари сурди. 2010 йилнинг 12 ноябрида мамлакат Президенти Ислом Каримов томонидан республика парламенти палаталарининг қўшма мажлисида килинган маъруза давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, конун чикарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлди. Оралиқ хulosса ўрнида айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда президентлик институти шаклланди, янада такомиллаштирилди, хукукий негизлари мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Конституциясининг 89-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. 90-модданинг мазмунига кўра, Президент лавозимиға 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон худудида муҳим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Президенти бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов хукуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланади.

## **2.1.7. Ўзбекистон Республикаси марказий давлат бошқарув органларининг ривожлантирилиши: Олий Мажлис**

Олий қонун чикарувчи ҳокимият ҳар бир давлатда ўзига хос хусусият ва номга эга. Масалан, АҚШда Конгресс, Швецияда Риксдаг, ГФРда Бундестаг, Россияда Дума, Ўзбекистонда Олий Мажлис деб аталади. Давлат

ҳокимиятининг бўлиниш тамойилига кўра, қонун чиқарувчи ҳокимият – *парламент*<sup>1</sup> давлат ҳокимиятининг уч асосий тармоғидан бири саналади. Парламент давлатнинг олий вакиллик органи ҳисобланади ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистонда мамлакат парламенти – Олий Мажлисни шакллантириш ва фаолиятини такомиллаштириш бўйича изчил сиёsat амалга оширилди. Мамлакатимизда қисқа муддат ичida парламентнинг ҳуқукий асослари яратилди.

Ўзбекистон Конституцияси қабул қилингунга қадар бўлган давр Ўзбекистон парламентаризм тарихида ўзига хос давр бўлиб, бу даврда Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайлови ва референдум тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

1990–1994 йилларда мамлакатимиз парламенти Олий Кенгаш деб аталиб, бир *палатали*<sup>2</sup> эди ва ўз таркибида 150 депутатни бирлаштирган эди. Парламентаризм тажрибаси шуни кўрсатадики, парламент бир палатали ва икки палатали бўлиши мумкин. Маълумки, демократик мамлакатларнинг аксариятида парламент икки палаталидир. Ҳозирги замонда икки палатали тизим парламентаризм таракқиётининг асосий тенденциясига айланди.

1993 йил 28 декабрда Ўзбекистон Конституциясига биринчи ўзгартиш киритилди: «150 нафар депутатдан» деган сўзлар (77-модда, 1-қисм) «депутатлардан» деган сўз билан алмаштирилди<sup>3</sup>. 1994 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида конституциявий қонун қабул қилинди. Ўзбекистон парламентининг номи Олий Мажлис деб ўзгартирилди. 1994 йилнинг 25 декабряда Олий Мажлисга сайловлар бўлиб ўтди. 1995 йилдан бошлаб парламент аъзолари сони 250 депутатдан иборат деб белгиланди.

Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган 1992 йилдан то 1997 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда миллий сайлов

<sup>1</sup> «Парламент» сўзи француз тилидаги *parler* – «гапирмоқ» сўзидан келиб чиқкан.

<sup>2</sup> «Палата» сўзи латинча *palatium* сўзидан олинган бўлиб, давлат ҳокимиятни вакиллик органдарни ёки уларнинг айтиш таркибий қисмлари номини билдиради. *Каране: Ҳуқуқшуносликса оид ўзлашма терминлар*. Тузувчilar: Бектемиров X., Холмедов X., Содиков С. – Т.: Адолат, 1999, 48-б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1994, 1-сон, 5-модда.

тизими шакллантирилди. 1997 йилдан то 2003 йилгача бўлган даврда амалдаги сайлов қонунларига айрим ўзгартишлар киритилди, Ўзбекистон Республикасининг «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Икки палатали миллий парламентни ташкил этиш масаласи Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан 2000 йил 25 майда Олий Мажлиснинг 2-сессиясида илгари сурилди. «Шуни яхши англаб олишимиз зарурки, ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улгайини билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегиши ўзгартишлар бўлиши табиийдир. Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиши таклифини киритмоқчиман, яъни биз 2004 йилда бўладиган сайловларда парламентни икки палатали қилиб ташкил этишимиз лозим»<sup>1</sup>.

2001 йил 6 декабря Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасида референдум ўтказиш тўғрисида карор қабул қилди. 2002 йил 27 январда Ўзбекистон Республикасида келгусида икки палатали парламент тузиш ва Президентнинг ваколат муддатини 5 йилдан 7 йилга – 2007 йилнинг январигача узайтириш масалалари бўйича умумхалқ референдуми ўтказилди. Референдумга қуйидаги саволлар киритилди:

1. Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламентининг икки палатали қилиб сайланшишга розимисиз?

2. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришишга розимисиз?

2002 йилда ўтказилган референдум натижаларига биноан 2002 йил 4 апрелда, Олий Мажлиснинг VIII сессиясида «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий тамойиллари тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилинди. Бу икки палатали парламентга ўтишнинг дастлабки ҳукуқий пойдевори бўлди. Бу

<sup>1</sup> Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт – піровард мақсадимиз. – Асарлар, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000, 483-б.

қонун Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи органи – икки палатали парламентнинг тузилиши, таркиби, фаолият юритиши асосларини, Ўзбекистон Президентининг ваколат муддатини етти йиллик қилиб белгилаш, энг муҳими – демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти пойдеворини шакллантириш бўйича қонунчиликни такомилаштиришнинг асосий йўналишларини, Президент Ислом Каримов избораси билан айтганда, «қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишининг асосларини белгилаб берди»<sup>1</sup>.

2002 йил 12 декабрда Ўзбекистон Олий Мажлисининг X сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» Конституциявий қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлар парламент палаталарининг мақомини, уларни шакллантириш тартибини, ваколатларини, бошқа органлар билан ҳамкорлик қилиш механизмларини белгилаб берди.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида тўпланган парламентаризм тажрибаси, Ўзбекистон халқининг қадриятлари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқилган ушбу қонунлар икки палатали парламентимиз ваколатларини ва фаолиятининг ташкилий шаклларини аниқ белгилаб берди.

2003 йилдан 2005 йилгача бўлган даврда икки палатали парламентни шакллантириш билан боғлик тарзда сайлов қонунларига ўзгартишлар киритилди. 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий тамоийлари тўғрисида» Конституциявий қонунга мувофиқ, 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бешинчи бўлими XVIII, XIX, XX ва XXIII бобларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритилди.

<sup>1</sup> Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятияни ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўпма мажлисидағы маъруза. 2010 йил 12 ноябр. – Т.: Ўзбекистон, 2010, 9-б.

2004 йил 15 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов компанияси бошланишини зълон қилиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, икки палатали парламентга сайлов 2004 йилнинг 26 декабрь кунига белгиланди.

2004 йил 26 декабря Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловлар бўлиб ўтди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўtkазиш мақсадида 120 та округ сайлов комиссияси ва 8088 участка сайлов комиссияси тузилди<sup>1</sup>. Сайловда сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гурухларидан 489 нафар депутатликка номзод, жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 108, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан 114, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан 84, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидан 58, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан 71, Сайловчилар ташаббускор гурухларидан 54 нафар депутатликка номзод иштирок этди<sup>2</sup>.

2005 йил 17-20 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига сайловлар бўлиб ўтди.

2005 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палата – Қонунчилик палатаси (қуий палата) ва Сенат (юқори палата)дан иборат қилиб шакллантирилди. Шундай қилиб, 2004 йилнинг охири ва 2005 йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати шакллантирилди ва ўз фаолиятини бошлади.

Мамлакат парламентининг икки палатали қилиб ташкил этилиши натижасида:

- парламент ўз ваколатларини самарали амалга оширади;

<sup>1</sup> Ҳамидова М.А., Асадов Ш.Ф. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: фуқаролар ҳуқук ва эркинликларининг кафолатлари. Масъул мухаррир: ю.ф.д., проф. А.Х. Сайдов. – Т.: ТДОИ нашриёти, 2005, 19-б.

<sup>2</sup> Ҳамидова М.А., Асадов Ш.Ф. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: фуқаролар ҳуқук ва эркинликларининг кафолатлари. Масъул мухаррир: ю.ф.д., проф. А.Х. Сайдов. – Т.: ТДОИ нашриёти, 2005, 19-20-бетлар.

– ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизими яратилади;

– Конунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб борилишини назарда тутган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифати кескин ошади;

– Сенат асосан маҳаллий кенгашлар, худудларнинг вакилларидан иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инобатга олиб, умумдавлат ва худудий манбаатлар мутаносиблигига эришилади;

– аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўлами янада кенгаяди;

– мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили ҳаётий ифодасини топади.

2005–2009 йилларда икки палатали Олий Мажлиснинг қўйи палатаси – Конунчилик палатаси 120 депутатдан, юкори палатаси – Сенат эса 100 та аъзодан иборат бўлди, жами бўлиб парламентда 220 та аъзо фаолият юритди.

2009 йил 27 декабрдаги Ўзбекистон Олий Мажлис Конунчилик палатасига сайлов натижалари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига депутатлар сайлови якунларига кўра 150 нафар депутат сайланди.

Сайланган 150 нафар депутатнинг 33 нафари (22 %) хотин-қизлардир. Сенатда эса хотин-қизлар 15 нафарни ташкил этди. Сайланган депутатларнинг 47 нафари (31,3 %) илгари Конунчилик палатаси депутати бўлган. Бу сайланган депутатлар ўз сайловчиларининг ишончига сазовор бўлганлигидан далолат бериши билан бирга, профессионал фаолиятида уларнинг ҳаётий ва қонун ижодкорлиги борасидаги амалий тажрибасидан янада самарали фойдаланиш имкониятини ҳам беради. Парламент қўйи палатаси таркибида жамиятнинг деярли барча катламлари вакиллари бор.

1-жадвал

## Партиялар ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган номзодлар сони

ПАРТИЯНИНГ НОМИ	САЙЛАНГАН АЪЗОЛАРИ
Ўзбекистон Либерал демократик партияси (ЎзЛДП)	53
Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси (ХДП)	32
Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	31
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	19
Ўзбекистон экологик ҳаракати	15

2-жадвал

## Парламент депутатлигига номзод кўрсатиш хуқуқига эга субъектларнинг ўзгариш динамикаси

ЙИЛ	ПАРЛАМЕНТ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД КЎРСАТИШ ХУҚУКИ
1999	<ul style="list-style-type: none"> <li>• сиёсий партиялар</li> <li>• ҳокимият вакилик органлари</li> <li>• фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарип органлари</li> </ul>
2004	<ul style="list-style-type: none"> <li>• сиёсий партиялар</li> <li>• ташаббускор гурухлар</li> </ul>
2009	<ul style="list-style-type: none"> <li>• сиёсий партиялар</li> </ul>

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 2004 ва 2009 йилларда бўлиб ўтган сайловлар натижаларини ўзаро таққослаш сиёсий жараёнларнинг тобора либераллашиб, демократик тус олиб бораётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда мустакиллик йилларида халкаро хукуқ андозалари ва илфор хорижий давлатлар талабларига мос янги сайлов қонунчилиги яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2010 йил 12 ноябрда

үтказилган құшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маъruzаси мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Олий Мажлис ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини кучайтиришда муҳим аҳамиятта эга бўлди.

3-жадвал

### **Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 2004 йил ва 2009 йилда бўлиб ўтган сайловлар натижалари**

Кўрсаткич	2004 йилдаги сайловда	2009 йилдаги сайловда
<i>Қонунчилик палатасига кўрсатилган помзодлар сони</i>	489 та	504 та
<i>Сайловларнинг биринчи турида сайланган депутатлар сони</i>	62 та (51,7 %)	96 та (71,1 %)
<i>Сайловларнинг иккинчи турида сайланган депутатлар сони</i>	58 та (48,3 %)	39 та (28,9 %)
<i>Парламентдаги депутатлар таркибида хотин-қизлар улуши</i>	18 %	22 %

Мустақиллик йилларида халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 60 депутат, туман ва шаҳар Кенгашларига эса 30 нафар депутат сайланиши йўлга кўйилди.

Қонунчилик ҳуқуқи фаолиятини қуидагича изоҳлаш мумкин:

- Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан киритилади;
- Қонунчилик палатаси Спикери қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқадиган қўмитага топширади. Масъул қўмита хulosса тайёрлади;
- Қонунчилик палатаси кенгаши масъул қўмита хulosаси асосида қарор қабул қиласи;

- кўриб чиқиш учун қабул қилинган қонун лойиҳаси тегишли материаллар билан Конунчилик палатасининг кўмиталарига юборилади;
- Конунчилик палатаси кенгаши масъул қўмита тақдим этган қонун лойиҳасини биринчи ўқиашда кўриб чиқиш учун Конунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан – Конунчилик палатаси (куйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат. Ўзбекистонда Олий Мажлис ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва вакиллик органи ҳисобланади, унинг таркибидаги депутатлар халқ мафаатларини ифодалайди. Олий Мажлис 5 йил муддатга сайланади. 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг икки палатали Олий Мажлиси томонидан қабул қилинаётган қонунлар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида ислоҳотларни янада чукурлаштириш йўлида катта сиёсий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Парламент томонидан қабул қилинадиган қонунларнинг уч муҳим устувор хусусияти:

- қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа меъерий хужжатлар адолатга, инсон ҳукуки ва манфаатларига асосланган бўлиши шарт;
- бу қонунлар барча давлат органлари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан аниқ бажарилиши зарур;
- жамият ҳаётининг қонунларга мос бўлиши қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий шарти ҳисобланади.

Қонун чиқарувчи ва маҳаллий ҳокимият органларига ҳамда Сенатга 2009 йил 27 декабрда ўtkазилган сайловлар жараёнида ва эндилиқда куйидаги мезон ва талаблар устувор қилиб белгиланмоқда:

## ОЛИЙ МАЖЛИС

	Конунчиллик палатаси	Сенат
Аъзоларининг аталиши	Конунчиллик палатаси депутати (депутат)	Сенатор = Сенат аъзоси
Аъзоларининг сони	<p><i>150 депутат:</i> 135 депутат сиёсий партиялардан ва 15 депутат Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади</p>	<p>Худудий вакиллик палатаси</p> <p><i>Сайланади (84 киши):</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• 6 киши – Қорақалпогистондан,</li> <li>• 6 киши – Тошкент вилоятидан,</li> <li>• 6 киши – Сирдарё вилоятидан,</li> <li>• 6 киши – Жиззах вилоятидан,</li> <li>• 6 киши – Фарғона вилоятидан,</li> <li>• 6 киши – Андижон вилоятидан,</li> <li>• 6 киши – Наманган вилоятидан,</li> <li>• 6 киши – Қашқадарё вилоятидан,</li> <li>• 6 киши – Сурхондарё вилоятидан,</li> <li>• 6 киши – Самарқанд вилоятидан,</li> <li>• 6 киши – Навоий вилоятидан,</li> <li>• 6 киши – Бухоро вилоятидан,</li> <li>• 6 киши – Хоразм вилоятидан,</li> <li>• 6 киши – Тошкент шаҳридан.</li> </ul> <p><i>Тайинланади (16 киши):</i></p> <p>(Президент томонидан: фан, санъат, ҷабобиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошча тармоларида катта тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат қўрсатган энг обручи фуқаролар орасидан)</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• 16 киши.</li> <li>• Ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиқкан Президент умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди</li> </ul> <p>Айни бир шахс бир пайтинг ўзида депутат ва сенатор бўлиши мумкин эмас</p>
Аъзоларини сайлаш тартиби	Худудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида сайланади	Қорақалпогистон Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат хокимиияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли кўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичida улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади ҳамда Президент томонидан тайинланади
Номзодларга кўйиладиган талаблар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• сайлов куни 25 ёшга тўлган Ўзбекистоннинг фуқароси;</li> <li>• камида 5 йил Ўзбекистон худудида муким яшаётган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси</li> </ul>	

1. Олий Мажлисга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш хукуки берилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллукли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш хукуки Президент ваколати доирасидан чиқарилмоқда.

2. Сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартиб белгиланиб, хукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми (сайловчи ташкилот вакилларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорлар) институти жорий қилинмоқда.

3. Олий Мажлисга ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гурухлардан номзод кўрсатиш институти тутатилди.

4. Конунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш хукуки фақат сиёсий партияларга берилди.

5. Олий Мажлисга сайловларни тайинлаш институти тутатилди ва унинг ўрнига «Сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш» институти жорий этилди. Бу вазифани Марказий сайлов комиссияси амалга оширадиган бўлди.

6. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакили Конунчилик палатасига киритилди. Бу институт сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишида қатнашади. Унга тўлдирилган имзо варақаларини текширишда қатнашиш хукуки берилди. Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг ишончли вакили 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди.

7. Депутатлик ўринларини квоталаш институти киритилди, яъни 15 депутатлик ўрни Ўзбекистон экологик ҳаракатига берилди. Ўзбекистон экологик ҳаракатига депутатлик ўринларини квоталаш институти номи берилди.

## **2.1.8. Ўзбекистон Республикаси марказий давлат бошқарув органларининг ривожлантирилиши: Вазирлар Маҳкамаси**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1990 йил 1 ноябрда «Ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш тўғрисида» қонун қабул қилди. Унга кўра


Министрлар Совети тугатилиб, Президент хузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамаси баъзи давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда хукуматнинг номидир. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг хукумати 1992 йилда қабул қилинган Конституцияга кўра Вазирлар Маҳкамаси деб аталади. Вазирлар Маҳкамасининг хукуқий мақоми, ташкил этилиши ва фаолият тартиби ҳамда ваколат доираси Конституция ва Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги махсус қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Ижроия ҳокимият давлат ҳокимиятининг уч асосий тармокларидан биридир.

Вазирлар Маҳкамасининг асосий хукуқий мақоми – унинг мустақил Ўзбекистон хукумати эканлигидадир. Унга, унинг ваколати доирасида, қонунларни ва Президент фармонларини ижро этиш масъулияти юкланган. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқарув идоралари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви муассасаларига бошчилик қиласи.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи, яъни Вазирлар Маҳкамасининг раиси эканини белгилайдиган норма чиқариб ташланди. Вазирлар Маҳкамасининг раиси лавозими тутатилди. Бу эса либераллаштириш ва демократлаштириш йўлидаги мухим қадам бўлди. «Қабул қилинган конунларга мувофиқ эндиликда Бош вазир нафақат Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади, балки унга раҳбарлик қиласи ва унинг иши самарадорлиги учун шахсан жавоб беради, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раислик қиласи, хукумат хужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул қиласи»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириши концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшима мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябр. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 10-б.



**14-расм.** Бош вазирни сайлаш ва Вазирлар Маҳкамасининг таркибини шакллантириш (2011 йил 19 апрелгача бўлган конституциявий тартиб бўйича)

2010 йилнинг 12 ноябрида мамлакат Президенти Ислом Каримов томонидан республика парламенти палаталарининг кўшма мажлисида килинган маъруза давлат ҳокимиютининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимииятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиютининг тамойили мавжуд шароитларнинг ўзига хослигини инобатга олиш, жаҳондаги ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасидан ижодий фойдаланиш асосида амалга оширилмоқда. Шунга кўра, ижроия ҳокимият давлат ҳокимиюти тизимининг бир тармоғи ҳисобланади.

Қонунлар рўёбга чиқарилиши учун шарт-шароитларни таъминлаш ижро этувчи органларнинг асосий вазифасидир. Ҳокимиятлар бўлиниши тамойилига мувофиқ, иккинчи ижро этувчи ҳокимият, яъни мамлакат хукумати Вазирлар Маҳкамасига юклатилади. Вазирлар Маҳкамаси Бош вазир,

унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси хукуматининг бошлифи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Одатда, ижроия ҳокимият парламентга ўтказилган сайловлардан сўнг камида бир ой ичida шакллантирилади.

Ижроия ҳокимият органлари тизимиغا Вазирлар Маҳкамаси раҳбари – Бош вазир, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари, Қорақалпоғистон хукуматининг бошлифи, вилоятлар, туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари, улар раҳбарлигидаги бўлимлар ва бошқармалар, шунингдек, корхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг маъмурияти ҳам киради.

Ижроия ҳокимият органлари жамоавий раҳбарлик асосида ва якка тартибда хуқуқий хужжатлар қабул қилиш йўли билан тегишли соҳаларни бошқариш, ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади, уларни амалга оширади. Ижроия ҳокимият идораларининг тизими, хуқуқий мақоми ва ваколатлари Конституцияга биноан Олий Мажлис томонидан белгиланади.

Мустакиллик йилларида Вазирлар Маҳкамаси, яъни ижроия ҳокимият – хукумат таркиби 4 марта янгидан тасдиқланди. 1993 йил 6 майда қабул қилинган, 1993 йил 29 августда янги таҳрирда жорий этилган «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунга кўра, *биринчи марта* Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби 1995 йил 23 февралда тасдиқланди. *Иккинчи марта* 2000 йил 11 февралда, *учинчи марта* 2005 йил 4 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби тасдиқланди. *Тўртинчи марта* 2010 йил 12 марта Вазирлар Маҳкамаси таркиби қуйидаги тартибда белгиланди: Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари – 8 та, вазирлар – 14 та, давлат қўмиталарининг раислари – 9 та.

### *Вазирлар Маҳкамаси аъзолари:*

- ❖ Бош вазир.
- ❖ Бош вазирнинг биринчи ўринбосари.
- ❖ Бош вазирнинг б нафар ўринбосари.

### *Вазирликлар:*

1. Молия вазирлиги.

2. Ташки иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги.
3. Иқтисодиёт вазирлиги.
4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги.
5. Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.
6. Соғликни сақлаш вазирлиги.
7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги.
8. Мудофаа вазирлиги.
9. Ички ишлар вазирлиги.
10. Ташки ишлар вазирлиги.
11. Адлия вазирлиги.
12. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.
13. Халқ таълими вазирлиги.
14. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

*Давлат қўмиталари:*

1. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси.
2. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси.
3. Давлат солик қўмитаси.
4. Давлат божхона қўмитаси.
5. Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси.
6. Давлат статистика қўмитаси.
7. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси.
8. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси.
9. Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси.

2005 йили Вазирлар Маҳкамаси раҳбари – Бош вазир лавозими жорий этилди. Конституциянинг 89-моддаси биринчи бандидаги Президентга тегишли ваколатлар ижроия ҳокимиятга ўтказилди. Бу ҳолат Франция ва Россия давлатлари Конституциялари нормаларида ҳам мавжуд. Вазирлар Маҳкамаси конун, фармон, фармойиш, қарор ижроларини таъминлаш мақсадида маҳсус қарорлар қабул қилиш ҳамда назорат йўли билан бошқарувни амалга оширади, ижро ҳокимиятини таъминлайди.

## **2.2. Суд-хуқук тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш соҳасидаги ислоҳотлар**

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари фаолият кўрсатадилар. Ўзбекистон Республикасида ишларнинг тоифаларига караб судларнинг ихтисослашуви амалга оширилиши мумкин. Фавқулодда судлар тузишга йўл кўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳукуклари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳукуклари ҳамда қонун билан кўриклиданадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир. Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади.

Судьялар мустақиллар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл кўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда кўриб чиқишга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл кўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурӣ суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир.

## Суд тизими

### Сайланадиган судлар (5 йил муддатга)

- Ўзбекистон Конституциявий суди.
- Ўзбекистон Олий суди.
- Ўзбекистон Олий хўжалик суди
- Коракалпоғистон фуқаролик ишлари бўйича олий суди.
- Коракалпоғистон жиноят ишлари бўйича олий суди.
- Коракалпоғистон хўжалик суди.

### Тайинланадиган судлар (5 йил муддатга)

- Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари.
- Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича гуманлараро, туман, шаҳар судлари.
- Ҳарбий ва хўжалик судлари.

## 15-расм. Ўзбекистонда суд тизими

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қоракалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоят, шаҳар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш хуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларни биринчи инстанция суди сифатида ва назорат тартибида кўради. У ўзи биринчи инстанция сифатида кўрган ишларни апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш (протест билдириш) хуқуқига эга бўлган шахсларнинг хоҳишига кўра апелляция ёки кассация тартибида кўриши мумкин. Апелляция тартибида кўрилган иш кассация тартибида кўрилмаслиги керак.

Ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камидаги уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган ҳамда малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси туманлараро, туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья бўлиб камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида етти йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья бўлиб камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонга эга бўлган ва ушбу моддадаги талабларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд судьяси бўлиши мумкин.

Ҳарбий судлар судьяларига «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, ҳарбий уставлар, ҳарбий хизматчилар учун белгиланган, шунингдек, ушбу қонунда назарда тутилган ҳукукий ва ижтимоий ҳимоялаш чоралари татбиқ қилинади.

Судьяларнинг мустакиллиги қўйидагилар оркали таъминланади:

- ✓ уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш;
- ✓ уларнинг дахлсизлиги;
- ✓ одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил;
- ✓ карор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши;
- ✓ судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;
- ✓ судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш.

Судъяниңг шахси дахлсиз. Судъяниңг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарлариға, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуклидир.

Судъяларниңг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида уларга тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Олий хўжалик суди раиси, адлия вазири томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ўқотар курол берилади. Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи судья ва унинг оиласи учун куролли соқчилар ажратади.

Судъяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Судъя Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳисбса олиниши мумкин эмас.

Судъя судъяларниңг тегишли малака ҳайъатининг розилигисиз маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

### **2.2.1. Жиноий-хуқуқий соҳани либераллаштириш борасидаги ислоҳотлар**

«Инсон хукуклари умумжахон Декларацияси<sup>1</sup> «нинг<sup>2</sup> 3-моддасида қўйидаги хуқуқий норма белгилаб қўйилган:

*«Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик хуқуқларига эгадир»<sup>3</sup>.*

«Фуқаролик ва сиёсий хукуклар тўғрисида халқаро Пакт»нинг<sup>1</sup> 6-моддаси 1-бандида эса ушбу норма мустаҳкамлаб қўйилган:

<sup>1</sup> «Декларация» сўзи французча *declaration* – «баёнот» деган маънioni билдиради. Декларация – алоҳида сиёсий-хукуқий хујжатларниңг уларга тантанали хусусият бериш, уларниңг давлат тақдирни учун катта аҳамиятни таъкидлаш мақсадига эга бўлган номи.

<sup>2</sup> «Инсон хукуклари умумжахон Декларацияси» 1948 йил 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеси томонидан қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро хујжатга 1991 йилнинг 30 сентябрда қўшилди. «Инсон хукуклари умумжахон Декларацияси» – Ўзбекистон қўшилган биринчи халқаро хујжатdir. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон Конституциясида таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг «инсон хукукларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини» (Муқаддисдан) тасдиқлади.

<sup>3</sup> Инсон хукуклари бўйича халқаро шартномалар: тўплам/Ўзбекча нашрнинг масъул мухаррири А.Х. Сандов. – Т.: Адолат, 2004, 32-б.

«Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаидан маҳрум қила олмайди»<sup>2</sup>.

Юқорида номлари тилга олинган халқаро шартномаларнинг тегишли қоидалари Ўзбекистон Конституциясида ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Конституциясининг 24-моддасида қуйидаги ҳуқуқий нормани ўқиймиз:

«Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига сунқасдан қилиши энг оғир жиноятидор»<sup>3</sup>.

2005 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланган ўлим жазосини умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо билан алмаштириш масаласи кун тартибига кўйилди. Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди.

«Хабеас корпус» институти жорий этилди, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуки прокурордан судга ўтказилди. Ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига 2001 йилдан бошлаб ярашув институти киритилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда.

## 2.2.2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасидаги ислоҳотлар

Прокуратуранинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, уларнинг қонуний манбаатларига риоя этилишини таъминлаш учун масъулияти оширилди. Суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуки прокуратура ваколатлари доирасидан чиқарилди.

<sup>1</sup> «Фуқаролар ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт» 1966 йил 19 декабрда, БМТ Бон Ассамблейсининг XXI сессиясида кабул қилинган. У 1976 йилда БМТга аъзо бўлган 35 давлат ратифиқация қўлгасидан сўнг кучга кирди. Ўзбекистон Республикасида мазкур Пактга кўндилиш тўғрисида 1995 йил 31 августда қарор қабул қилинди ва бу қарор ўща йилнинг 28 декабряда кучга кирди.

<sup>2</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам /Ўзбекча нашрийнинг масъул мухаррири А.Х. Сандов. – Т.: Адолат, 2004, 39-б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 7-б.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимиdir.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси худудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқук ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриклидиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.


Прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил этади ҳамда қуий турувчи прокурорлар юкори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсуниши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатади.

Юкори турувчи прокурор қуий турувчи прокурорга кўрсатмалар беришга ёхуд унинг ҳар қандай, шу жумладан, процессуал қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақлидир, шунингдек, у ўз бўйсунувидаги барча прокурорларнинг ишлари тўғри ташкил этилиши учун тўлиқ жавобгардир.

Прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонунларнинг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекиниш, қандай асосларга кўра қилинишидан қатъи назар, қонунийликни бузиш деб ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган холда амалга оширадилар. Прокуратура органларининг фаолиятига аралашиб тақиқланади.

## ПРОКУРАТУРА



*16-расм. Прокуратура тизими ва прокурорларнинг тайинланиши*

Прокурорнинг ғайриконуний карор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик

қилиш, унинг дахлсизлигига тажовуз қилиш, шунингдек, прокурор ёки терговчининг рухсатисиз текширишлар ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорларининг хамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ваколат муддати беш йил.

### **2.3. Ахборот соҳасини ислоҳ этиши – демократик жамият асосларини барпо этишининг муҳим шарти**

Ўзбекистон Конституциясининг XV боби «Оммавий ахборот воситалари»га бағишлиланган бўлиб, ўз ичига битта – 67-моддани олади. Унда «*Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардиrlар. Цензурага йўл қўйилмайди*»<sup>1</sup> дейилади. Кейинги 10 йил ичида ОАВ фаолиятига бевосита даҳлдор бўлган ўнга яқин қонун хужжатлари («Ахборот эркинлиги тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида» қонун, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» қонун, «Телекоммуникациялар тўғрисида» қонун, «Реклама тўғрисида» қонун ва бошқалар) қабул қилинди. Ана шунда қонун хужжатлари асосида мамлакатимизда ОАВ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш имкони яратилди.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, охирги 10 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз Эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-хукуқий чора-тадбирлар амалга оширилди»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 13-б.

<sup>2</sup> Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг кўпма мажлисиидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябр. – Т.: Ўзбекистон, 2010, 10-б.

Кейинги 10 йил ичидаги мамлакатимизда фаолият юритаётган ОАВнинг сони 1,5 баробар, электрон ОАВнинг сони эса 7 баробар кўпайиб, уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат ОАВ ҳисобланади. ОАВ Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради<sup>1</sup>.

Ўтган йиллар мобайнида ОАВ фаолиятида туб ўзгаришлар амалга оширилди<sup>2</sup>. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи хукукий асослар яратилди. Бу йўналишда қўйидаги қонун хужжатларини тилга олиш мумкин: «Ноширлик фаолияти тўғрисида» (1996), «Муаллифлик хукуки ва турдош хуқуқлар тўғрисида» (1996), «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (1997), «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» (1997) каби қонунлар.

*Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш бўйича қўйидаги умумий холосага келиши мумкин:*

1. Давлат ҳокимиятининг конституциявий бўлиниш тамойили янада демократлаштирилмоқда.

2. Марказий изро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари, маъмурий органлар ваколатлари, давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги роли камайтирилмоқда.

3. Бошқарув соҳасидаги марказлаштириш чекланмоқда.

4. 2007 йилда Ўзбекистон Конституцияси 89-моддасига тузатишлар киритилди. Президент – давлат бошлиғи ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши, ҳамкорлиги таъминланмоқда.

5. Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозими тугатилиб, Баш вазир лавозими жорий қилинди ва бу жараён янада либераллаштирилмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 28-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И. Мамлакатимизда демократия ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролар жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг кўшима мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2010, 30-б.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 13-б.

<sup>2</sup> Мирзо F., Ҳидиров С.М. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва оммавий ахборот воситалари/Масъул мухаррир: ю.ф.д., проф. А.Х. Саидов. – Т.: ТДОИ нашриёти, 2005, 13-б.

6. Давлат ҳокимиятининг 3 та субъекти: давлат бошлиги бўлган Президент, конун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги тақсимланиш янада мустаҳкамланмоқда.

7. Сиёсий тизимни модернизация қилиш, ислоҳ этиш ва демократлаширишнинг янги босқичига қадам қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида Президент томонидан Бош вазир лавозимиға номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлаш демократик тамойилнинг янги тартиби ўрнатилмоқда. Олий Мажлисга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш хуқуки берилмоқда.

8. Бош вазир номзоди Президент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши белгиланиб, хукumatга нисбатан ишончсизлик вотуми институти жорий этилмоқда.

9. Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш хуқуки Президент ваколатидан чиқарилмоқда.

10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 96-моддасининг янги таҳририга кўра, Президентнинг вазифа ва ваколатлариға доир янги таклифлар асосида 78- ва 93-моддаларга тегишли ўзгартишлар киритиш белгилаб берилди.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамаси Мажлисларида раислик қилишга ҳақли.

12. Мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз ваколатларини бажара олмайдиган ҳолатда унинг вазифа ва ваколатлари вактинча Олий Мажлис Сенати раиси зиммасига юклатилади ҳамда бунда уч ой ичидаги қонунга мувофиқ Президентлик сайлови ўтказилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Бош прокурори, Ҳисоб палатаси раисини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қиласи ҳамда Олий Мажлис Сенати тасдигига киритади.

14. Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Бош вазир тақдимиға кўра, Президент томонидан тасдиқланади.

## **III боб. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР**

---

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида хизмат қилаётган қонунлардан қуйидаги баъзиларини тилга олишимиз мумкин: «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида» қонун, «Касаба уюшмалари, уларнинг хукуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» қонун, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» қонун, «Сиёсий партиялар тўғрисида» қонун, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида» қонун, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» қонун, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» қонун ва бошқалар.

Ана шундай хукуқий асосларнинг яратилиши нафақат мамлакатимиз миллий қонунчилик тизимида жамоат ташкилотларининг фаолиятига оид ижтимоий муносабатларни хукукий тартибга солишнинг мустақил соҳасини юзага келишига олиб келди, балки унга тизимлилик тусини берди. Юқоридагилар билан бирга, жамоат ташкилотларининг хукуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар ўз ичига конституциявий, фуқаролик, маъмурий, жиноий хукук меъёрларини қамраб олувчи бутун қонунчилик тизимининг шаклланишига ҳам имконият туғдирди.

### **3.1. Фуқаролик жамияти институтлари ва уларнинг хукуқий асослари**

*Фуқаролик жамияти институтлари.* Ўзбекистонда кейинги ўн йилда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари жадал шаклланди ва ривожланди. Улар мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари томонидан қўллаб-кувватланмокда. Шунинг учун ҳам фуқаролик

институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти борган сари ошиб бормоқда. Чунки улар демократик қадриятлар, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манбаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб бормоқда, фуқароларнинг ўз иктидорларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иктисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятимизда турли манбаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиб боргани сари уларнинг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги фаоллиги янада кучайиб бормоқда. Айтиш мумкинки, жамоатчилик назоратининг таъсирчанлиги боис кишилар қалбида ва онгида жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган туб ижобий ўзгаришларга нисбатан кечеётган хайрихохлик ва бирдамлик кайфияти фаоллашмоқда.

*Фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асослари.* Фуқаролик жамияти институтларининг ташкил этилиши ва фаолият юритишининг ҳуқуқий асосларининг ўзаги сифатида даставвал Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тилга олиш ўринлидир. Президентимиз ибораси билан айтганда, «мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ёқ Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий тамойилларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши барча аҳоли қатламлари манбаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармокларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII боби жамоат бирлашмалари фаолиятининг конституциявий асосларига багишланган. Мазкур бобда жамоат ташкилотларининг турлари, фаолият кўрсатиш тартиби, уларнинг давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларига нисбатан мустақил эканлиги каби тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилган.

<sup>1</sup> Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчиллик палатаси ва Сенатининг қўшима мажлиси даги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2010, 42-б.

Хусусан, Конституциянинг 56-моддасида белгиланганидек, «Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади».

Фуқаролар йигини биринчи марта ўзини ўзи бошқариш органи сифатида Конституцияда эътироф этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида ушбу хуқукий меъёр белгиланди:

«Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 34-моддаси Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш хуқукига эга эканлигини эътироф этиш билан бирга, сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг хукуqlари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмаслигини белгилаб қўйилган.

Асосий қонуннинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мағкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши ҳамда ҳеч қайси мағкура давлат мағкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги конституциявий тамойил ўз ифодасини топган.

Бирлашишга бўлган конституциявий хукуқ ёки халқаро хужжатлар терминологияси билан айтганда, бошқалар билан бирга муайян ассоциацияларга уюшишга бўлган хукуқ ўз ичига фуқароларнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш ва умумий мақсадларга биргаликда эришиш асосида ихтиёрий равишда тузиладиган жамоат ташкилотларининг ташкил этиш хукуқини ҳамда мавжуд жамоат ташкилотларига кириш ёки ундан чиқиш хукуқини қамраб олади.



18-расм. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-хукуқий шакллари

Муайян жамоат ташкилоти фаолиятида қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳар бир фуқаронинг шахсий иши ҳисобланади. Фуқароларни жамоат ташкилотига аъзо бўлиб киришга мажбурий тарзда ундаш ёки ундан чиқишига тўсқинлик қилиш хукуқка зид фаолият деб тан олинади. Бундан ташкари,

Конституциянинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳукуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканликлари белгилаб қўйилган.

Асосий қонуннинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳукукига эга эканлиги эътироф этилган.

Шу билан бирга, жамоат ташкилотларига уюшиш эркинлиги муайян чегаралар доирасида амалга оширилади. Бунда мазкур ҳукуқдан жамиятга қарши мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳукуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, иркий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, ҳалқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши, фаолияти ҳамда махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

«Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида» қонун қабул килиниши керак. Бу қонуннинг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун хужжатларининг ижро этилиши устидан фуқаролик жамияти институтларининг назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳукукий механизмини яратиш бўлиши лозим. Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида қўйидагилар белгилаб қўйилиши даркор: жамоатчилик назоратининг турлари; жамоатчилик назоратининг шакллари; жамоатчилик назоратининг субъектлари; жамоатчилик назоратининг предмети; жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг

хуқукий механизмлари; мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартлари ва бошқалар.

Фуқаролик жамияти асосларини яратиш билан бевосита боғлиқ бўлган масалалардан бири – инсон хуқуқлари ва эркинликларининг самарали таъминланиши масаласидир. Шу муносабат билан Инсон хуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиши фурсати етганини таъкидлаш навбатдаги таклиф баёноти сифатида майдонга чиқади. Ушбу дастур, аввало, хуқукни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига ўз зиммаларига юклатилган вазифаларига алоҳида масъулият билан ёндашиш лозимлигини уқтириш билан бирга бу вазифанинг қандай тарзда назоратга олинишини ҳам кўрсатиб беради. Бунда тегишли органларнинг инсон хуқуқлари соҳасида ҳимояни қанчалик йўлга қўйганликларини аниклаш мақсадида жамоатчилик мониторингининг амалга оширилиши кўзда тутилади. Дастур айнан ана шу соҳадаги чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамият ва давлат қурилиши, худудларда ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари хуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутувчи тегишли меъёрлар киритилиши фуқаролик жамияти барпо этилишининг асоси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу билан бир каторда нодавлат нотижорат ташкилотларининг қўйидаги масалалар юзасидан ҳам фаол иштирокининг асосларини кўзда тутувчи қонун ҳужжатлари мажмуини ишлаб чиқиши лозим: соғлиқни сақлаш масалалари; атроф-мухитни муҳофаза килиш масалалари; аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масалалари; ижтимоий ҳимоя муҳтоҷ қатламларни қўллаб-қувватлаш масалалари; катта ижтимоий аҳамиятга молик бошқа масалалар.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятларини амалга оширишда экологик назорат муҳим ўрин тутади. Экологик назоратни амалга ошириш жамоат ташкилотлари экологик функциясининг таркибий қисмидир. Экологик-хуқуқий механизмнинг ушбу функцияси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида жамоат ташкилотлари фаолиятини амалга оширишнинг зарурый элементи сифатида юзага келган.

Экологик назоратнинг мақсадлари экологик ҳавфсизликни таъминлаш хўжалик ёки бошқа фаолиятнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга заарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишdir. Улар турли ташкилий-хуқуқий усуллар билан амалга оширилади. Кўйидагилар шулар жумласига киради: атроф табиий муҳит ҳамда унинг алоҳида объектларининг ҳолатини кузатиб бориш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик ҳавфсизликни таъминлаш борасидаги тадбирларнинг бажарилишини текшириш ва умумлаштириш; экологик қонунчилик меъёр ва талаблари ижросини текшириш; юридик ва жисмоний шахслар юритадиган экологик заарли фаолиятнинг олдини олиш, чеклаш, тўхтатиб қўйиш ҳамда тугатиш йўли билан экологик заарли фаолиятнинг олдини олиш ва уни баҳолаш; табиатдан маҳсус фойдаланиш лицензияларида (руҳксатномаларида), шартномаларда айтиб ўтилган шартларнинг бажарилишини текшириш ва лицензия бериш; экологик қоида-талабларни бузган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан маъмурий-хуқуқий жавобгарлик чораларини кўллаш.

Экологик назорат объектлари нуктаи назаридан жамоат ташкилотларининг экологик назоратини қўйидаги турларга ажратиш мумкин: атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш; ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш; сувларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш; ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш.

Экологик назоратнинг мақсадлари ҳамда вазифалари атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона

фойдаланиш борасидаги давлат функциясининг умумий вазифаларига ҳамоҳангдир. Шу билан бирга, экологик назорат объеклари, шакллари ва усуллари ўзига хос жиҳатларга эгадир.

### **3.1.1. Сайловлар ва сиёсий партиялар**

*Сайловлар* – фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси сайлов қонунчилигининг юридик пойдевори ҳисобланади. Ўзбекистон Конституциясига атиги бир модда (117-модда)ни ўз ичига олган маҳсус боб киритилган бўлиб, у «Сайлов тизими» деб аталади. Ана шу мoddанинг биринчи қисмида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш хукуқига эга. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш хукуки, ўз хошигиродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади».

Шу ўринда муҳим бир фактни эслаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш ва муҳокама қилиш жараёнида бир катор хорижлик хукуқшунослар Асосий қонунга сайлов тизими тӯғрисидаги бобни киритмасликни таклиф этишган эди.<sup>1</sup> Лекин Ўзбекистон Конституциясига «Сайлов тизими» деб номланган XXIII боб киритилди. Бунинг бир катор сабаблари бор эди, албатта. Ушбу сабаблар:

1) Сайлов тизими тамойилларининг конституциявий мустаҳкамланиши сайлов хукуқи бўйича умумэътироф этилган халқаро стандартларга риоя қилинишини кафолатлайди.

2) Конституциявий меъёрлар сайловлар ҳақидаги қонунлар учун асос вазифасини ўтайди. Шундай қилиб, Конституция – сайлов тизимининг ўзагини ташкил этади.

<sup>1</sup> Сайдов А.Х. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва сайлов тизими. /Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. – Т.: ТДКОИ нашриёти, 2005, 3-б.

Бу ўринда нима учун сўз сайловлар ва сайлов қонунчилиги хақида кетмоқда? Бунинг сабаби шундаки, сайловлар бевосита сиёсий партиялар билан боғлик ҳолда кечадиган жараёнлардир. Конституциянинг «Жамоат бирлашмалари» деб ном олган XIII боби ўз ичига 7 та моддани (56 – 62-моддаларни) қамраб олган бўлиб, унинг 60-моддасида сиёсий партиялар борасида қуидаги меъёр белгиланган: «*Сиёсий партиялар турли табака ва гурухларнинг сиёсий иродасини ифодалайтилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминланниш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар.*». Сиёсий партиялар эса фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири саналади.

Сайлов хукуки ибораси икки маънода қўлланилади. Биринчидан, сайлов хукуки – сайланадиган давлат органларини шакллантириш қоидаларини тартибга солувчи юридик меъёрлар тизимиdir. Сайлов хукукининг манбалари қуидагилар ҳисобланади: Конституция, олий ва маҳаллий давлат вакиллик органларига сайловлар тўғрисидаги қонунлар. Иккинчидан, сайлов хукуки – бу фуқароларнинг сайланадиган органлар ташкил этилишида иштирок этиш, яъни улар таркибига сайлаш (фаол сайлов хукуки) ва сайланиш (пассив сайлов хукуки) хукуқидир<sup>1</sup>.

Сайлов хукуки бутун дунёда умумэътироф этилган энг муҳим ва конституциявий сиёсий хукуклардан биридир<sup>2</sup>. Сайлов тизими фуқаролик жамиятида давлат вакиллик органларининг сайланиши билан боғлик тарзда юзага келадиган давлат-ижтимоий муносабатлар тизимиdir<sup>3</sup>. Сайлов тизими ибораси ким депутатлик мандатига номзодлар кўрсатиши, депутатни сайлаш учун сайловчиларнинг қанча

<sup>1</sup> Сайдов А.Х. Избирательное право в Республике Узбекистан: вопросы реформы, законодательство и зарубежный опыт (юридические и политологические заметки). – Т.: Ўзбекистон, 1993, 5-б.

<sup>2</sup> Мустафоев Б. Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги. – Т.: ТДСИ, 2004, 3-б.

<sup>3</sup> Сайдов А.Х. Избирательное право в Республике Узбекистан: вопросы реформы, законодательство и зарубежный опыт (юридические и политологические заметки). – Т.: Ўзбекистон, 1993, 5-б.

овози зарурлиги, номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ўртасида депутатлар мандатлари қандай тақсимланиши билан боғлик тарзда сайлов натижаларини аниқлашни ҳам англатади. Шу маънода сайлов тизими – сайланадиган давлат органида овоз беришнинг натижалари билан боғлик тарзда мандатларни тақсимлаш усулидир<sup>1</sup>.

Сайлов тизимлари юксак сиёсий аҳамият касб этади, чунки улар, аввало, сайлананаётган органнинг таркибига, партия тизимининг тузилишига, фуқаролар фикр ва хошигистакларининг шаклланишига манфаатлари бир бўлган жамоаларнинг тутган ўрни ва сиёсий маданиятга таъсир кўрсатади. Сайлов тизимларини асосан куйидагиларга бўлиш мумкин:

- Мажоритар сайлов тизими;
- Пропорционал сайлов тизими.

Бу икки сайлов тизими бир-биридан сайловчилар томонидан берилган овозларнинг қай тарзда мандатларни қўлга киритиши билан фарқ килади.

Мажоритар сайлов тизимида турли партиялардан кўрсатилган алоҳида номзодлар сайлов округларида ўзаро рақобат қиласидилар. Номзодлар сони депутатларнинг бутун сонига мувофиқ келади. Бу тизим кучли, ҳар томонлама қобилиятли партияларга кенг имкониятлар яратади. Бу сайлов тизимининг ёрқин намуналаридан бири Буюк Британиядир. Бу ерда кичик партияларнинг вакиллари парламентда деярли учрамайди. Бунда номзодлар ўз сайловчиларига жуда яқин бўладилар. Бу сайлов тизимини шартли равишда «*шахсни сайлавчи тизими*» деб ҳам аташ мумкин.

Мажоритар сайлов тизимига кўра, маълум сайлов округида энг кўп овозларни тўплаган номзодлар парламент депутатлигига сайланадилар. Бутун сайлов худудида овозларнинг 10 фоизини тўплаган партия парламентда ўз депутатларига эга бўла олмайди, чунки у тегишли сайлов округида кўпчилик овозни тўплай олмаган. Мажоритар сайлов

<sup>1</sup> Сайдов А.Х. Избирательное право в Республике Узбекистан: вопросы реформы, законодательство и зарубежный опыт (юридические и политологические заметки). – Т.: Узбекистон, 1993, 5-6-б.

тизими бошқа вариантларда ҳам намоён бўлиши мумкин. Мажоритар сайлов тизими бутун сайлов худудида қўлланиладиган бўлса, партияниң энг кўп овозларни тўплаган номзодлари сайланадилар, қолганлар эса қуруқ чиқиб кетадилар.

Мажоритар сайлов тизимининг икки тури мавжуд: мутлақ ва нисбий. Мажоритар сайлов тизими бўйича ҳар бир сайловчи фақат бир овозга эга ва овозларниң 50 фойиздан кўпроғини олган (мутлақ мажоритар сайлов тизими) ёки рақибига нисбатан кўп овоз олган (нисбий мажоритар сайлов тизими) номзод депутат этиб сайланган ҳолда парламент аъзолари таркибиغا киради. Шу ўринда мажоритар сайлов тизимининг камчилиги намоён бўлади – озчиликни ташкил этувчилар вакиллик органига сайланмайдилар. Лекин айни вақтда овозларниң кўпчилигини олган номзод депутат бўлади.

Шу билан бирга бу тизимнинг устунлик томони ҳам мавжуд: парламент барқарор кўпчиликдан ташкил топади. Сабаби шундаки, бирон-бир партия мамлакат бўйича овозларниң 51 фойизни қўлга киритса, у парламентдаги барча овозларниң 100 фойизни олади. Чунки қолган барча овозлар инобатга олинмайди. Бундан келиб чиқувчи хулоса шундаки, иложи борича кўпроқ сайлов округларида галабани қўлга киритиш керак бўлади.

Мажоритар сайлов тизимида сайлов худуди парламентдаги мандатлар сонига мувофиқ тарзда сайлов округларига бўлинади. Номзодлар тегишли жойдаги партиялар ёки маълум миқдордаги фуқаролар томонидан сайлов округида кўрсатилади. Сайлов округида кўрсатилган номзодларга тўғридан-тўғри овоз берилади.

Бу сайлов тизими икки партияли тизимга ва бир партияниң хукмронлигига олиб келади, бунда хукуматни шакллантириш жуда осон кечади, кучли хукумат шакллантириллади, бир ёқлама хукумат сиёсати юритилади.

Пропорционал сайлов тизимида бир партия томонидан парламентга жўнатиладиган депутатлар сони партияниң номзодлари рўйхатига берилган сайловчилар овозлари сонига

боглиқ бўлади. Ушбу сайлов тизимини шартли равища «*рўйхат бўйича сайлов тизими*» деб ҳам аташ мумкин. Бу тизимнинг афзаликларидан бири шундаки, ҳар бир сиёсий йўналиш сайловчилар томонидан уларни қўллаб-кувватлашнинг даражасига кўра парламентда ўз ўрнини топади.

Парламентга бўлган пропорционал сайловларда овозларнинг 10 фоизини, демак парламентдаги ўринларнинг 10 фоизини эгаллаган партия сайланади. Пропорционал сайлов тизимида (масалан, Италияда) ҳам фақат бир овоз берилади. Лекин бунда энг кўп овоз тўплаган партиянинг вакилларигина депутат сифатида парламент аъзолари таркибига киради. Бу тизимнинг устунлиги шундаки, камчиликни ташкил этувчилар ҳам парламентда ўз вакилларига эга бўладилар. Бироқ бу тизим парламентда нобарқарор кўпчилик ва кўплаб партияларнинг юзага келишига олиб келади, чунки парламентда ўз вакилларига эга бўлиш учун ҳар бир партияга оз микдордаги овозлар ҳам етарли бўлади.

Бу тизимда сайлов худуди ягона ҳисобланиб, у сайлов округлари ва шу кабиларга бўлинмайди. Ҳар бир партия ўз номзодлари кўрсатилган битта худуд ёки ўлка рўйхатини тақдим этадилар. Сайловчилар бир партияга тегишли ўлка рўйхати бўйича сайлайдилар. Партия учун берилган овозларнинг фоиздаги ҳиссаси уларнинг парламентдаги мандатлари сонига тўғри келади. Бу ҳисса номзодларга уларнинг рўйхатда эгаллаган ўрнига кўра тақсимлаб чиқилади. Пропорционал сайлов тизимнинг афзалиги шунда намоён бўладики, бу сайлов тизимида барча сайловчилар овозлари ва сайланган партиялар инобатга олинади.

Ўзбекистоннинг Асосий қонунида умумий сайлов тамойиллари тўғрисидаги нормалар белгиланган (117-модда) бўлса-да, Асосий қонунда сайлов тизими тўғрисида аниқ белгиланган хуқуқий меъёр мавжуд эмас. Асосий қонуннинг 117-моддаси сайлов учун ҳам, депутатлар учун ҳам бирламчи нормадир.

Ўзбекистон сайлов тизимининг асоси ва бирламчи манбаси сифатида дастлаб Ўзбекистон Республикасининг

Конституциясини тилга олиш ўринлидир. Асосий қонунда партиялар тўғрисида, Олий Мажлис палаталарининг ваколатлари, сайлов ҳукуки тамойиллари, Президентни сайлаш ва унинг ваколатлари ва бошқа масалалар ҳукукий тартибга солинган. Ўзбекистонда сайлов ҳукуки ва умуман сайлов билан боғлиқ масалалар Конституциядан ташқари куйидаги қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади:

- «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун (янги таҳрири), 2004 йил 27 август.
- «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонун, 1994 йил 5 май.
- «Фуқаролар сайлов ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун, 1994 йил 5 май.
- «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонун, 2004 йил 2 декабрь.
- «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгashi депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонун, 2004 йил 2 декабрь.
- «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари.

Демократик қонунийлик халқнинг сайловлардаги кенг иштироки орқали парламентдаги вакилларнинг мунтазам алмашиб туришини тақазо қиласди. Сайловларнинг мунтазамлиги демократия тамойилининг мазмунига киради. Олий Мажлис сайловларининг давомийлиги Асосий қонун 76-моддасининг 3-қисмига кўра, беш йилни ташкил этса, Ўзбекистон Президенти сайловининг давомийлиги Конституция 90-моддасининг 2-қисмига кўра, етти йилни ташкил этади. Бу ҳукукий меъёрни ўзгартириш Асосий қонунни ўзгартириш орқали кечадиган жараёндир. Сайловлар умумий, тўғридан-тўғри, эркин, teng ва яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Сайловларнинг қонунийлик ва назорат функциялари Ўзбекистон Асосий қонуни 90-моддасининг 2-қисмida ва 117-моддасида белгиланган куйидаги сайлов ҳукуқининг тамойиллари орқали кафолатланади.

## • Умумий сайлов ҳуқуки.

Мамлакат ҳар бир фуқаросининг сайловда иштирок этиши умумий сайлов ҳуқуки деб аталади. Ягона умумий чеклов – сайлов ёшига етишдир. Ахолининг барча гуруҳлари актив (фаол) ва пассив сайлов ҳуқуқига эга. Мазкур тамойилнинг мазмуни шундан иборатки, давлатнинг барча фуқаролари жинси, даромади, ирқи, тили, миллати ва шу кабилардан қатъи назар актив ва пассив сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

*Актив сайлов ҳуқуқи* деганда, бирор шахснинг сайлаш ҳуқуқи тушунилади. Актив сайлов ҳуқуқи бўйича барча масалалар конунлар билан тартибга солинган. Кимки актив сайлов ҳуқуқига эга бўлса, у сайлаши мумкин.

*Пассив сайлов ҳуқуқи*, яъни депутатликка (ёки президентликка) сайланиш ҳуқуқига қўйидаги талабларни бажара оладиган барча шахслар эгадирлар: шахс 21 ёшга тўлган бўлиши (маҳаллий Кенгаш депутатлигига), Асосий қонуннинг 77-моддаси тўртинчи қисмида белгилангани бўйича 25 ёшга тўлган бўлиши ва Ўзбекистон ҳудудида сайлов кунига қадар камида беш йил муқим яшаган бўлиши (депутат ёки сенатор бўлиш учун), 90-модданинг биринчи қисми бўйича 35 ёшдан кичик бўлмаслиги, давлат тилини яхши билиши ва сайловгача Ўзбекистон ҳудудида камида 10 йил муқим яшаётган бўлиши (Президент сайловида) лозим.

## • Тўғридан-тўғри (бевосита) сайлов ҳуқуки.

Бевосита ёки тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуки деганда, сайловчиларнинг ўзлари томонидан номзодларни тўғридан-тўғри сайлашлари тушунилади. Ўзбекистонда сайловлар тўғридан-тўғри сайловлар асосида амалга оширилади. Мазкур тамойилнинг мазмуни шундан иборатки, сайловчи ўзи хоҳлаган номзодни бевосита сайлайди, яъни ўзи танлаган номзодга (ўртада турувчи ўзга шахслар орқали сайламасдан) тўғридан-тўғри овоз беради. Буни депутатларни сайлашда ўртада турувчи шахслар тизимининг тақиқланиши деб тушунса бўлади. Билвосита сайлов ҳуқуқида сайлов натижалари бирор лавозимнинг тўғридан-тўғри эгалланишига олиб келмайди. Сайловчилар дастлаб маълум шахсларни сайлайдилар. Бунга

мисол қилиб Америка Қўшма Штатларини келтириш мумкин. Бунда сайловчи-фукаролар дастлаб тегишли шахслардан иборат сайловчилар жамоасини сайлайди ва бу жамоа эса ўз навбатида, АҚШ Президентини сайлайди.

#### • Эркин сайлов хуқуқи.

Маълум партия ёки маълум шахсга овоз беришда сайловчига ҳеч бир тарзда ва ҳеч бир томондан босим ўтказиш мумкин эмас. Бундан ташқари сайловчи турли дастурларга эга бўлган бир қанча мустақил партиялар ва номзодлар орасидан ўзи танлай олиш имкониятига эга бўлиши лозим. Овоз берувчиларнинг кимга овоз берадиганликларини назорат қилиш мумкин эмас. Ўзбекистонда бўладиган сайловларда овоз бериш мажбурияти мавжуд эмас. Сайловда иштирок этиш хуқукига эга бўлган фуқаро, агар сайловда иштирок этмаса, жазога тортилмайди. Баъзи давлатларда, масалан, Европа Иттифоқининг бир қатор аъзо-давлатларида фуқароларнинг сайловларда иштирок этиш мажбурияти бор.

Австриянинг «Федерал конституциявий қонун»ининг 26-моддаси, 1-қисмининг иккинчи гапида «Ўлка қонуни билан белгиланган Федерация ўлкаларида сайловларда иштирок этиш мажбурияти мавжуд»<sup>1</sup> дейилган. Бельгия Конституциясининг 62-моддаси иккинчи қисмида: «Овоз бериш мажбурий ва яшириндир. У, қонунларда белгиланган истисно ҳоллардан ташқари, коммунада бўлиб ўтади», деган хуқукий норма белгилаб қўйилган<sup>2</sup>. Люксембург Конституциясининг 51-моддаси бешинчи қисмида «Депутатлар сўзсиз умумий сайлов хукуки асосида сайланадилар»<sup>3</sup> дейилган бўлса, Греция Конституциясининг 51-моддаси бешинчи қисмида «Овоз бериш

<sup>1</sup> Конституции мира: Сборник конституций государств мира. Т.1./Составители и авторы введения, вступительных статей У. Таджикханов и А.Х. Сандов. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997, стр. 65.

<sup>2</sup> Конституции мира: Сборник конституций государств мира. Т.6./Составители и авторы введения, вступительных статей У. Таджикханов и А.Х. Сандов. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998, стр. 18.

<sup>3</sup> Конституции мира: Сборник конституций государств мира. Т.6./Составители и авторы введения, вступительных статей У. Таджикханов и А.Х. Сандов. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998, стр. 152.

мажбурийдир»<sup>1</sup> дейилган. Бу давлатларда фаол сайлов хукуқидан фойдаланмаган ва бунинг учун етарли сабаблари мавжуд бўлмаган фуқаролар жарима тўлайдилар.

#### • Тенг сайлов ҳукуқи.

Бу тамойилга бутун сайлов жараёнида барча партиялар, номзодлар ва сайловчилар амал қиласидилар ҳамда овозларни ҳисоблашда ҳам мазкур тамойилга таянилади. Ҳар бир сайловчи тенг – бир овозга эга (117-модда, 1-кисм). Бундан ташқари сайловнинг тенглиги овозлар имконияти тенглигини ҳам англатади, яъни парламентдаги ўринларни тақсимлашда берилган ҳар бир овоз тенг ҳисобга олиниши лозим. Ҳар бир овоз тенг ҳисобланади, яъни ҳар бир овоз тенг кимматга эга ва тенг баҳоланади. Бу эса классик сайлов ҳукуқининг тақиқланишини англатади.

Асосий қонун 117-моддасининг 2-қисмida сайлов ҳукуқининг тамойиллари қаторида тенг сайлов ҳукуқи ҳам ёритилган: «*Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳукуқи асосида яширин овоз берииш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлави ҳукуқига эгадирлар*».

Бунда сайловлардаги тенглик, яъни сайлов ҳукуки тенглиги кафолатланган. Бу аввало фуқаролар томонидан қаралганда, актив сайлов ҳукуқида берилган овозларнинг тенг ҳисобланишини англатади. Ҳар бир фуқаро тенг овоз сонига эга.


Сайлов ҳукуки тенглиги пассив сайлов ҳукуқини ҳам қамраб олади. Тенг сайлов ҳукуки фуқароларга (сайловчиларга) нисбатан ҳам, сиёсий партияларга нисбатан ҳам тенг юридик аҳамиятга эга. Овозларнинг тенг ҳисобланиши тенг катталиқдаги сайлов округларини тузишни ҳам қамраб олади. Бунинг натижасида ҳар бир депутат бир хил (тенг) микдордаги сайловчилар манфаатини ҳимоя қилиш имконияти яратилади.

<sup>1</sup> Конституции мира: Сборник конституций государств мира. Т.2./Составители и авторы введение, вступительных статей У. Таджикханов и А.Х. Саидов. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997, стр. 36.

Шунга кўра аҳоли сонининг турлича ўзгаришига қараб сайлов округларини янгидан ташкил этиш амалга оширилади.

- **Яширин овоз бериш хукуки.**

Яширин сайлов хукуқининг мазмуни шундан иборатки, маълум бир сайловчининг қандай ва кимни сайдаганлигини назорат қилиш мумкин эмас. Бир хил кўринишга эга бўлган сайлов бюллетени, сайлов хоналари, мухрланган сайлов қутилари ва шу кабилар овоз бериш жараёнида назорат қилинмайди ва кузатилмайди. Сайловчига таъсир ўтказилмаслиги учун сайловчи яширин тарзда овоз беради.



17-расм. Сайлов хукуқининг тамойиллари

Ўзбекистон сайлов қонунчилиги тараққиётида учта асосий босқични ажратиб кўрсатадилар<sup>1</sup>.

1-босқич Конституциянинг қабул қилинишидан Олий Мажлиснинг амалда шакллангунича бўлган даврни ўз ичига олади (1992 йилнинг 8 декабридан 1995 йилнинг январигача). Бу босқичда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида» қонун (1993.23.12.) қабул қилинди. Ислоҳотларнинг ўша босқичида дунёда мавжуд кўп партияли сайловларни ташкил этиш тажрибаси ўрганилиб, юқори номи тилга олинган қонунда ўз аксини топди. Бу босқич яна бир муҳим хужжатнинг қабул қилинганлиги билан ҳам

<sup>1</sup> Сайдоғов А.Х. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва сайлов тизими. Масъул мухаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. – Т.: ТДҶОИ наприёти, 2005, 5-б.

ифодаланади. Бу «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонундир (1994.05.05.). Мазкур қонун халқаро ҳуқук нормаларида стандарт сифатида акс эттирилган сайловчиларнинг ўз хоҳиш-истакларини эркин ифода этиш каби муҳим қатъий меъёрни мустаҳкамлади. 1994 йилда мамлакатимизда кўп партиявийлик асосида парламентта сайловлар бўлиб ўтди. Сайлов натижаларига кўра, 1-чакириқ Олий Мажлис таркибида учта йирик сиёсий партияниң фракцияси фаолият юритадиган бўлди.

2-босқич сайлов қонунчилиги тараққиётидаги 1995–2000 йилларни ўз ичига қамраб олади. Бу даврда қатор амалий ишлар қилинди. Хусусан, «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши (1998.30.04.) асосида бундай Комиссиянинг ташкил этилиши асослантирилди. Ўзбекистон сайлов тарихида биринчи бор Марказий сайлов комиссияси тузилди.

1996 йилнинг декабрида «Сиёсий партиялар тўғрисида» қонун қабул қилинди. Мазкур қонун 1999 йилда мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга бўлган сайловларда ўта муҳим роль ўйнади. Сиёсий партиялар тобора тобланиб бораётган кенг рақобат майдонига айланган курашга чиқдилар. Бунинг натижасида эса тажрибали ва муносиб номзодларнинг партия сафларидан отилиб чиқишлирага замин ҳозирланди.

Ғарб сайлов тизимида, масалан, Германия Бундестагига сайловлар жараёнида «беш фоизлик тўсик» амал қиласди. Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги тараққиётининг иккинчи босқичида мавжуд бўлган «беш фоизлик тўсик» чиқариб ташланди. Бу ҳам сайловларнинг янада демократлашувига замин ҳозирлаган омиллардан бири бўлди.

3-босқичнинг асосий мақсадини мамлакатимизда парламентнинг икки палатали парламентга айлантирилиши ташкил этди. 2004 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, 2005 йил 17-20 январь кунлари эса Олий Мажлиснинг Сенатига сайловлар бўлиб ўтди. 2005 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси

йиллигига бағишланган құшма мажлисіда қылған маърузада.<sup>1</sup> Мазкур вазифаны ҳал этиш мақсадың парламенттегі күйчилик ва парламенттегі мухолифат макомини қонуний тарзда белгилаш борасыда, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларини Қонунчилік палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш бүйіча ташкилий-хуқуқий чоралар күрилганды. Бу ўринде гап «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш түғрисіда»ғи конституциявий қонуннинг кабул қилингандығы хусусида бормоқда.

Демократия – халқ ҳокимияти, яғни давлат ҳокимияттінинг манбаи халқдир. Демократия – халқ орқали амалга ошириладын ҳокимият, яғни давлат ҳокимияттін рүёбга чиқариш халқ орқали кечадын жараёндир. Демократия – халқ учун ҳокимият, яғни халқ манфаатлари йўлида амалга ошириладын ҳокимияттадир. Буларнинг барчаси шахсларни сайлаш ёки лавозимидан озод этиш, тегишли масалаларни овозга қўйиш орқали рүёбга чиқарилади.

Умумий, сайловлар жамияттинг тузилиши, сиёсий тизим (бошқарув тизими) ва партия тизимига ўз таъсирини кўрсатади.

### **3.1.2. Нодавлат нотижорат ташкилотлари**

Биз фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қылған эканмиз, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, фондларнинг аҳамияти ортиб бораверади. Сўнгги йилларда «Жамоат фондлари түғрисіда»ғи қонун ва «Хомийлик түғрисіда»ғи қонун, Ўзбекистон Республикаси Президенттинг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияты институтлари ривожланишига кўмаклашиш чоратадбирлари түғрисіда»ғи қарори ва бошқа тегишли хужжатлар қабул қилинди ва улар фуқаролик жамияты институтларининг ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил воситасини

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустакил тараққиёт йўли: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустакиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўпма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август.

ўтамоқда. «Атрофимиздаги ҳавони ҳеч ким ҳис қилмайди, унинг йўқ бўлиши эса бирданига сезилади. Касаба ўюшмалари ҳакида ҳам шундай дейиш мумкин»<sup>1</sup>.

Республикамизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг янада жадал ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори муҳим аҳамият касб этди.

Жамоат ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги ижобий жараёнларнинг тамал тоши сифатида 1991 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунини кўрсатиб ўтиш мумкин. Мазкур қонунда илк маротаба жамоат бирлашмаси (ташкилоти) институтига ҳуқуқий таъриф берилиши билан бирга, уни ташкил этиш мақсади, фаолияти тамойиллари ҳамда ҳуқук ва мажбуриятлар доираси белгилаб берилди. Қонунда белгилаб қўйилган шакллардаги ҳар қандай жамоат ташкилотини камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузиш тартиби мустаҳкамлаб қўйилди<sup>2</sup>.

Ушбу қонунга мустақиллик йилларида киритилган бир катор ўзгартиришлар баробарида жамиятда олиб борилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси ҳам кенгайиб борди. Қонунга биноан, улар ўзларининг ички тузилмасини, мақсади, фаолият олиб бориш шакли ва усулларини танлашда ҳамда уставларини қабул қилишда мустақил эканликлари белгилаб қўйилди.

Жамоат ташкилотлари манфаатларига дахлдор бўлган масалалар давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз ўзини бошқариш органлари томонидан тегишли жамоат ташкилотлари иштироқи ёки келишуви асосида ҳал этиладиган бўлди. Шу билан бирга,

<sup>1</sup> Соколов Е.А. Мехнат ва ҳуқуқ ёки корхоналар ходимлари ўз меҳнат ҳуқуқи ва кафолатларини қандаи ҳимоя килипчилари керак: Ахоли учун юридик қўлланма. / Масъул мухаррар: Ф.Ю. Хамидов; таржимон Ҳ.М. Нишонов/. – Т.: Turon-Iqbol, 2009, 455-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ти қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991. – № 4, 76-модда.

давлат жамоат ташкилотларининг қонуний манфаатлари ва хукукларига риоя этилишини таъминлаши, уларнинг фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиши, хусусан, солик ва бошқа масалаларда имтиёзлар бериши лозимлиги белгилаб қўйилди

Шуни ҳам айтиш керакки, Президентимиз ўз маърузасида таъкидлаганидек, Олий Мажлис ҳузурида Жамоат фонди ва Парламент комиссияси ташкил этилган. Бу икки тузилманинг фаолияти ҳам самарали кечмоқда. Масалан, фақат кейинги уч йилнинг ўзида фуқаролик институтлари тақдим этган ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Жамоат фонди томонидан 11 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан Парламент комиссияси ўз таркибида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга *депутатлар<sup>1</sup>* молиявий тузилмаларнинг масъул ходимларини бирлаштирган. Мазкур комиссия фуқаролик институтларини қўллаб-куватлаш мақсадида давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни очиқ, аниқ ва ошкора йўналтиришни, бу маблағларни демократик асосда тақсимлашни амалга оширади.

Инсон ва фуқароларнинг асосий хукуқ ва эркинликлари таъминланишини амалда кенг ва тўла рўёбга чиқариш мақсадида ташкил этилган ва шу йўлда фаолият юритаётган Инсон хукуклари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман), Инсон хукуклари бўйича миллий марказ, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби бир қатор миллий институтлар ва ташкилотлар қаторида фуқаролик жамияти институтларининг янада кенгроқ таркибини яратиш алоҳида ахамият касб этмоқда. Мамлакатимизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун» ва «Нуроний» жамғармалари, «Ижод» фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат

<sup>1</sup> «Депутат» сўзи латинча *deputatus* сўзидан келтиб чиқкан бўлиб, «вакил этилган» деган маънояни билдириди

ташкилотлари самарали фаолият юритмоқда. Бироқ шу ва шунга ўхшаш фуқаролик институтларининг фаолиятини янада жонлантириш ва ривожлантириш ҳозирги куннинг ўта муҳим вазифаларидан биридир. Бундай долзарб вазифанинг бажарилиши йўлида бир қатор амалий ишлар қилинди.

Фуқаролик жамияти институтларининг ролини ва аҳамиятини оширишга ҳисса қўшаётган 200 дан ортиқ қонун хужжатлари кабул қилинди. Бироқ бу йўлда қилинадиган ишлар ҳали талайгина. Чунки бундай вазифаларнинг долзарб аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир бўлмагани ҳолда уларнинг сўзсиз ижобий ёчими ҳаётий заруратдан ўзга нарса эмас. Чунки моҳият эътибори билан фуқаролик жамияти давлатни ва унинг органлари фаолиятини назорат қиласи. Шунинг учун ҳам у зарурдир. Бу зарурат маълум асослар мавжуд бўлган тақдирдагина ўз ҳаётий ифодасини топиши мумкин.

Жамоатчилик назорати касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, истеъмолчиларнинг уюшмалари ва шу кабилар орқали амалга оширилади. Булар ҳалқнинг давлат ҳокимияти билан ўзаро мулоқотини таъминлаб берувчи «кўприк»дир. Бундай кўприкнинг мавжуд бўлиши ва унинг яхши тараққий этиши демократик, ҳукуқий давлат қуришни мақсад қилган жамият учун жуда муҳим вазифа, чунки ҳалқнинг давлат ҳокимияти билан ўзаро мулоқотининг йўлга қўйилиши демократия учун асосий омил ҳисобланади. Лекин бундай мулоқотнинг йўлга қўйилиши анча қийин масала. Бу борада давлатнинг ҳам, жамоатчиликнинг ҳам фаоллиги зарур. Мамлакатимиз раҳбарининг илгари сурган таклифлари ана шундай заруратнинг давлат томонидан амалга оширилаётган ҳаётий ифодаларидан биридир.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини «учинчи сектор» деб ҳам атайдилар. Шу ўринда айтиш керакки, «биринчи сектор» дейилганда давлат ва «иккинчи сектор» дейилганда тижорат сектори (шахсий сектор деб ҳам аталади) назарда тутилади. Республикамизда нодавлат нотижорат ташкилотларига оид Миллий ассоциация уюшмаси мавжуд.

Маълумки, ҳар қандай ташкилий тузилманинг моҳияти ва мазмуни у олиб борадиган функциялар ва фаолият йўналишларида ёрқин ифодаланади.

Жамоат ташкилотларининг функциялари ҳам уларнинг жамият ҳаётига нисбатан муайян фаолиятни амалга оширишлари орқали таъсир кўрсатишларида намоён бўлади, шубҳасиз. Жамоат ташкилотларда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг самараси ва давомийлигини таъминлаш борасидаги фаолиятни қуидаги йўналишлар бўйича таҳлил этиш мумкин:

*Биринчидан*, фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий институти ҳисобланадиган жамоат ташкилотларининг бирламчи ва асосий функцияси, уларнинг давлат ҳокимиютини муайян даражада чегаралаш, яъни давлат ҳокимиюти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш эканлигини эътироф этиш жоиз. Айтиш мумкинки, жамоат ташкилотларининг роли айнан демократик жараёнларнинг ривожланиш даврида уни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашда кўринади.

*Иккинчидан*, мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнида сиёсий партиялар муҳим функцияларни амалга оширадилар. Сиёсий партияларнинг асосий функцияси алоҳида олинган фуқаролар, ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатларини бирлаштириб, уларни сиёсий манфаатлар мажмуаси даражасига кўтариш, шунингдек, бу уйғунлашган манфаатларнинг жамият учун бир хилда аҳамият касб этишини таъминлай олишдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар мавжуд конституциявий хуқук меъёрлари доирасида, шунингдек, фуқароларнинг хуқук ва эркинликларига дахл қилмаган ҳолда шаклланиб келаётган сиёсий жараёнлар ва муносабатлар тамойиллари доирасида мүкобил сиёсий йўлларни ифода этувчи восита сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ҳар бир партиянинг ўз дастури ва мақсадларига мос равишда назарий, мафкуравий, сиёсий ва ташкилий

функциялари бўлиб, улар партия фаолияти ва ички ҳаётининг ажралмас қисмидир.

Учинчидан, жамоат ташкилотларининг энг оммавий шаклларидан бири ҳисобланган касаба уюшмалари жамиятнинг ижтимоий тараққиётига сезиларли даражада таъсир ўтказадилар.

Таъкидлаш жоизки, ушбу институтнинг ижтимоий жараёнлардаги таъсири факатгина меҳнат муносабатлари билан чегараланиб қолмасдан, балки ундан ҳам кенгрөк доирага каратилган.

### 3.1.3. Омбудсман

2004 йил 27 августда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳукуклари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида» конун қабул қилинди<sup>1</sup>. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида инсон ҳукукларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш воситаси сифатида Омбудсман<sup>2</sup> институти ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳукуклари бўйича вакили (омбудсман) мансабдор шахс бўлиб, унга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳукуклари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги конун хужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳукуклари бўйича вакили институти инсон ҳукуклари ва эркинликларини ҳимоя қилишининг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради. Омбудсман Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳукуклари тўғрисидаги конун хужжатларини такомиллаштириш ва уларни ҳалқаро ҳукуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, ҳалқаро

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Олий Мажлисининг инсон ҳукуклари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги конуни (янти таҳрири). //«Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами», 2004, 38-сон, 420-модда.

<sup>2</sup> «Омбудсман» сўзи шведча «ombudsmän» сўзидан олинган бўлдиб, «бирон қиспи манфаатларининг вакили» деган маънои бўлдиради. Омбудсман давомити дунёда биринчи марта 1709 йилда Швеция кироллиги Ҳузуридан жорий қилинган. Ҳозирги вақтда у жаҳоннинг 110 дан ортиқ мамлакатида мавжуд.

ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиласи, фуқароларнинг инсон ҳукуклари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади. Омбудсман ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, конунлари, бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек, халқаро ҳукуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва меъёrlарига амал қиласи.

Омбудсман ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобдордир.

Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан беш йил муддатга сайланади. Омбудсман лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига палаталари кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Президенти томонидан киритилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг Омбудсманни сайлаш тўғрисидаги қарори палаталарнинг мажлисларида Олий Мажлисига Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Омбудсман номзоди Олий Мажлис палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин бу масала юзасидан қабул қилинган узил-кесил қарор Ўзбекистон Президентига юборилади. Омбудсман ўзининг ваколатлари муддати тугагач, янги омбудсман сайлангунига қадар ўз вазифасини бажаришни давом эттириб туради.

Сайланиш куни 25 ёшга тўлган, камида 5 йил Ўзбекистон худудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Омбудсман лавозимига сайланиши мумкин.

Омбудсманнинг ҳисботи ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида эшлиллади. Омбудсманнинг йиллик ҳисботи белгиланган тартибда эълон қилинади. Омбудсман инсон ҳукуклари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро шартномаларнинг

бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикасининг йиллик маърузаларини тайёрлашда иштирок этади.

Омбудсман Ўзбекистон фуқароларининг ҳамда Ўзбекистон худудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўз ҳукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузаётган ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ва у ўз текширувани ўтказиш ҳукуқига эга.

Омбудсман суднинг ваколат доирасига кирадиган масалаларни кўриб чиқмайди.

Омбудсман арз қилувчига ўз ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан ёки арз қилувчи, агар у ҳукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бошқа воситаларидан фойдаланган ҳамда қабул қилинган карорлардан қаноатланмаган бўлса, ўз шикояти бўйича қабул қилинган охирги карордан хабар топган пайтдан эътиборан бир йил давомида берилган шикоятларни кўриб чиқади.

### **3.1.4. Инсон ҳукуклари бўйича Миллий марказ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан 1996 йил 31 октябрда Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташкил этилди<sup>1</sup>. Бу марказ ижро этувчи ҳокимиётнинг таркибий қисми бўлиб, у инсон ҳукукларини ҳимоя қилувчи ташкилот сифатида фаолият кўрсатади. Миллий марказнинг асосий вазифаси инсон ҳукуклари ва эркинликларини муҳофаза қилиш, барча аҳолининг инсон ҳукуклари бўйича маданиятини оширишга хизмат қилишдан иборат.

Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази – ҳукукни ҳимоя қилиш фаолиятини инсон

<sup>1</sup> Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини тузиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. //Халқ сўзи, 1997 йил 3 ноябрь.

хукуклари бўйича халқаро Билль асосида мувофиқлаштирувчи давлат ташкилотидир.

Марказнинг асосий мақсади – устувор вазифаларни ҳар томонлама ҳал этиш йўли билан инсон хукуклари соҳасидаги Миллий фаолият дастурини – хуқук ва эркинликларни ҳимоя этишининг кўп жиҳатли тизимини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбик этиш, жумладан:

1) инсон хукуклари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш;

2) хуқуқий ёрам кўрсатиш ва инсон хукукларини суд йўли билан ҳимоя қилиш;

3) инсон хукуқларини суддан ташқари ҳимоя қилиш тизимини яратиш;

4) қўйидаги шахслар хуқукини ҳимоя қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш:

- аҳолининг ижтимоий кам таъминланган қатламлари;
- экологик оғат минтақаларида яшовчи аҳоли;
- диндорлар, турли дин вакиллари;
- озодликдан маҳрум этилган шахслар;
- ҳарбий хизматчилар.

5) инсон хукуклари бўйича ноҳукумат ташкилотлари фаолиятларининг самарали шаклларини ривожлантириш;

6) инсон хукукларига риоя қилиш кафолати сифатида ахборот олиш эркинлигини таъминлаш;

7) инсон хукуклари соҳасидаги таълимнинг кўп мақсадли тизимини – алоҳида ихтисослашган курслардан тортиб оммавий маълумот – танишув дастурларигача ташкил этиш;

8) Ўзбекистонда инсон хукуклари ва эркинликлари тизимини ривожлантириш асосида дунё ҳамжамиятига кириш йўлларини шакллантиришдан иборат.

Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

1. Инсон хукуклари соҳасидаги миллий фаолият дастурини ишлаб чиқиш орқали давлат ва жамоат ташкилотларининг илмий-тадқиқот, таълим ва маърифий фаолиятларини мувофиқлаштириш;

2. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари миллий концепцияси асосида ҳуқуқий давлат миллий мафкурасини шакллантириш;

3. БМТ эълон қилган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча норматив ҳужжатларни босқичма-босқич қабул қилиш орқали Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кишининг самарали механизмини яратиш ҳисобланади.

Марказ фаолияти дастурининг асоси «Инсон ҳуқуқлари Умумжахон Декларацияси»да баён этилган ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг умумбащарий тамойилларидир.

Марказнинг асосий мақсад ва вазифалари қўйидагилардан иборат:

- фукароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида миллий ҳаракат режасини ишлаб чикиш;

- инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш;

- Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан илмий маърузалар тайёрлаш;

- инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари бўйича халқаро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

- инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро икки томонлама ва кўл томонлама битимларни ишлаб чикиш ва эксперт баҳолаш хамда уларни тайёрлаш ишларида қатнашиш;

- давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериб туриш;

- давлат органларига уларнинг инсон ҳукукларини ҳимоя қилишдаги ишларни рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида таклифлар бериш, тарғибот, ўкув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг ахборот базасини барпо этиш;
- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш юзасидан социологик тадқиқотлар ўтказиш ва уларда қатнашиш;
- давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга тавсиялар тайёрлаш;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқиш;
- аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида жамоатчилик ташаббусларини рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш;
- инсон ҳуқуқлари бўйича адабиётлар, телекўрсатувлар ва радио эшлигитиришлар, шунингдек, «Ўзбекистонда демократиялаш ва инсон ҳуқуқлари» даврий нашрини тайёрлаш ва уни чоп эттириш;
- миллий, минтақавий ва халқаро даражада инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантириш;
- инсон ҳуқуқлари масалаларини ўрганиш ва ўқитиш бўйича дастурлар тайёрлаш, конференциялар, семинар ва ўкув курсларини биргаликда ташкил этиш ва бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;
- инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳукуматга қарашли бўлмаган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва сиёсий партиялар билан ҳамкорлик қилиш;
- Ўзбекистан Республикаси ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш бўйича олиб бораётган фаолияти тўғрисида мамлакат аҳолисини, шунингдек, жаҳон жамоатчилигини оммавий ахборот воситалари ёрдамида хабардор қилиб бориш.

### **3.1.5. Амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институти**

Ўзбекистон Олий Мажлиси Кенгашининг 1996 йил 3 декабрдаги 322-1-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузурида Амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институти ташкил этилди. Институтнинг Низомида белгилаб қўйилган асосий вазифалар куйидагилардан иборат:

- амалдаги қонун хужжатларини демократия ва инсон хукуқлари соҳасидаги халқаро нормаларга мувофиқлигини ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларини демократия ва инсон хукуқлари соҳасидаги халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- инсон хукуқлари соҳасидаги халқаро хукукий меъёрларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- қонунчилик иши механизмини такомиллаштириш ва химоя қилиш бўйича хукукий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, шунингдек амалдаги қонун хужжатларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;
- институтлар ва халқаро ташкилотлар билан Ўзбекистонда инсон хукуқлари мониторинги соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш;
- қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш, шу жумладан, хорижий эксперталар ва институтларни жалб этган ҳолда экспертизалар ўтказиш;
- амалдаги қонунларнинг рўёбга чикарилиши ва уларнинг ижросини назорат қилиш механизмини такомилаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;
- қонунчилик ишлари юзасидан жорий ва истиқболга мўлжалланган режалар ҳамда дастурларга доир таклифлар ишлаб чиқиш.

Юқорида қайд этилган вазифаларни бажариш учун институт Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин кўмиталари ва комиссиялари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.

Мамлакатимиз Президенти илгари сурган таклифлардан бири – «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиш таклифи. Ушбу қонунда ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини химоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аник чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизmlарни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий меъёrlар кўзда тутилиши даркор. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши жамоавий меҳнат низоларини ҳал этишга ҳисса қўшади, ижтимоий барқарорликни таъминлашга кўмаклашади, ходимларнинг меҳнатга доир ҳуқуқларининг самарали кафолатланишига хизмат қиласди.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири – нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантириш. Бугунги кунда мамлакатимизда жамият хаётининг турли соҳаларида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони 5100 дан ортиқдир. Агар бу кўрсаткични 2000 йилдаги ҳолат билан қиёсласак, уларнинг сони икки ярим бараварга кўпайганлигини кўрамиз. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамияти институтлари тизимида марказий ўрин тутади.

Шунинг учун улар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг мустақиллигини тўла таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқукий, моддий-техникавий жиҳатдан кўллаб-кувватлашга қаратилган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Бу қонунни қабул қилишдан мақсад

күйидагиларда ифодаланади: ННТларни янада ривожлантириш; уларнинг мустакил иш юритишини таъминлаш; уларнинг чинакам мустакиллигини таъминлаш; уларнинг ҳуқук ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш; улар фаолиятини ташкилий-ҳукуқий жиҳатдан қўллаб-кувватлашни кучайтириш; улар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан қўллаб-кувватлашни кучайтириш.

Касаба уюшмаларининг ижтимоий йўналтирилган функцияларининг моҳияти қўйидагиларда намоён бўлади: жамиятнинг интеграциялашувига эришиш; ишлаб чиқариш демократиясини ривожлантириш орқали фуқаролик жамиятини шакллантириш; давлатнинг ижтимоий соҳадаги сиёсатини шакллантиришга қўмаклашиш; жамиятнинг меҳнат потенциалларини сақлаш ва ривожлантириш; бозор муносабатларини ривожлантириш, меҳнат бозорини шакллантириш; жамиятда инсон кадр-қимматини ошириш ва меҳнат фаолиятини ривожлантириш.

Мамлакатимизда ижтимоий воқеликнинг жадал суръатларда ривожланиб бориши, жамиятда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар фуқаролик жамиятининг асосий институтларининг янги функцияларини шаклланишига олиб келмоқда.

Ҳозирги кунда деярли барча жамоат ташкилотлари мамлакатни демократик йўналишда ривожлантириш, муайян соҳалар юзасидан инсоннинг ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш каби масалаларга ўзларининг асосий фаолият йўналишлари сифатида қарамоқдалар. Жамоат ташкилотларига бирлашган фуқаролар улар орқали ўзларининг турли хил манфаат ва ҳукукларини амалга оширишни кўзлайдилар. Бундай шароитда жамоат ташкилотлари олдига фуқароларнинг давлат ишларини амалга оширишда иштирокларини таъминлаш ҳамда уларнинг мавжуд конунчиликка нисбатан ижобий муносабатларини шакллантириш ва шу орқали уларни қонунга итоаткор шахс сифатида тарбиялаш каби янги вазифалар қўйилмоқда.

Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида инсоният олдига муайян мақсад ва вазифаларнинг қўйилиши ҳамда янгидан-янги муаммоларнинг юзага келиши, ўз навбатида, жамоат ташкилотлари фаолият йўналишларининг ўзгариб бориши, ўз-ўзидан унинг ўзгача мохият касб этишига олиб келади. Бинобарин, жамоат ташкилотлари бугунги кунда жамиятни демократлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнининг ажралмас ва зарурий бўғинига алланиб бормоқда. Бундай шароитда уларнинг функциялари доираси кенгайиб бориши ҳамда турли хил шаклларда намоён бўлиши объектив хусусиятга эгадир.

Инсон ва фуқароларнинг асосий хуқук ва эркинликларининг таъминланишини амалда кенг ва тўла рўёбга чиқариш мақсадида ташкил этилган ва шу йўлда фаолият юритаётган Инсон хукуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман), Инсон хукуқлари бўйича миллий марказ, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институти каби бир қатор миллий институтлар ва ташкилотлар қаторида фуқаролик жамияти институтларининг янада кенгроқ таркибини яратиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» ва «Нуроний» жамғармалари, «Ижод» фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотлари самарали фаолият юритмоқда. Бироқ шу ва шунга ўхшашиб фуқаролик институтларининг фаолиятини янада жонлантириш ва ривожлантириш ҳозирги куннинг ўта мухим вазифаларидан биридир. Бундай долзарб вазифанинг бажарилиши йўлида бир қатор амалий ишлар қилинди. Фуқаролик жамияти институтларининг ролини ва аҳамиятини оширишга хисса қўшаётган 200 дан ортиқ қонун хужжатлари қабул қилинди.

Бироқ бу йўлда қилинадиган ишлар ҳали талайгини. Чунки бундай вазифаларнинг долзарб аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир бўлмагани ҳолда уларнинг сўзсиз ижобий ечими ҳаётий

заруратдан ўзга нарса эмас. Чунки моҳият эътибори билан фуқаролик жамияти давлатни ва унинг органлари фаолиятини назорат қилади. Шунинг учун ҳам у зарурдир. Бу зарурат маълум асослар мавжуд бўлган тақдирдагина ўз ҳаётий ифодасини топиши мумкин. Жамоатчилик назорати касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, истеъмолчиларнинг уюшмалари ва шу кабилар оркали амалга оширилади.

Булар халқнинг давлат ҳокимияти билан ўзаро мулоқотини таъминлаб берувчи «кўпприк»дир. Бундай кўпприкнинг мавжуд бўлиши ва унинг яхши тараққий этиши демократик, ҳуқуқий давлат куришни мақсад қилган жамият учун жуда муҳим вазифа, чунки халқнинг давлат ҳокимияти билан ўзаро мулоқотининг йўлга қўйилиши демократия учун асосий омил ҳисобланади. Лекин бундай мулоқотнинг йўлга қўйилиши анча қийин масала. Бу борада давлатнинг ҳам, жамоатчиликнинг ҳам фаоллиги зарур. Мамлакатимиз раҳбарининг илгари сурган таклифлари ана шундай заруратнинг давлат томонидан амалга оширилаётган ҳаётий ифодаларидан биридир.

### **3.1.6. Маҳалла – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти**

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат куриш жараёнида фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан бири – маҳалланинг ўрни бекиёсдир. Маҳалла – бу шарқона «демократия дарсхонаси». Ўзбекистонда фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллаларнинг сони 10 мингдан ортикни ташкил этади. «Маҳалла» сўзи арабча «маҳал» сўзидан олинган бўлиб «истиқомат киладиган жой», «худуд» маъноларини билдиради<sup>1</sup>.

Тарихчи олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий «Бухоро тарихи» асарида бундан 1100 йил илгари маҳалла халқ бошқаруви бўлганligини ёзган эди. «Маҳалла»

<sup>1</sup> Қаранг: Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари./Масъул муҳаррир А. Муҳаммаджонов. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005, 37-б.

атамасига Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугатит турю», Юсуф Ҳос Ҳожибининг «Қутадғу билиг»<sup>1</sup> асарларида ҳам изоҳ берилган. Қадимда маҳалла нафақат ижтимоий, балки маъмурый-худудий тузилма тарзида ҳам эътироф этилган. Алишер Навоййининг «Ҳайратул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши») асарида куйидаги сатрлар учрайди<sup>2</sup>:

*Топғали таъини маҳаллот<sup>3</sup> баҳр,  
Аҳли маҳаллот ойириб, шаҳр-шаҳр.  
Шаҳрлар отини маҳаллот эгиб,  
Бўлди чу юз шаҳр Ҳири от этиб<sup>4</sup>.*

Маҳалланинг «жой» деган мазмуни юкоридаги ташбеҳдан кўриниб турибдики, ўрта асрларда Ҳири деб аталган Ҳирот шаҳри юзта кичик «шахарча» – маҳаллалардан ташкил топган экан.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг маҳалла фаолиятининг ҳукукий асослари яратилди. Бунда маҳаллалар ҳёти билан боғлиқ кўп масалалар билан бир қаторда маҳалла оқсоколини сайлаш тартиблари ишлаб чиқилди.

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла)нинг ўрни бекиёсдир. Чунки бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, маҳалла институти юртимизда минг йиллар давомида синалган ва чукур илдиз отган, аҳолини бирлаштириб турадиган ижтимоий ҳодиса сифатида ривожланиб келмоқда<sup>5</sup>. Айниқса, унинг ҳозирги бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини саклаб қолиш, уларни

<sup>1</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб. «Қутадғу билиг» («Саодатга бошловчи билим»). Сўзбоси муаллифи Б. Тўхлиев; Рассом Ш. Мұхаммаджонов. – Т.: Юлдузча, 1989, 83-б.

<sup>2</sup> Навоий А. Ҳайратул-аброр [Таҳир хайъати: А. Қаюмов ва бошк.; Сўзбоси муаллифи А. Ҳайитметов; Масъул мұхаррир: В. Раҳмонов]. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 187-б.

<sup>3</sup> «Маҳаллот» – «маҳалла» сўзининг кўплити бўлиб, «маҳаллалар» маъносини беради. Қаранг: «Бобурнома» учун қисқача изоҳли лугат. /Гузувчи Фатхиддин Исҳоков. – Андижон: «Andijon nashriyoti» таъваоъ ОАҲ, 2008, 94-б.

<sup>4</sup> Маъноси: «Маҳаллалар тайинли бўлиши учун маҳалла аҳлари шаҳар-шахарга бўлинган. Бу маҳаллаларга шаҳарларнинг оти берилган; шунинг учун Ҳиротда юзта шаҳарнинг номи бор». Насрий матн ушбу манбаидан олиди: Навоий А. Ҳайратул-аброр [Таҳир хайъати: А. Қаюмов ва бошк.; Сўзбоси муаллифи А. Ҳайитметов; Масъул мұхаррир: В. Раҳмонов]. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 332-б.

<sup>5</sup> Масалан, Тошкентда XVIII асрда 150 та маҳалла тақиши топган бўлса, XIX асрда уларнинг сони 200 тага стган, XX аср бошларидаги эса 250 та маҳалла бор эди. Қаранг: Қораев С. Тошкент топонимлари. /Масъул мұхаррир А.Р. Мұхаммаджонов. – Т.: Фан, 1991, 32-б.

жипслаштириш кафолати сифатида майдонга чиқаётганлигини яққол кўриб турибмиз.



19-расм. Фуқароларниң ўзини ўзи бошқариш органи

Маҳалла ўзини ўзи бошқариш органларининг энг ёркин кўриниши, айни пайтда фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи деб тан олинганлиги билан ҳам ўзининг юксак мавкеига эга. Мустакиллик йиллари мобайнида жамиятдаги бошқарув тизимларини ислоҳ қилиш, давлат вазифаларини жамоат

ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш, яъни кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш борасидаги ишлар изчил давом эттириб келинмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.


2000 йилдан кейинги даврда бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир кисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масаласига катта аҳамият қаратилди.

Мазкур масалада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифни илгари сурди. Киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчаларда ушбуларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим бўлади: аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалланинг аниқ йўналтирилган фаолиятини белгилаш; маҳалланинг хусусий тадбиркорлик ва оиласвий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш соҳасидаги вазифаларини аниқ белгилаш; маҳалланинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидағи вазифаларини янада кенгайтириш.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадрияtlардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиккан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида амалга оширилади.

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалар фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳудудий бирликларидир.



20-расм. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг тегишли органлари фикрини ҳисобга олган холда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқ ва овуллардаги маҳаллалар фуқаролари йигинлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунарадаги мухрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида хисобга олиниши керак.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг учинчи сессиясида 1993 йил 2 сентябрида қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун кишлок, шаҳарча ва овулларда ва улар таркибидаги маҳаллаларда тузиладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқукий ҳолатини белгилаб берди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари – бевосита фуқаролар томонидан сайланадиган органлардир. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутади. Бу сайлов демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуки асосида ўтказилади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш эҳтиёжи мавжуд эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш талаб этилади. Оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар орасидан сайланиши даркор. Шу билан бирга фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг роли ва аҳамиятини оширишга эришиш лозим. Шунинг учун ана шу мақсадларга эришишга замин ҳозирлайдиган тегишли чора-тадбирларни таъминлаб берадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда, таклиф этилмоқда<sup>1</sup>.

Маҳалла деганда, авваламбор, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган ва ривожлантирадиган, шу билан бирга, келажак авлодлар кандай бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи, ҳаёт мактабини тасаввур этамиз.

<sup>1</sup> Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўйма мажлисидағи маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2010, 45-46-б.

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатида йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, мазкур органларнинг бошқарув тизимидағи кўламининг кенгайиб бориши билан хукуқий давлатнинг ўз ваколатларини демократик тамойиллар асосида амалга ошириши учун қулай ва кенг имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Ривожланган демократик мамлакатларда XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, давлат бошқарувининг марказлашувини чеклаш натижасида ўзини ўзи бошқариш органлари жамиятнинг асосий институтларидан бирига айланди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш (Фарбда «муниципиал» дейилади) деганда, муайян маъмурий-худудий бирликдаги аҳоли ваколатларини ифода этадиган, шунингдек, сайланган органлар ва уларнинг маъмуриятлари томонидан амалга ошириладиган, маҳаллий аҳамиятга эга ишларни бошқариш тушунилади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш демократик тамойиллар асосидаги бошқарувдир. Унинг асосий белгилари қуидагилардан иборат:

1) мазкур органларнинг фуқаролар томонидан тўғридан-тўғри сайланиши;

2) маҳаллий аҳамиятга эга ўзини ўзи бошқарувнинг нисбатан мустақиллиги; 1985 йил 15 октябрда Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги Европа хартияси»нинг З-моддасида бу тушунча қуидагича ифодаланган: «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш деганда, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз масъуллигида, маҳаллий аҳоли манфаатлари асосида, қонунлар доирасида унинг давлат ишларининг аксарият кисмини бошқариши ва уни реал уddaрай олиш қобилиятига айтилади. Бу хукуқлар эркин, яширин, тенг ва тўғридан-тўғри умумий сайловларда сайланган аъзолардан иборат кенгашлар ёки мажлислар ўзларига хисобот бериб борувчи ижроия органларига эга бўлиши мумкин. Бу қоидалар фуқаролар мажлисларига, референдумлар ёки фуқаролар

тўғридан-тўғри иштирок этишининг қонун йўл қўйган бошқарушига мурожаат этишни истисно этмайди».

Гарб жамиятшунос олимлари маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга доир тушунчаларнинг назарий жиҳатларини ҳам ишлаб чиққанлар. *Биринчи назарияга* биноан, «маҳаллий бошқарув» деганда, давлат бошқарувидан куйидаги барча бўғинларни, «маҳаллий ҳокимият «деганда эса, «сайланган кенгаш ва унинг ижроия органлари воситасида ўз сайловчилари манфаатларини ифода этувчи ва ҳаракат қилувчи ташкилотлар» тушунилади. Шунингдек, «маҳаллий ўзини ўзи бошқариш» – «миллий бошқарувдан куйи даражадаги демократик автоном бирликларнинг маҳаллий аҳоли манфаатлари асосида жамоатчилик муаммоларининг аксарият қисмини мувофиқлаштириши ва бошқариши»дир.

Конституциявий асосдан келиб чиқиб, 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонуннинг 1-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тушунчаси қуйидагича таърифланди: «*Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланшининг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урғодатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиши борасидаги мустақил фаолиятидир*».

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари тизими тушунчаси ва унинг хукукий макоми ривожлантирилди ва улар илгор демократик мамлакатлардаги хукукий мезонлар даражасида ифодалана бошланди.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, машхур олим Алексис де Токвилнинг талқинича, «шундай бир сиёсий институтки, у нафақат сиёсатчилар учун, балки, умуман барча фуқаролар учун бир мактабдир. Бу институтга хос бўлган имкониятлар шу қадар юксакки, у фуқароларнинг кенг сиёсий иштироки учун шарт-шароитлар яратиб беради. Ўзини ўзи бошқариш

органлари сиёсий маданият элементларини шакллантиришнинг ҳам бекиёс омилидир. Охир-оқибатда бу органлар фаолияти сиёсий тизимнинг бир бутун барқарорлиги ва мослашувланигини таъминлаб беради. Миллат жамоавий институтларсиз ҳам эркин ҳукумат шакллантириши мумкин. Лекин у эркинликнинг ҳақиқий руҳига эга бўла олмайди».

ХХ асрнинг иккинчи ярмида *иккинчи назария* пайдо бўлди. Ушбу «умумий фаровонлик давлати» назарияси билан боғлиқ ҳолда, муниципал (ўзини ўзи бошқаришга доир) концепция ҳам пайдо бўлди. Муниципалитетлар жамиятнинг барча табақалари манфаатларини таъминловчи ва кўриқловчи ижтимоий хизмат кўрсатиш воситаси сифатида қаралди. Европа, Шимолий Америка ва Япония каби мамлакатларда муниципал кенгашлар макоми ҳуқуқий жиҳатдан муниципал ижроия бошқарувидан юқори кўйилган бўлиб, уларнинг ваколатига қўйидагилар киради: маҳаллий бюджетни қабул қилиш, юқори ташкилотлар томонидан ҳал қилинмаган айрим масалалар бўйича меъёрий қарорлар қабул қилиш, маҳаллий солиқларни жорий этиш, шунингдек, кўпчилик давлатларда муниципалитетнинг ижроия раҳбарлик органларини ташкил этиш ва уларни назорат қилиш, маҳаллий референдумларни белгилаш.

АҚШ ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам муниципалитетлар муҳим ўрин эгаллади. Муниципал мактаблар, шифохоналар, кутубхоналар, санитария ишлари, сув билан таъминлаш, парклар, ёнғинга карши хизматларни бошқариш асосан муниципал кенгашлар тасарруфидадир. Айрим мамлакатларда (масалан, Германияда) кенгашлар ўз ваколатларини ижроия органларига бериш ҳуқуқига ҳам эга.

Собиқ СССР даврида маҳалланинг мазмуни ва вазифалари бутунлай сохталашибилган эди. Бу даврда маҳаллалар ўз ҳуқуқий мақомини йўқотди. Уларнинг асосий фаолияти собиқ коммунистик партиянинг маҳаллий ташкилотларини қўллаб-куватлашдан, шунингдек, шўровий одатларни тарғиб қилиш, оиласалардаги маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказища коммунистик партиянинг «кўз ва қулоғи» бўлиб туриш каби вазифалардан иборат бўлиб келди. Бу даврда қадимдан

маънавият, таълим ва тарбия масалаларини ҳал этиб келган маҳаллаларнинг ўрни деярли йўққа чиқарилди.

Мустакиллик даврига келиб, фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг конуний мақомини мустаҳкамлашга, уларни фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир жиддий ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистонда маҳаллалар миллий мустакиллик даврига келибгина ўзини ўзи бошқариш органига айланди. Ўзбекистон Конституцияси маҳалланинг мақомини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида мустаҳкамлади.

Мамлакатимизда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йигинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳукуқий мақомини олди. Жумладан, мустакиллик даврида юртимизда 10 мингдан кўпроқ ўзини ўзи бошқариш органлари шаклланган бўлса, улардан 8142 тасини маҳалла фуқаролар йигинлари ташкил этади. Маҳалла мустакил ташкилот сифатида қайтадан мустаҳкамланди ва уларнинг аксарияти ўз қадимги номлари ва ҳалқ ўртасидаги обрў-эътиборларини қайтадан тиклаб олди.

Шу ўринда айтиш лозимки, маҳалла – ёшлар қалбида меҳроқибат, ўзаро тушуниш, аҳиллик, бағрикенглик, юксак маданият ва маънавият уруғларини қадайдиган улуғ маскан. Фуқаролик жамияти ва унинг институтларидан бири бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳакида сўз борар экан, беихтиёр сўзимиз яна бир муҳим мавзуга келиб тақалади. Мустакилликнинг ҳозирги босқичида мамлакатимиз келажаги ҳисобланган ёшларда, умуман, аҳоли ўртасида ватанпарварлик, миллий ифтихор туйғусини шикллантириш ниҳоятда долзарб масаладир. Аммо, Президентимиз фикрича, бу соҳада олиб борилаётган ишлар ҳали ҳам давр талаби даражасида эмас. Баъзи ёшларда пайдо бўлаётган шахсий худбинлик, майший бузуклик, ахлоқий тубанлик, катталарнинг насиҳатларига эътиборсизлик, Фарбнинг баъзи бизга мос келмайдиган жараёнларига (порнография, гиёҳвандлик, жинсий бузуклик) берилиб кетиши, турли экстремистик гурухларга ёшларимизнинг билиб, билмасдан кириб қолиши, жамоатчилик

фиқрини менсимаслик каби салбий хислатлар ватан истиқболига нисбатан бўлган лоқайдликнинг натижасидир. Агар лоқайдликка қарши курашилмаса, у келтириб чиқарадиган оқибатлар тузатиб бўлмас зарар ва кулфатларга айланади. Бундай лоқайдликнинг оқибати айниқса, маънавиятда, биринчи галда, ёш авлод маънавиятида ўзини намоён этади.

Маънавият соҳаси вакили сифатида бугун кўз ўнгимизда содир бўлаётган вокеликларни теран назардан ўтказар эканмиз, ўз ечимини кутаётган бир талай саволларга рўбарў келамиз. Бугунги аксарият ёшлар ўз билим ва дунёкарашини бойитиш мақсадида вактини кутубхоналарда – аждодларимиздан колган бой маънавий ва маданий меросимизни ўрганишга сарфляяпти. Лекин барча ёшлар билим олиш учун кутубхоналарга ошиқаяптиларми? Йўқ, аксинча, баъзи ёшлар хориж сериалларини томоша қилиш билан вақт ўтказаяпти. На матни ва на мусикасида маъно бўлган, Фарбга кўр-кўронга таклиддан бошка ҳеч нарсага ярамайдиган рок, поп ва бошка гурухлар халқимиз минг йиллар мобайнида яратган, ҳаққоний шарқона маданий-маънавий мерос даражасига етказган, юракнинг энг нозик торларини чертадиган мумтоз мусиқамизнинг ёрқин намунаси бўлган «Шашмақом» наволари, Хоразм, Фарғона, Бухоро мақомчилик мактаби дурдоналарини ёшларимизнинг қалбидан ҳайдаб чиқарайпти.

Айтинг-чи, муқовасини замонамизнинг «юлдузлар»и безаётган дафтарларни кимдир бизга четдан олиб кирайптими? Йўқ, асло. Улар ўзимизда ишлаб чиқарилаяпти, «моддий манфаатдорлик» дея аталмиш сержилва олам бизни сехрлаб қўймоқда. «Қўлнинг кири» деб баҳолангандар тутам бойликни болаларимиз тарбиясидан афзал кўраяпмиз. Бўлмаса, дафтарлар муқовасини Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Хоразмий, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Нодирабегим, Бобораҳим Машраб сингари ўнлаб мутафаккирларимизнинг сиймолари, меъморчилик маданиятимиз намуналари, табиат ғаройиботлари билан безатиб, ҳикматли сўзлар билан бойитмасмидик?! Бу билан дафтарларнинг харидоргирлигини янада оширмасмидик?

Ўқувчи-талабалар эса сержило дафтарларга, нодир ҳикматли фикрларга эга бўлмасмиди?!

Шу ўринда машхур грузин ёзувчиси Нодар Думбадзе сафар хотираларида битган бир воқеа хаёлимизда гавдаланади. Қайсиdir йили бир делегацияяга қўшилиб, АҚШга бориб қолган ёзувчи бу ердагиларнинг аксарияти енгилгина футболкалар кийиб олганини кўриб, либосини ўзгартирибди. Кейин у қаерга борса, одамлар эгнидаги кийимга қараб кулишармиш. Ёзувчи ҳайрон, ҳамма шу русумда кийинган бўлса, нега факат унигина калака қилишаяпти, ҳатто бармоғини бигиз қилиб кўрсатаётганлари ҳам учраб турибди.

– Йўлбошловчимиздан бунинг сабабини сўрасам, у ҳам футболкамдаги ёзувни ўқиб, қаҳ-қаҳ отиб кулди, – дея хотирлайди адаб. – Билсам, айнан футболкамга «Фалон рақамили хавфли жиноятчи» деб ёзилган экан. Мана, Сизга Фарбнинг оддийгина маҳсулотида илгари сурилаётган ғоялардан бир мисол!

Асл маданият, у қайси замон ва қайси маконда бўлмасин, бир хилда – юксак дид ва буюк эҳтиром билан қабул қилинган ва қабул қилинади. Навоий қаламидан тўкилган асарларни дид билан ўқиб, Беҳзод миниатюраларига ҳайратланиб боқмаган Фарб кишинини, Моцартнинг қалбидан яралган куйларни ўзгача завқ билан тинглаб да Винчи мўйқаламидан битилган асарларга тикилиб боқмаган Шарқ вакилини учратиш қийин. Бироқ тарихий тараққиётнинг маълум бир палласида шундай бир тоифа одамлар пайдо бўлдики, улар ўз ахлоқсизликларини «маданият» тушунчаси остида талқин қилдилар ва шундай талқин қилмоқдалар.

XX асрнинг иккинчи ярмида Фарбда юзага келган «оммавий маданият» (ғарбча айтсан, «поп-культура») – бу моҳият эътибори билан ахлоқсизликдан ўзга нарса эмас. Ахир инсон табиатига ёт бўлган қарашлар ва турмуш тарзи маданий тубанлашувнинг аломати эмасми? Маънавий оқсоқлик Фарб дунёсида шундай даражага етдики, бугун шаҳватпарастлик, бузуқлик, эркакнинг эркак билан, аёлнинг аёл билан никоҳдан ўтиши одатий бир холга айланди. Инсонийликка ёт бўлган

бундай одатлар ҳатто ҳайвонот оламида ҳам учрамайди! Барча оламлар Парвардигори муқаддас Куръони Каримда «одам жинсини қолган барча мавжудотлардан мўътабар қилиб яратдим» деган.

Яна бир ҳолат – миллий кийим масаласи. Қадимдан инсон қайси миллатга мансуб эканини, биринчи навбатда, уларнинг кийимига караб ажратишган. Ҳар бир миллат ўзига хос кийиниш маданиятига эга. Фақат XIX-XX асрларда ва бизнинг асrimизда эса дунё ҳалқлари кийиниш соҳасида бир-бирига яқинлаша бошлади. Замонавий модалар пайдо бўлди. Биз Шарку Ғарб маданиятида ҳамкорлик таъсирлари кучайиб бораётган бир даврда яшаяпмиз. Кейинги пайтларда жамиятимизда миллий қадриятларимизга тамомила номуносиб бўлган турли ҳолатларга, нафақат исломий, балки ҳақиқий инсоний ақидаларимизга ҳам тўғри келмайдиган ишларга гувоҳмизки, бундай ҳолат кийиниш маданиятида ҳам кўзга ташланмоқда. Қизларнинг тиззадан юқори юбка кийишлари, киндикларини очиб юришлари, шарм-ҳаёсиз, ярим ялангоч ҳолатда юришлари, афсуски, кўп учрамоқда.

Бундай кийиниш миллий маънавий-ахлоқий анъаналаримизга ёт бўлишидан ташқари, бевосита хотин-қизларнинг саломатликлари учун ҳам заарлидир. Бундай «мода»да юриш оқибатида қор-ёмғирли кунларда қизларнинг буйрак шамоллаши ва бошқа оқибати хунук хасталикларга йўлиқишлиари юз бермоқдаки, бу тўғрида шифокорларимиз матбуотда, радио ва телевидение орқали чиқишилар қилмоқдалар. Бу ачинарли ҳақиқатлар ўзларининг бекиёс илмий ва маънавий салоҳиятлари ҳамда инсоният тамаддуни ривожига салмоқли ҳисса кўшган буюк алломаларни яратган юртимиз аҳли учун гоятда номуносиб ва ўта ташвишлидир. Ватанга бундай юксак муҳаббат туйғуси миллий либосларга муносабатда ҳам якқол кўзга ташланади. Чиройимизга чирой, кўркимизга кўрк қўшадиган миллий либосларимиз қадрини баланд тутайлик. Либослар қадр-қиммат ва ор-номус кўзгуси ҳамда миллий маданият рамзиdir.

«Хозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва, аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити, деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёнилар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашии нақадар муҳим эканини англаб олмоқда» (И.А. Каримов).

Маданият – аслида нисбий тушунчада. Бу тушунчанинг шаклланишида инсонни ўраб турган мухит, турмуш тарзи, муносабатлар тизими алоҳида ўрин тутади, десак хато бўлмайди.

Сўнгти йилларда миллий турмуш тарзимизга мутлақо ёт ва бегона бўлган заرارли одатлардан бири «Валентин куни»ни нишонлаш баъзи ёшларимиз орасида қандайдир урфлашиб бормоқда. «Валентин куни»нинг асл моҳиятини тушунмаган аксарият «ошиқ-маъшуқлар» бу кунни байрам килишмокда. Ҳатто баъзи ўзбек тилидаги радиоэшиттиришларда шу кунда айрим ошиқларнинг ўз маъшуқаларига билдирган севги изҳорларини миллионлаб ёшларга эшиттирган ҳолда етказиб ҳам кўйишиди.

Ҳолбуки, шу кунда, яъни 14 февраль санасида буюк аждодимиз Захириддин Мухаммад Бобур таваллуд топган. Захириддин Мухаммад Бобур буюк шоир ва давлат арбобидир. З.М. Бобур ўзбек мумтоз адабиётининг улкан намояндаси хисобланади. Унинг номи ва мероси бошқа давлатларда ҳам кенг тарқалган. Унинг «Бобурнома»си инсониятнинг юксак маънавий мулкидир. 2010 йилнинг 14 февраляда юртимизда ва бошқа хорижий давлатларда Бобур таваллудининг 527 йиллиги кенг нишонланди. Ҳалқимизни, айниқса, келажак авлодни – юртимиз ёшларини Захириддин Мухаммад Бобур ҳаёти ва унинг фаолияти билан яқиндан таништириш, ўйлаймизки, ёшларимизни она-юргатга муҳаббат, тўғрилик ва адолат, инсонпарварлик ва гўзалликка интилиш руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шу асосда биз Захириддин

Мухаммад Бобур билан маънавий бирлашиб, улуг шоирга яқинлашавермиз.

Телевидение кўрсатувлари ва радио эшилтиришларини янада яхшилаш лозим. Уларда маънавиятимизни юксалтирган буюк шахслар ҳакида ҳужжатли фильmlар, уларга оид материаллар янада кенгроқ ва кўпроқ намойиш этилса, бунинг самараси факат ижобий бўлган бўларди.

Бугунги глобаллашув шароитида турли шаклдаги, хусусан, «оммавий маданият» кўринишидаги мафкуравий хуружларга қарши кураш, бунинг учун халқни-халқ, миллатни-миллат қилиш Ўзбекистон мустақиллигини асраб-авайлаш, жамиятдаги барқарорликни сақлашнинг муҳим воситасидир. Маданият, маънавият одамлар уларда мужассам бўлган қадриятларнинг ҳаётдаги устуворлигини тан олган ва уларга амал қилгандагина яшаб қолади. Ҳар қайси миллатнинг маданий ва маънавий савиясини кўтарадиган мезонлар мавжуд. Энг асосийси интеллектуал онг, юксак маънавият, миллий дунёқараш ва эътиқоддир. Шу маънода, республикамида фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари ана шу масалага жиддий эътибор қаратиши, миллий маданиятимизни асраб-авайлашга ва уни янада ривожлантиришга муносиб хиссаларини кўшиши лозим.

1991 йил дунё сиёсий харитасида янги мустақил давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Бу тасодифий ёки фавқулодда ходиса эмасди. Ўзбекистон мустақиллиги мамлакатимиз халқлари асрий орзусининг рӯёбга чиқиши, олиб борилган машаққатли курашларнинг маҳсулидир. Бугунги кунда мамлакатимиз жамиятни янгилаш, ҳукуқий демократик давлат куриш, бозор иктисадиётини такомиллаштириш, миллий ва маънавий қадриятларни келгуси авлодларга етказиш, қишиларнинг турмуш фаровонлигини ошириш йўлидан бормоқда. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнини таъминлаш, унинг чинакам буюк келажагига замин ҳозирлашга қаратилган бу йўл мураккабликлар, кийинчиликлар ва муаммолардан ҳам холи эмас.

Бугунги кунда келажак авлодни маънавий баркамол тарбиялаш ўта мухим аҳамият касб этмоқда. Чунки мамлакатизда бошланган ва чукур илдиз отиб бораётган иқтидор ислоҳотларнинг ижобий самараси ва қолаверса, келажаги бўлавлат куришдек ўта масъулиятли ва мухим вазифанинг даражада ҳал этилиши айнан мазкур масаланинг ечим бевосита боғлиқдир десак, ҳеч бир муболага бўлмайди. Маънавий баркамол авлодни тарбиялаш масаласининг пайсан солиниши ёки бунга панжа ортидан қараш, буни қандайди мавҳум ёки ўз-ўзидан амалга ошиб бораверадиган хоси сифатида тушуниш ва шундай баҳолаш ўта калтабинлик бўлур эди. Зоро, Президент Ислом Каримов ибораси билан айтганда, «қаердаки бепарволик ва лоқайдлик хукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда хушёрик ва жонкуярлик, юксак акл-идрок ва тафаккур хукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади»<sup>1</sup>.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳалқимиз, айникса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, бой маънавий меросимизга, миллий анъана ва қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг мухим йўналишларидан бирини ташкил этади.

Ҳалқимизнинг табиатига хос бўлган юксак маънавият асрлар мобайнида бизга ҳамроҳ бўлиб келмоқда. Бу ҳамроҳлик бизни тарихимизнинг ўта оғир паллаларида ҳам тарқ этганий ўқ, аксинча, юксак маънавият оғир вақтларда ҳам бизнинг кучимизга куч, кувватимизга қувват бахш этиб келди. Тарихий ва бошқа омиллар асосида асрлар оша шаклланиб ва кувватланиб келган маънавият бугунги мана шундай тарихий паллаларда у янада қудратли куч сифатида ўзини намоён этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида маънавиятнинг маъно-мазмуни, инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти, назарий ва амалий жиҳатлари

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 116-б.

енг қамровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этилиб, истиқлол йилларида миллий маънавиятимизни тиклаш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилган.

Халқимиз маънавий ҳаётининг ўзагига айланган бир қатор тушунчалар мавжуд. Маънавиятимизнинг чукур мазмунини ифода этадиган ва теран илдизга эга бундай тушунча ва ибораларнинг ўзга тилларга таржимаси мавжуд эмас десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Дейлик, ўзбекчилик, қадр-қиммат, меҳру-оқибат каби тушунчаларни бошқа тилларга ўгириш жуда қийин масаладир. Халқимиз ҳамжиҳатлигининг рамзига айланган бундай тушунчалар менталитетимизнинг ўзига хос ва алоҳида бир хусусиятини ташкил этади. Ана шу ва шу каби халқимизнинг ўз табиатига хос бўлган бошқа фазилатларига четдан туриб раҳна солмоқчи бўлган, уни парчалаб ташлашга уринадиган ва керак бўлса, йўққа чиқаришга бел боғлаган кучлар ҳар доим бўлган.

Хозирги таҳликали замонда ҳам бундай кучларни йўқ деб айта олмаймиз. Шундай экан, ўз ақл-идроқи билан оқу қорани фарқлай оладиган, яхшини ёмондан ажратса оладиган, маънавияти юксак ёшларга кўпроқ эътиборни қаратиш ва ҳали маънавияти етарли даражада шаклланмаган, биз жаҳон саҳнасида қандай ҳалқ бўлганмизу ва ҳозирда қандай мақсадлар сари интилаётганимизни тўла англаб етмаган, ақлий ва маънавий салоҳияти паст ёшларимизни эса бундай салбий ва тажовузкор кучлар таъсирига тушиб қолишига йўл кўймаслик ҳар биримизнинг олий инсоний вазифамиз бўлиши лозим.

Агар халқимиз ва, айниқса, ёшларимизнинг маънавий етуклиги борасида жиддий қайғурilmас экан, бир кун келиб маънавиятимизда, Президентимиз таъбири билан айтганда, бўшлиқ пайдо бўлиши табиий. Агар айтиш мумкин бўлса, маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай зарба бизнинг ўз олдимизга қўйган энг улуғ ва муқаддас мақсадларимизга, бу йўлдан бизни тойдиришга уринадиган ва шунга қаратилган

Бугунги кунда келажак авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки мамлакатимизда бошланган ва чуқур илдиз отиб бораётган иқтисодий ислоҳотларнинг ижобий самараси ва қолаверса, келажаги буюк давлат қуришдек ўта масъулиятли ва муҳим вазифанинг қай даражада ҳал этилиши айнан мазкур масаланинг ечимиға бевосита боғлиқдир десак, ҳеч бир муболаға бўлмайди. Маънавий баркамол авлодни тарбиялаш масаласининг пайсалга солиниши ёки бунга панжа ортидан қарааш, буни қандайдир мавхум ёки ўз-ўзидан амалга ошиб бораверадиган холат сифатида тушуниш ва шундай баҳолаш ўта калтабинлик бўлур эди. Зоро, Президент Ислом Каримов ибораси билан айтганда, «қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб кўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади»<sup>1</sup>.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳалқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, бой маънавий меросимизга, миллий анъана ва қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирини ташкил этади.

Ҳалқимизнинг табиатига хос бўлган юксак маънавият асрлар мобайнида бизга ҳамроҳ бўлиб келмоқда. Бу ҳамроҳлик бизни тарихимизнинг ўта оғир паллаларида ҳам тарқ этганий йўқ, аксинча, юксак маънавият оғир вақтларда ҳам бизнинг кучимизга куч, кувватимизга кувват бахш этиб келди. Тарихий ва бошқа омиллар асосида асрлар оша шаклланиб ва кувватланиб келган маънавият бугунги мана шундай тарихий паллаларда у янада қудратли куч сифатида ўзини намоён этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида маънавиятнинг маъно-мазмуни, инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти, назарий ва амалий жиҳатлари

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият. 2008, 116-б.

кенг қамровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этилиб, истиклол йилларида миллий маънавиятимизни тиклаш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилган.

Халқимиз маънавий ҳаётининг ўзагига айланган бир қатор тушунчалар мавжуд. Маънавиятимизнинг чуқур мазмунини ифода этадиган ва теран илдизга эга бундай тушунча ва ибораларнинг ўзга тилларга таржимаси мавжуд эмас десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Дейлик, ўзбекчилик, қадр-қиммат, меҳру-оқибат каби тушунчаларни бошқа тилларга ўгириш жуда қийин масаладир. Халқимиз ҳамжиҳатлигининг рамзига айланган бундай тушунчалар менталитетимизнинг ўзига хос ва алоҳида бир хусусиятини ташкил этади. Ана шу ва шу каби халқимизнинг ўз табиатига хос бўлган бошқа фазилатларига четдан туриб раҳна солмоқчи бўлган, уни парчалаб ташлашга уринадиган ва керак бўлса, йўққа чиқаришга бел боғлаган кучлар хар доим бўлган.

Ҳозирги таҳликали замонда ҳам бундай кучларни йўқ деб айта олмаймиз. Шундай экан, ўз ақл-идроқи билан оку қорани фарқлай оладиган, яхшини ёмондан ажратадиган, маънавияти юксак ёшларга кўпроқ эътиборни қаратиш ва ҳали маънавияти етарли даражада шаклланмаган, биз жаҳон саҳнасида қандай ҳалқ бўлганмизу ва ҳозирда қандай мақсадлар сари интилаётганимизни тўла англаб етмаган, ақлий ва маънавий салоҳияти паст ёшларимизни эса бундай салбий ва тажовузкор кучлар таъсирига тушиб қолишига йўл кўймаслик хар биримизнинг олий инсоний вазифамиз бўлиши лозим.

Агар ҳалқимиз ва, айниқса, ёшларимизнинг маънавий етуклиги борасида жиддий қайғурilmас экан, бир кун келиб маънавиятимизда, Президентимиз таъбири билан айтганда, бўшлиқ пайдо бўлиши табиий. Агар айтиш мумкин бўлса, маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай зарба бизнинг ўз олдимизга қўйган энг улуғ ва муқаддас мақсадларимизга, бу йўлдан бизни тойдиришга уринадиган ва шунга қаратилган

зарбадир. Маънавиятимизда бўшлиқ пайдо бўлса, бу бўшликнинг четдан туриб сукулиб кирадиган баъзи салбий кучлар ва оқимларнинг таъсири остида тўлдирилиши эҳтимоли юзага келади.

Бу эса, ўз навбатида, жамиятимизда тузатиб бўлмайдиган жароҳатни келтириб чикаради. Буни баъзи халкларнинг тарихига ва ҳаётига қараб кўриш ва бундай оқибат келтириб чикарадиган фожиани англаш мумкин. Бунинг учун инсонда фақат соғлом фикр бўлса бас.

Шунинг учун барчамиз ўз вактида қатъият ва изчиллик билан турли заарли оқимларга қарши бел боғлашимиз лозим. Акс ҳолда, қалби, сўзи ва амали беғубор ёшларимизни бундай жирканч оқимлар гирдобига тушиб қолишига йўл кўйиб берган ёки шунга имкон яратиб берган бўламиз. Ана шу ўринда маънавияти юксак ўсмир ва ёшларни тарбиялашда, айниқса, биз устозларнинг ўрни яққол сезилади.

Ёшларимиз, аввало, маънавият нималигини, унинг тубмоҳиятини ва маъно-мазмунини яхши ва тўғри англаб олишлари лозим. Маънавият, Президент Ислом Каримов ибораси билан айтганда, «инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»<sup>1</sup>. Маълум бўлмоқдаки, маънавият, аввало, инсон қалби ва руҳининг поклигидир. Бунда кўз ўнгимизда ҳалол меҳнат қиласиган, мамлакат ободлиги йўлида бел боғлаган, виждони ва руҳи пок, Раҳмон измида юрадиган покиза инсонлар гавдаланади.

Юксак маънавиятни, аввало, ана шундай инсонлар сиймосида кўргандек бўламиз. Узлуксиз маънавий тарбия орқали биз ёшларимизда ҳам ана шундай сиймоларни яратадоламиз. Чунки маънавият инсон қалбига факат она сути ва оила тарбияси орқалигина сингиб қолмасдан, мураббий ва устозларнинг Ватанга муҳаббат руҳи билан сингдирилган

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 19-б.

маънавий тарбияси орқали билан ҳам шаклланиб, чуқур илдиз отиб боради.

Агар ёшларимизнинг маънавиятни тушунишларини истасак, аввало, уларнинг қалбига инсонни қадрлаш, катталарга хурмат, кичикларга иззат каби буюк инсоний ғояларни сингдиришга эришишимиз лозим.

Шу билан бир қаторда Ватанни севиш ва ўтмишни англаш каби ғояларни ҳам сингдиришга эришишимиз даркор. Чунки ҳар бир ҳалқнинг маънавияти унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларини ҳам қамраб олади. Бу борада бизнинг бой ўтмишимиш ва кўхна тарихий обидаларимиз ёшларимиз учун туганмас маънавий билим ўчоги ва манбаи бўлиб хизмат қиласди.

Маънавияти теран инсонга ўз ҳалқининг ўтмиши, маънавий ва маданий мероси билан ғуурланиш ва фахрланиш туйғуси бегона эмас. Бизнинг қадимий ва гўзал диёrimiz нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлган.

Бу табаррук заминдан буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиқкан, дунёвий ва диний илмларнинг, айникса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари бекиёс бўлган.

«Авесто», ҳалқимиз томонидан узоқ асрлар давомида яратилган оғзаки ижод намуналари, хусусан «Алпомиши», «Гўрўғли» каби ўнлаб достонларимиз, «Наврўз» ва бошқа миллий анъана ва байрамларимиз, мукаддас динимиз ва унинг жамиятимиздаги ўрни, буюк аждодларимиз, хусусан, Термизий, Ином Бухорий, Ином Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Баҳоуддин Накшбанд, Хоразмий, Ахмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий сингари улуғ зотлар ва Шарқнинг буюк бобоколонларини билмаган ва англамаган инсонни юксак маънавиятли ва умуман маънавиятли дейиш мумкинми? Асло мумкин эмас.

Ўзини билмаган, ўзлигини англамаган инсон ўзганинг қадрини биладими?! Маънавиятли инсон нафақат ўзини ва ўзлигини анлаган инсон, балки ўзгаларни ҳам тўғри тушу надиган инсондир.

Лекин биргина ўтмишни англашнинг, боболар қолдирган бебаҳо мерос билан фаҳрланишнинг ўзи етук маънавиятли инсон бўлиш учун етарли эмас. Балки шу билан бир қаторда ўтмишда содир бўлган хунрезликлар ва уларнинг салбий оқибатларини ҳам билиш ва шу асосда тарихда юз берган воқеаларни ҳаққоний баҳолай олиш қобилияти ҳам бўлиши лозим.

## **3.2. Оила ва жамият**

### **3.2.1. Оила мустаҳкамлиги – жамият мустаҳкамлигининг асоси**

Инсон маънавиятининг шаклланишига таъсир кўрсатадиган омиллар қаторида *оила* ва унинг ўрнини кўра билмаслик мумкин эмас. Чунки таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, оила инсон маънавияти шаклланишининг илк ўчогидир. Ахир инсон маънавият борасида илк тушунчаларни айнан ана шу оила кучогида, ота-она, ака-опа бағрида олмайдими?! Ахир яхшилик ва эзгулик, меҳр-оқибат ва меҳрибонлик каби улуғ туйғулар боланинг оила бағрида ўтказган илк йилларида шаклланмайдими?! Ана шу ўринда, Президентимиз ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида келтирган қизик бир фактни эслайлик: «Инсон ўз умри давомида оладиган барча информацийнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан»<sup>1</sup>.

«Бола бошидан», дейди ҳалқимиз. Агар биз фарзандларимизнинг бахту камолини, иқболу зафарини кўришни истасак, фарзандларимизнинг оиласида оладиган тарбиясига алоҳида эътиборни қаратишимиш лозим. Бола туғилган кунидан бошлаб оила мухитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урғ-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 53-б.

одатлар бола зуваласини шакллантиради. Ўз ота-онаси, акуаси, опа-синглиси, қўни-кўшнисига хурмат руҳида ўсан фарзанд албатта, келажакда Ватанини улуғлайдиган, тўғри йўлдан оғишмайдиган, фидойи инсон бўлиб вояга етиши шубҳасиз. Бундай фарзандлар бир кун келиб бутун бир жамиятимизнинг фахрига айланадилар.

Оила давлат ичра кичик бир давлат, жамият ичра кичик бир жамиятдир. Унинг ҳам ёзилган меъёру-коидалари ва ёзилмаган тартибу интизомлари бор. Унга қараб жамият барқарорлиги ва тинчлиги тўғрисида хулоса қиласидилар. Унга қараб тараккиётдан башорат қиласидилар. Унга қараб ривожланишини белгилайдилар. Унинг хотиржамлиги йўлида не меҳнатлар килинмади, не машаққатлар чекилмади, не ашклар тўкилмади. Унинг бардавомлигини таъминлаш йўлида кимлар қалам чекмади, кимлар ашъор битмади.



Бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Оила – кишилар ҳаётининг энг муҳим қисми, жамиятнинг кичик хужайраси, ижтимоий-маданий организм. Оила – кишиларнинг табиий-биологик (жинсий муносабатлар, уй-рўзгорни бошқариш), хуқуқий (масалан, никоҳни фуқаролик холати далолатномаларини қайд этиш органи – ФХДЁда рўйхатга олиш), маънавий (эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги севги, меҳр-муҳабbat туйғуси ва шу кабилар) муносабатларига асосланадиган бирлик<sup>1</sup>. Демак, оила кишиларнинг табиий, иктисадий, хуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирликдир<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабот луғат. // Муаллифлар: М. Абдуллаев, М. Абдуллаева, Ф. Абдуллаева, Г. Абдураззокова ва бошқ.; Р. Рўзиев ва Қ. Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи напри - Т.: Шарқ, 2006. – 297-298-бетлар; Тиллаева Г.Ҳ. Оила ва инсон камолоти. – Т.: Фалсафа ва хуқуқ институти ноширилик бўлими, 2011, 7-9-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. /А.А. Азизхўжаев, Ф. Абдумажидов, М.А. Ахмадзяева ва бошқ.; Масъул мухаррир А.А. Азизхўжаев; ЎзР Аддия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти. – Т.: Ўзбекистон, 2008, 245-б.

Оила фуқаролик жамиятининг таянч нуктасидир. Бу муқаддас масканда инсон дунёга келади, айнан мана шу ерда у маънавий ва ахлоқий жиҳатдан камол топади. Оила эр-хотин, уларнинг бола-чақалари, энг яқин туғишганларидан иборат кишилар гуруҳи, яъни хонадон ҳисобланади.

Оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади. Оила мустаҳкамлиги – бу жамият мустаҳкамлиги ва демак, давлат барқарорлигининг асосидир. Ўзбекистон Президенти<sup>1</sup> И.А. Каримов таъбири билан айтганда, «*оила соглом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордор*»<sup>2</sup>.

Оила деб аталмиш қўргонда авлодлар камол топади. Шунинг учун бу кургоннинг мустаҳкам ва барқарор бўлишига эришиш нафақат маълум бир мамлакат доирасида, балки дунё миқёсида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мана шу маънода масалага эътибор бериладиган бўлса, дунёдаги йирик ва нуфузли халқаро ташкилот – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Бош Ассамблеяси 1994 йилдан эътиборан хар йили 15 май кунини «Халқаро оила куни» сифатида нишонлашга қарор қилганлиги таҳсинга лойик ишдир. 1948 йил 10 декабрда Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 217A(Ш) резолюцияси билан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»<sup>3</sup> 16-моддасининг 3-қисмида «*Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилиншига ҳақли*» деб белгиланган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> «Президент» сўзи латинча *praesidens* (*praesidentis*) сўзидан олинган бўлиб, «олдинда ўтирувчи» маъносиги билдиради.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – сентилмас куч. – Т.: «Матнавият», 2009. – 58-бет; Каримов И.А. Бизнинг ийтишимиз – демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини извол давом этитириш иўлидир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йилингина бағициланган тантанали маросимда киlgan матбузаси. //Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

<sup>3</sup> «Декларация» сўзи французча *declaration* – «баёнот» деган маънони билдиради. Декларация – алоҳида сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатларининг уларга тантанали хусусият берини, уларнинг давлат миқёсидаги аҳамиятини таъкидлаш мазмунига эга бўлганноми.

<sup>4</sup> Ўзбекистон «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»га 1991 йилнинг 30 сентябрцида қўшилган. Мазкур халқаро ҳужжат мустақиликка эртидан Ўзбекистон Республикаси қўшилган бироринchi халқаро ҳужжат хисобланади. Бу эса ўз набавтида, Ўзбекистон Конституциясида таъқидланади. Ўзбекистоннинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг ўзбекча матни бўйича қаранг: *Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар*: тўплам /Ўзбекча наприминг масъул муҳаррири А.Х.Сандов. – Т.: Адолат, 2004;

Дастлабки маълумотларга кўра, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси сони 29559,1 минг кишини ташкил этди ва 2011 йилнинг 1 январига нисбатан 435,7 минг кишига кўпайди. 2011 йилда туғилганлар сони 626,9 минг кишини, ўлганлар сони 144,6 минг кишини ташкил этди. Республика аҳолисининг 51 фоизи (15069,6 минг киши) шаҳар жойларда, 49 фоизи (14489,5 минг киши) қишлоқ жойларда истиқомат килади<sup>1</sup>. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда<sup>2</sup>. 2012 йилга мўлжалланган режаларда давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, унинг аксарият қисми, аввало соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият тармокларини юксалтиришга каратилган<sup>3</sup>.

1998 йил мамлакатимизда «Оила йили» деб эълон қилинди. Республикаимизда «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилди. Мамлакатимизда оила манфаатларига каратилган амалий тадбирларнинг мантикий давоми сифатида «Аёллар йили» (1999 йил), «Соғлом авлод йили» (2000 йил), «Она ва бола йили» (2001 йил), «Қарияларни кадрлаш йили» (2002 йил), «Обод маҳалла йили» (2003 йил), «Мехр-мурувват йили» (2004 йил), «Сиҳат-саломатлик йили» (2005 йил), «Хомийлар ва шифокорлар йили» (2006 йил), «Ижтимоий ҳимоя йили» (2007 йил), «Ёшлар йили» (2008 йил), «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» (2009 йил), «Баркамол авлод йили» (2010 йил) деб эълон қилинди.

Масалан, 11 та йўналишни ўз ичига камраб олган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг 2-йўналиши «Она ва болаларни репродуктив саломатлиги муҳофазаси тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини кучайтириш ва ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш»

Сиројков F. Ийсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига шарҳлар. – Т.: Адолат, 1999; Ийсон ҳуқуқлари тўрсисида халқаро бўлью. – Т.: Адолат, 1992.

<sup>1</sup> Манба: Давлат статистика қўмитаси Ахборот хизмати.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовинг Бирдаштан Миллатлар Ташкилоти Бони Ассамблеясининг Мингийлилк ривожланши мажлисидағи нутқи. [2010 йил 20 сентябр]. Хорижий ижтимоий-сийесий донорлар вакилларининг муносабатлари ва шарҳлари / И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2011, 10-б.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. //Халқ сўзи. 2011 йил 8 декабрь.

деб номланган бўлиб, унда оналар, болалар ва ўсмирларни соғлигини муҳофаза тизимини ривожлантириш ва уларга шарт-шароитлар яратиш мақсадида оналар ва ўсиб келаётган авлод учун репродуктив тиббий ёрдам сифатини янада ривожлантириш, қишлоқ худудларида бўлажак оналар учун бепул тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш, республикамиздаги кўпгина тиббий хизмат муассасаларини қайта таъмирлаш ишларини амалга ошириш, барпо этилган тиббий масканларни замонавий тиббиёт жиҳозлари ва мебеллари билан таъминлаш, тиббиёт ходимларини малакасини ошириш, болалар боғчаларини моддий-техник базасини ривожлантириш ва уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ишларини олиб бориш кўзда тутилган эди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг «Ёш оиласарга гамхўрликни кучайтириш ва уларга хукуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш ҳамда соғлом ва мустаҳкам оиласи барпо этиш учун шарт-шароитлар яратиш» деб номланган 9-йўналишида эса ёш оиласарга нисбатан ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг хукуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оиласарни шакллантириш мақсадида ҳокимликлар ёш оиласарга уйжойлар харид қилиш учун кредитлар бериш, худудларда 32 та хонадонларни ёш оиласарга кейинчалик харид қилиш шарти билан ижарага бериш, 42 та баҳт уйларини қуриш ва қайта таъмирлаш, ёш ва кам таъминланган оиласарга ҳар ойда моддий ёрдамларни амалга оширишда кўмаклашиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоги эканини тан олишимиз даркор»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига

<sup>1</sup> Каримов И.А. Оила фаровонлиги – мигълат фаровонлиги. / Хавфсизлик ва баркарор тараккӣёт йўлида: Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 400-б.

бағишенгандын тантанали маросимда «Бизнинг йўлими – демократик ислоҳотларни чукурлаштириши ва модернизация жараёнларини изчил давом этитириши йўлиди» мавзусида маъруза килди. Унда Президентимиз мамлакатимизда 2012 йилни «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилди. Бу бежиз эмас, албаттага. Бунинг негизида юртимизда оила институтини, аввало, ёш оиласарни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, оила таянчи бўлган аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш, маҳалла тизимининг бу борадаги ролини кучайтириш, муҳтасар айтганда, оила фаровонлигини ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш каби мақсадлар мужассам<sup>1</sup>. Ҳақли савол туғилади: ҳар қайси йилга ном беришдан мақсад нима? Бундан кўзда тутилган асосий мақсад – бутун халқимиз, жамиятимизнинг орзу-ният ва интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимизнинг равнақига хизмат қиласидан энг устувор йўналишни аниқ белгилаб олиш ва уни амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишдан иборатдир.

### 3.2.2. Мустаҳкам оиланинг қонуний асослари



Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бормоқда. Бу буюк мақсадга эришиш йўлида жамиятнинг асосий бўғини бўлган оила муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда оила институтининг ривожланиши ва жамиятимизда оиласарни баркамол қарор топиши йўлида асос бўла оладиган қонунчилик тизими яратилган. Хусусан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида<sup>2</sup> ҳеч бир давлатнинг асосий қонунида учрамайдиган маҳсус боб мавжуд. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби бўлиб, у «Оила» деб номланган. Мазкур боб 4 та моддани – 63–

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. – «Халқ сўзи» газетаси, 2011 йил 8 декабрь.

<sup>2</sup> «Конституция» сўзи латинча (constitutio) сўздан олинган бўлиб, «тузилиш», «тузуу», «курилиш» деган лугавий маънога эга.

66-моддаларни ўз ичига олади<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида ушбу юридик норма белгилаб қўйилган:

*«Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши ҳуқуқига эга.*

*Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади».*

Оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб, тузган иттифоки, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оиласда болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳакида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади.

Барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Никоҳ тузиш чоғида жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавкеи ҳамда бошка ҳолатларга кўра, ҳуқуқларни муайян тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга, бевосита ёки билвосита афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралashiшга йўл қўйилмайди.

Оилавий муносабатларда фуқароларнинг ҳуқуқлари фақат конунга асосан ва фақат оиласдаги бошка аъзоларнинг ҳамда ўзга фуқароларнинг ахлоқи, шаъни, кадр-қиммати, соғлиғи, ҳуқуқлари ва конун билан қўриклиданадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида зарур меъёрдагина чекланиши мумкин.

Никоҳ тузиш ихтиёрийдир. Никоҳ тузиш учун бўлажак эрхотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш таъқиқланади.

<sup>1</sup> 1978 йилнинг 19 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон ССРининг Конституциясида оила масаласига фақат битта – 51-модда бағишланган эди. 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган мустакил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эса никоҳ ва онда масалаларига тўртта модданинг бағишланганни давлат томонидан оиласга канчалик эътибор караштаганнинг кўрсатади. Конституцияга эга бўлган давлатларнинг барчасида Конституция мамлакатининг бош – Асосий конуни санадиб, унда давлат ва жамият ҳаётининг ўта муҳим масалалари тартибга солинади, бошка ёч бир норматив-ҳуқуқий хужжатининг унга зид келтиши мумкин эмаслиги алоҳида белгилаб қўйилади (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 16-моддасининг 2-кисми мазмунида).

Ўзбекистон Конституциясининг 64-моддасида ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ҳамда давлатнинг болаларга нисбатан ғамхўрлиги тартибга солинган:

*«Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқши ва тарбиялашга мажбурдирлар.*

*Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқши, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишиланган хайрия фаолиятларни разбатлантиради».*


Оила аъзоларининг ўз хукуқларини амалга оширишлари ҳамда ўз мажбуриятларини бажаришлари оиласининг бошқа аъзолари ва ўзга шахсларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги шарт.

Ўзбекистон Конституциясининг 65-моддасида шундай дейилади:

*«Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.*

*Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади».*

Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир. Ўзбекистон Республикасида оналик ва оталик иззат-икромга ҳамда хурматга сазовордир.



Она ва болалик манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларнинг меҳнати ва соғлигини саклашға доир маҳсус тадбирлар кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни хукуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш йўли билан таъминланади.

Ўзбекистон Конституциясининг 66-моддасида эса ушбу норма белгилаб қўйилган:

*«Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар».*

Никоҳ ва оиласидаги муносабатларни хукуқий тартибга солувчи асосий манбалардан бири Ўзбекистон

Республикасининг Оила кодексидир. Оила кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг 1998 йил 30 апрелдаги қарори билан қабул қилинди ва ўша йилнинг 1 сентябрдан эътиборан кучга киритилди. Мазкур Оила кодекси ўз номи ва мазмун-моҳияти жиҳатидан 1969 йил 6 июнда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодексидан тубдан фарқ қиласи. Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодекси 1968 йилнинг 27 июнида қабул қилинган «СССР ва иттифоқдош республикаларнинг Никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асосларини тасдиқлаш ҳакида»ги сабиқ СССРнинг қонуни асосида яратилган бўлиб, унда белгиланган юридик нормалар Асосларда назарда тутилган нормаларга мувофиқ бўлиши, зид келмаслиги талаб этиларди.

Шу сабабли сабиқ Иттифоқдаги республикалар аҳолиси-нинг ўзига хос урф-одатлари, маҳаллий ва миллий хусусиятлари эътиборга олинмаган ва ҳамма учун бир хил шакл ҳамда мазмунга эга бўлган қоидалар жорий этилган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча масалаларда, шу жумладан, ҳукук тизимида ҳам тобеликдан воз кечилди. Қонунлар Ўзбекистон шароити ва жамият талаблари ҳамда эҳтиёжлари асосида, шу билан бир қаторда, қарор топган тарихий ва миллий анъаналарни инобатга олган ҳолда янгича асосларда қабул қилинадиган бўлди. Ўзбекистоннинг Оила кодекси ҳам ана шундай қонунлардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ва оила тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва хурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида куришдан, бирор-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўймаслиқдан, оила аъзолари ўз ҳукуқларини тўсқинликсиз амалга ошириши ҳамда бу ҳукуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Никоҳ ФҲДЁ органларида тузилади. Никоҳни қайд этиш никоҳланувчи шахслардан бирининг яшаш жойидаги ФҲДЁ органлари томонидан амалга оширилади. Алохида ҳолларда

никохни қайд этиш касалхона ёки уйда амалга оширилади. Никохни қайд этиш тантанали вазиятда амалга оширилиши мумкин. Никоҳланувчилар ФҲДЁга никоҳ қайд этилишидан бир ой илгари никоҳга кириш тўғрисида ариза берадилар. Никоҳга киришни хоҳловчилар ариза бериш чоғида ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни, илгари никоҳда бўлган шахслар эса, аввалги никоҳ тугатилганлиги ҳақидаги ҳужжатларни ҳам тақдим этиши лозим.

Никоҳ тузилганлиги қайд этилганидан кейин никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади. Шу билан бир вактда шахсни тасдиқловчи ҳужжатларга никоҳ қайд этилганлиги тўғрисида белги қўйилади.

Никоҳ тузиш вактида эр ва хотин ўз хоҳиши билан эри ёки хотинининг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлайди ёки уларнинг ҳар бири никоҳгача бўлган ўз фамилиясини саклаб колади. Никоҳланувчи шахслар никоҳга кириш тўғрисидаги аризаларида умумий фамилия олиш ёки никоҳ тузилганидан кейин ҳам ўз фамилиясида қолиш ҳақидаги истакларини кўрсатишлари шарт. Эр-хотиндан бирининг фамилияси ўзгарганда шахсни тасдиқловчи ҳужжатга уни алмаштириш лозимлиги тўғрисида белги қўйилади. Эр ва хотиндан бирининг ўз фамилиясини ўзгартириши бошқасининг ҳам фамилияси ўзгаришига олиб келмайди.

### **Никоҳ тузиш вактида томонларнинг фамилия танлаш имкониятлари**

	Йигитнинг фамилияси: Сатторов	Кизнинг фамилияси: Маҳмудова
<i>Ҳар ким ўз фамилиясида қолади:</i>	Сатторов	Маҳмудова
<i>Киз йигитнинг фамилиясига ўтади:</i>	Сатторов	Сатторова
<i>Йигит қизнинг фамилиясига ўтади:</i>	Маҳмудов	Маҳмудова
<i>Қўши фамилия ҳосил қилиши мумкин эмас:</i>	Маҳмуд-Сатторов	Маҳмуд-Сатторова
	Саттор-Маҳмудов	Саттор-Маҳмудова

Тергов изоляторларида, озодликдан маҳрум этиш тарикасидаги жазони ижро этувчи муассасаларда сакланадиган шахслар билан тузиладиган никоҳни қайд этиш ушбу муассаса жойлашган ердаги ФҲДЁда қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг ФҲДЁга ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади. Узрли сабаблар бўлганда ФҲДЁ бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин. Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола тугилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкин. ФҲДЁ никоҳни рўйхатга олишни рад этганда, шикоят билан бевосита судга ёки бўйсунишига кўра юқори турувчи органга мурожаат қилиниши мумкин.

Никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланади. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Никоҳланувчи шахслар давлат соғликни саклаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўриқдан ўтадилар. Эллик ёшдан ошган никоҳланувчи шахслар тиббий кўриқдан ўз розилиги билан ўтказилади. Никоҳ ФҲДЁ органларида рўйхатта олинган пайтдан бошлаб никоҳни тузганлар эр-хотин деб хисобланадилар ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади. Эр ва хотин оиласида тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эгадирлар.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар,

шунингдек, маҳсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) киради.

Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қофозлар, пайлар, омонатлар, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлар ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.



Эр ва хотиндан бири уйрўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин

умумий мол-мулкка нисбатан тенг хуқукқа эга бўлади.

Эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг хуқуқларга эгадир. Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкини тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганда бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга оширилаётганлигини англатади. Эр-хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиш юзасидан амалга оширган битими бошқасининг бунга розилиги бўлмаганлиги сабаблигина билдирган талабига биноан ва факат битимни амалга оширган иккинчи томон амалга оширилган битим юзасидан эр (хотин) рози эмаслигини олдиндан билгани ёки

билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳолларда суд томонидан ҳакиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Кўрсатилган битимни тузишга нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибida ҳакиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳаклидир.

Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тарикасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади. Никоҳ давомида эр-хотиннинг умумий мулки ёки улардан ҳар бирининг мол-мулки ёхуд эр ва хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкнинг қиймати анча ошишига олиб келган маблағлар (капитал таъмиглаш, қайта куриш, қайта жиҳозлаш ва бошқалар) кўшилгани аниқланса, эр ёки хотиндан ҳар бирининг мол-мулки уларнинг биргаликдаги мулки деб топилиши мумкин.

Никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқук ҳамда мажбуриятларини



белгиловчи келишуви **никоҳ шартномаси** деб ҳисобланади. Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан

бошлаб кучга киради. Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Эр ва хотин никоҳ шартномасига кўра биргаликдаги умумий мулкнинг конунда

белгиланган тартибини ўзгартиришга, эр ва хотиннинг барча мол-мулкига, унинг айрим турлариға ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргалиқдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўрнатишга ҳақлидир. Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янги қабул қилинадиган норматив-хукуқий ҳужжатларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаб ва эҳтиёжлари акс этиши лозимлигини, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётганлигини, мазкур масалага жамиятнинг алоҳида эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилаётганлигини таъкидлаш керак.

Мустаҳкам оила қуриш, фаровон ва баҳтли турмушни яратиш, авваламбор оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковатига, оила, жамият ва давлат олдидаги ўз масъулиятлари ва бурчларини чукур англашига боғлик. Лекин юксак орзу-умидлар билан кенг ҳаётга эндиғина қадам қўяётган ёш оиласарни моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб-кувватлаш, уларга имтиёзлар ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш учун биринчи галда давлат ва жамият масъулдир.

2012 йилга мўлжалланган режаларда Давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, унинг аксарият қисми, аввало, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият тармокларини юксалтиришга каратилган. Иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар микдори 20 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса 22-24 фоизга кўпайиши белгиланмоқда<sup>1</sup>. Юртимизда ёш оиласарга кўрсатилаётган дикқат-эътибор ва ғамхўрлик ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бундай саъй-харакатлар изчил давом эттирилиши лозимлигини тан олмоқ ва таъкидламоқ даркор.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. //Халқ сўзи. 2011 йил 8 декабрь.

«2012 йилда 2009 йилда бошланган ва халқимизни, авваламбор қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг келажагини ўйлаб амалга оширилаётган, бутун жамиятимизнинг эътибор марказида турган, яъни қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларни куриш, коммунал-маишӣ шароитларни яратишга қаратилган дастурни давом эттириш кўзда тутилмоқда. 2011 йилда 7 минг 400 та оила умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метр бўлган, ҳар томонлама кулай уй-жойларга, замонавий шароитларга эга бўлган бўлса, 2012 йилда 8 минг 510 та оила шаҳар шароитидан ҳеч кам бўлмаган ана шундай янги уй-жойларга кўчиб кириши мўлжалланмоқда»<sup>1</sup>.

Оила мустаҳкамлигини таъминлашда фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида, «ҳақиқий демократия дарсхонаси»<sup>2</sup>, «халқ виждони»<sup>3</sup> сифатида эътироф этиладиган маҳалла тизимининг ўрни бекиёсdir. Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта «маҳалла» тушунчаси Конституциямизга киритилди. Маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб кўйилди. Қабул қилинган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида маҳалланинг жамиятимиздаги, кундалик ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенгайтириш, унинг нуфузи ва обрў-эътиборини янада ошириш масалаларига алоҳида аҳамият берилган.

Оиланинг таълим-тарбия муассасалари билан ҳамкорлиги, яъни мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасалари (лицей ва коллежлар), олий ўкув юртлари билан амалий ҳамкорлигини янада кучайтириш вазифалари Давлат дастуридан мухим жой эгаллаган.

Чунки халқимиз орасида қарор топган азалий қадриятларни асрраб-авайлашда, маънавий ҳаётни юксалтиришда, жамиятда инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, бизнинг миллий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. /Халқ сўзи. 2011 йил 8 декабрь.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юқсак маънавият – сингилмас куч. – Т.: Матнавият. 2009, 59-6.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Бизнинг йўлнимиз — демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йилнингга бағишланган тантанали маросимда қўлган маърузаси. – «Халқ сўзи» газетаси, 2011 йил 8 декабрь.

табиатимиз ва урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай заарали, бузғунчи ғоялар ва таъсирларга қарши туришда оила ва таълим-тарбия муассасалари мустаҳкам таянч вазифасини ўтайди.

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Оила фаровонлиги миллий фаровонлик асосидир. Дунёқаралини мақсадлари бутунлай ўзгача бўлган янги авлодни тарбиялаш, уни турли-туман ёт таъсирлардан асраб-авайлаш, ҳеч кимдан кам қилмай вояга етказишда оила институти шубҳасиз, мустаҳкам ўрин тутади.

Халқимиз азалдан ҳалоллик, покизалик, имон-эътиқод, инсоф-диёнат, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, камтарлик, ватанга садокат, илмпарварлик каби фазилатлари билан жаҳонга танилган. Айниқса, шарқона андиша, меҳр-оқибат, хайр-саҳоват, одоб-ахлоқ, иффат ва ҳаё, юриш-туришда камтарлик, муомала, тавозе ва катталарга хурмат, кичикларга шафқат, бошқача айтганда, сийрату сурати билан доим намуна бўлиб келган. Айни шу жиҳатлар халқимиз орасида абадий хаётий қадрият сифатида қон-қонимизга сингиб кетган.

Инсон маънавиятини юксак поғоналарга кўтарувчи мана шу омиллар асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб, халқимизнинг маънавий бойлиги сифатида эъзозланган. Бу ажойиб хислатлар бизнинг юртимизда биринчи навбатда, оилада ота-оналар томонидан фарзандлар қалбига ёшлиқдан чукур сингдирив келинади.

Чунончи, пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадис-шариғларидан бирида: «Ота-онанинг ўз фарзандларига берган яхши таълим-тарбияси ва одобидан улкан ҳадя йўқдир», - деб марҳамат қилинган. Шу жумладан, кийиниш маданияти ва одобида ҳам бизнинг аждодларимиз ҳавас қиласи даражада ажралиб турганлар. Энг қувончлиси шундаки, мустакиллик шарофати билан бу азалий қадриятлар янгитдан жилоланиб, уларни халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгига сингдиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Инсон маънавий камолотининг ўчоқларидан яна бири маҳалладир. Бизда маҳаллага алоҳида эътибор қаратилади. Чунки фарзанднинг келажакда қандай инсон бўлиб улғайишига

маҳалла аҳли ҳам маълум таъсирини ўтказиши шубҳасиз. Қолаверса, бизда «бир болага етти қўшни ота-она» деган пурмаъно мақол бор. Агар маҳалладошлар аҳил ва иноқ бўлсалар, демак, бу ерда вояга етадиган болалар ҳам ақлли ва фаросатли, меҳрибон ва ўзгаларга ёрдам беришга доимо ҳозиру нозир бўлиб улғаядилар.

Эски тузум даврида беписанд караб келингган, унугилаёзган гўзал қадриятларимиз мустақиллик йилларида қайта тикланди. Жумладан, маҳалланинг хуқуқий мақоми белгиланиб, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузи оширилди.

Маънавиятнинг, тарбиянинг шаклланишига табиийки *таълим* бевосита таъсир кўрсатади. Қолаверса, бу икки тушунчаларни бир-биридан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди, балки улар ўзаро чамбарчас боғланган тушунчалардир. Шунинг учун биз «таълим-тарбия» деб гапирамиз. Таълим-тарбия ишларининг қай даражада эканлиги маънавият даражасини ҳам кўрсатиб беради. Агар маънавиятни юксалтиришни, ёшларимизни маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялашни мақсад қилган эканмиз, таълим-тарбия ишларига алоҳида эътиборни қаратишимиш лозим. Таълим-тарбия ишлари Конституцияда белгиланганидек, давлат назоратидадир. Лекин фаҳм-фаросатли, келажакни ўйлайдиган, Ватанини улуғлайдиган инсон борки, таълим-тарбий ишларидан четда турмайди, албатта. Бу масалалар остида айнан мамлакатимизнинг эртанги қиёфаси турибди. Фарзандларимизни ўз мустақил фикрига ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий максади бўлиши лозим.

*Маънавият ва мафкура* масалалари Президент И. Каримов асарида илгари сурилган энг муҳим ғоялардан бўлиб, «Тараккиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қиласди» деб кўрсатилиши бунинг ёркин далилидир. Муаллиф таъкидлаганидек, техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки канотидир.

Шунинг учун ҳам Ислом Каримов ҳар бир фукаронинг мустақиллик тафаккурини кенг тушуниши лозимлигини таъкидлайди ва бу тушунчанинг моҳиятини қуидагида изоҳлади:

- Ўзбекистоннинг истиқболи ва истиқололи ҳақида қайғуриш;
- ўзининг ва ўз халқининг, ватанинг қадру қиммати, орномусини англаб, уни ҳимоя қилиш;
- юксак ғоялар, янги қашфиётлар, ниятлар оғушида меҳнат қилиб, истеъоди, бор имкониятини, керак бўлса жонини юрт истиқболи, элига баҳшида этишdir.

Максадимизга эришишимиз – янги жамият қуришимиз, сиёсатда ҳам, иқтисодда ҳам, маънавият соҳасида ҳам барча ислоҳотларнинг тақдири ўсиб келаётган ёш авлодга боғлиқ. Мустақил давлатимизнинг бугунги бош шиорларидан бири – элим деб, юртим деб ёниб яшашидир. Юртга, ватанига муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари каби ноёб инсоний фазилатларни асраб-авайлаш, янада такомиллаштириб фарзандларимиз қалбига сингдириш, уларни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносаб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи керак.

Бу фикрлар Президентимизнинг ёшларга бўлган бехад ғамхўрлиги бўлиш билан бирга уларга катта ишончи ва чақириғи эканлигини ҳар бир ўқувчи, талаба англаб олиши лозим. Шунга кўра, Ватан тарихи ва маданиятини, жўғрофияси ва иқтисодини, қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганиш ёшлар учун долзарб аҳамиятга эгадир.

Халқимиз, хусусан, ёшларимиз қалбида мунтазам шаклланиб бораётган миллий ғоямиз юрт тинчлиги, Ватан равнаки, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади. Миллий ғоямизнинг асосий мазмунини ифода этадиган йўналишлардан бири мамлакат тараққиётидир. Бу эса, ўз навбатида, фарзандларимизнинг маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқдир. Бундаги асосий вазифалардан бири комил инсонни тарбиялаш, етук мутахассисларни

етиштиришдан иборат. Буларнинг барчаси бир мақсадга – Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаб, мамлакатимизни дунёнинг энг ривожланган давлатлари каторига чиқариш ва халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратишга қаратилган. Мана шу мақсад барчамизни бир нуқтада бирлаштиради.

Баркамол авлод маънавияти юксак авлоддир ва, аксинча, маънавияти юксак авлод, айни вактда баркамол авлоддир. Мана шу мақсадларга эришиш ҳар биримизнинг энг олий инсоний ва касбий бурчимиш бўлиши лозим.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказища маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди. Бу эса Президентимиз томонидан эътироф этилган, марказий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатларини борган сари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказиб бориш лозимлиги хусусидаги ғоянинг амалдаги тасдиғидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат бошқаруви соҳасидаги ислоҳотлар натижасида маҳалла институтининг роли тобора ошиб бормоқда. Бу эса фуқароларимиз турмуш тарзининг янада яхшиланишида маҳалла институтининг ўрни ва роли накадар бекиёс эканини кўрсатиб бермоқда. Маҳаллаларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сифатидаги мавкеини янада ошириш, роли ва аҳамиятини тобора кучайтириш мақсадида, Президентимиз Ислом Каримов ва ҳукумат томонидан жуда кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинди. Фақат бизга хос маҳалла институти бошқа давлатларда учрамайдиган, бетакрор миллий қадрият ва анъаналарга асосланган жамоавий тузилмадир. Маҳалла бошқаруви давлат ҳокимияти органлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Мустақилликнинг кўлга киритилиши билан тарихан қиска вакт ичida мамлакатимизда:

- совет давридаги эски маъмурий-буйруқбозлиқ тизимиға барҳам берилди;
- миллий давлатчиликни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди;
- давлат ҳокимиятининг бўлиниш тамойтили амалга оширилди;
- фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти изчил йўлга кўйилди;
- эркин бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёни амалга оширилди.

Давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислохотлар натижасида:

- мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилди;
- Президент ваколатларининг бир қисми парламентнинг юкори палатаси – Сенатта ўтказилди;
- Бош вазир ҳуқуқ ва ваколатлари кучайтирилди;
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан Ўзбекистон Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият раҳбари эканини белгилайдиган норма чиқариб ташланди;
- парламентдаги кўпчилик, парламентдаги мухолифат каби тушунчалар қонунда акс эттирилди;
- сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларини Конунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш бўйича ташкилий-ҳуқукий чоралар кўрилди;
- Бош вазир лавозимиға номзод бўйича сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашиш тартиби, унинг парламент томонидан тасдиқланишининг катъий белгиланган тартиб ва механизми жорий этилди;
- парламентга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик билдириш ҳуқуқи берилди;
- давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифалари маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказилди ва бошқалар.

### **3.2.3. Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва оиласвий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш – давр талаби**

Президентимиз ташаббуси билан 2011 йил мамлакатимизда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинди. Бу борада Давлат дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳозирги пайтда жамият тараққиётининг энг муҳим масалаларидан бирига айланган.

Хусусий тадбиркорлик фаолиятининг негизини хусусий мулк ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Асосий қонуни – Конституциясининг 53-моддаси иккинчи қисмида «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор факат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин» деган ҳукукий меъёр белгиланган. Бу хусусий мулк муҳофазаси борасида давлат ҳимояси кафолатланишининг бирламчи манбаидир. Конституция хусусий мулк ва бозор иқтисодиётига асосланган янги ижтимоий сиёсий тизим негизини яратиб берди. Давлат мулки қаторида хусусий мулк ҳам муҳофазаланди.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов 2010 йилнинг 12 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидағи «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусида қилган маъruzасида алоҳида таъкидлаганидек, давлат хусусий мулкдор ҳукуқларининг ҳимоячисидир.

Хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас. Хусусий мулк жамиятда

рақобатни ва бозор муносабатларини ривожлантиришнинг асосий омилидир. Давлатнинг хусусий мулкдор хукуқларининг ҳимоячисига айланиши ҳар бир тадбиркор учун ўз тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида инвестициялар киритишига бехавотир бел боғлашига замин ҳозирлайди. Давлат тадбиркорнинг мустаҳкам ва барқарор ҳимоячиси эканлигининг қонуний таъминланиши орқали тадбиркорларда ўз ишига бўлган қизиқиши янада оширишга, уларни ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришига, ўз фаолиятининг самараси бўлган маҳсулот ҳажми ва қўлга киритилаётган даромаднинг кўпайишига эришилади. Щунинг учун хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни қонуний мустаҳкамлашни кўзда тутувчи «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар хукуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш давр талабига айланган ҳақиқатдир.

Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳакли. Мулкдор эса, Ўзбекистон Конституциясида белгиланганидек (54-модда), мулкига ўз хоҳишича эгалик қиласди, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Айникса, тадбиркорликнинг ривожлантирилиши тадбиркорларнинг ўз мол-мулкига эга бўлишларини ва бу мол-мулк давлат томонидан лозим даражада ҳимоя килинишини тақозо этади.

Концепцияда Президент томонидан илгари сурилган тақлиф мамлакатимизда хусусий мулк ва тадбиркорлар, ишбилармонлар манфаатларини қонуний ҳимоялашнинг муҳим асосига айланди. Иқтисодий жиҳатдан эркин бўлган фуқаро, ҳақиқий мулкдоргина ўз мол-мулкини самарали тасарруф этишдан, ўз бойлигини кўпайтиришдан манфаатдор бўлибгина қолмай, балки бутун мамлакатни бойтишга ҳам кодир бўлади. Шу сабабли иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги муҳим босқичидаги вазифа хусусий мулк ва мулкдорлар манфаатларини янада самарали, қонуний ҳимоя қилиш механизмини яратишдан иборат. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда хусусий мулкнинг қонуний ҳимоя тизими

яратилишининг самараси ўлароқ мулкдорларнинг ғоят кенг қатламларини вужудга келтиришга туртки бўлади.

Мамлакатда чинакам мулкдорлар синфи шаклланган тақдирдагина ислоҳотлар сезиларли самара беради, мулкчилик масалалари ҳал бўлади. Тадбиркорлар ва мулкдорлар синфи давлат ва жамият қурилишида, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб туриш ва мустаҳкамлашда муҳим роль йўнайди. Мулк шаклларининг хилма-хиллиги ва, биринчى навбатда, хусусий мулк ҳар қандай давлатнинг демократик негизлари барқарорлигининг иқтисодий асоси ҳисобланади.

Аҳоли орасида ҳақиқий мулкдорлар қатламишининг кўпчиликни ташкил этиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни орқага қайтариш ёки уларнинг бир жойда депсиб қолиши хавфини бартараф этишнинг кафолатидир. Шу сабабли биз иқтисодий ўзгаришлар жараёнини мамлакатимизда мулкдорларнинг чинакам синфини шакллантиришдек долзарб вазифани ҳал қилиш билан боғлаймиз. Бу эса, ўз навбатида, хусусий мулк ва мулкдорлар манфаатларининг муҳофазаси қонун доирасида ижобий ва самарали ҳал этилишини шарт қилиб қўяди.

Одам ўзини чинакам мулкдор деб ҳис этмас экан, ўз хукуқлари ва ишлаб чиқариш самарадорлиги учун мулкдор сифатида курашмайди, жамиятда барқарорликни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилишга интилмайди. Чинакам мулкдорлар синфи мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни изчил амалга ошириш ҳисобига, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, хусусий мулкнинг ва мулкдорлар манфаатларининг чинакам қонуний ҳимоя қилиниши йўли билан шакллантирилади.

Стратегик жиҳатдан олинганда биз кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш вазифасини қўймоқдамиз. Бунда устуворлик хусусий мулкка, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилади. Ўлкамизнинг ўзига хослиги, ишчи кучининг етарли эканлиги, ривожланган қишлоқ хўжалик ва хом ашё базаси, ҳатто айтиш мумкинки, аҳолининг анъаналари, руҳияти кичик ва оиласвий бизнесни, хусусий тадбиркорликни

фаол ривожлантиришни объектив зарурат қилиб қўймокда. Хусусий мулкчилик кишиларни сотилиши ва фойда келтириши мумкин бўлган товарлар ишлаб чиқаришга ундаиди.

Кичик бизнес – жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришга ёрдам берадиган хусусий тадбиркорлар синфининг пайдо бўлиши демакдир. Бу республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан бойитишдир. Бу янги иш ўринлари демакдир. Шуну назарда тутиш керакки, факат хусусий мулк ҳимоясининг самарали таъминланиши, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳисобигагина кескин муаммолардан бири бўлган аҳолининг иш билан бандлиги вазифасини ҳал қилишга қодир бўламиз.

Маълумки, эски тузумда хусусий мулкка эга бўлиш, тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланиш бизга бегона бўлган тушунчалар сифатида баҳоланар эди. Собиқ тузум даврида кишилар онгига хусусий мулк ҳақида тасаввур ҳам йўқ эди. Бугунги кунда эса хусусий мулк тушунчасига нисбатан муносабат тубдан ўзгарди. Бу тушунчанинг ҳаётимизда чукур жой олиб бораётганига барчамиз гувоҳмиз. Дарҳақиқат, демократик ислоҳотларнинг муҳим қисми ҳисбланган иқтисодиётни эркинлаштириш, маҳсулотлар ракобатбардошлигини ошириш, кулаг ва самарали инвестиция муҳитини шакллантириш, банк-молия тизимини - ривожлантириш кўп жиҳатдан хусусий мулк ва тадбиркорлик учун кулаг шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқдир.

Хусусан, Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, хусусий мулкнинг ҳимоясини мустаҳкамлаш, ҳар бир хусусий мулкдорнинг қонуний йўл билан топган мулки дахлсизлигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш зарур. Энг муҳими, бунда давлат хусусий мулкдорлар ҳукукларининг ҳимоячиси эканлиги кафолатланиши лозим. Зоро, ушбу сайд-харакатлар, пировардида, иқтисодиётнинг янада самарали тарақкий этишига хизмат килади. Бинобарин, бозор иқтисодиётига изчил суръатда ўтиб бориш учун, тадбиркорлик фаолиятига янада кенг эркинликлар бериш учун, аваламбор, уларнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш зарур. Ушбу

йўналишда ҳозирги пайтда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Давлатимиз Президенти Ўзбекистон Вазирлар Махкамасининг 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган мажлисида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да мўлжалланган мақсадларга эришиш бўйича дастурий чора-тадбирларни, шу жумладан, хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ишончли тарзда ҳимоя қилинишини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай ишchan муҳит яратиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Хусусий мулк муҳофазаси борасида қонунчилик базаси ва норматив-хукукий базани такомиллаштириш бугунги куннинг устувор ва долзарб вазифалари сирасига киради. Иктисодий ислоҳотларни, янги мулкий муносабатларни шакллантириш ва мустаҳкамлашда мулкдорлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерлар манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

## ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир кисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказишда маҳалла тизимиши шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди. Бу эса Президентимиз томонидан эътироф этилган, марказий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатларини борган сари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказиб бориш лозимлиги хусусидагиоянинг амалдаги тасдиғидир.

